

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«МЕНЕЖМЕНТ ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМИ» ФАКУЛЬТЕТИ

«САНОАТ МАРКЕТИНГИ» КАФЕДРАСИ

«ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ТАРИХИ» ФАНИ БЎЙИЧА

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент – 2004 й

Маъруза матни “Иқтисод” кафедраси йиғилишида 28 август 2004 йил протокол № 1, кўриб чиқилди ва босмага рухсат берилди.

Тузувчи: доц.Хасанов Р.С.
кат.ўқ.Саипова М.П.
асс.Усманова К.А.

Такризчи: проф.Ахметов К.А.
доц.Собирова М.П.

Мавзулар мундарижаси

Кириш

1-мавзу. Қадимги дунё ва феодал жамияти давридаги иқтисодий билимлар.

2-мавзу. Меркантилизм ва илк классик иқтисодий мактабнинг вужудга келиши.

3-мавзу. Адам Смит ва Давид Рикардонинг иқтисодий билимлари.

4-мавзу. Майда ишлаб чиқариш назарияларининг вужудга келиши ва ХУ111-Х1Х асрлар бўсагасида янги иқтисодий йўналишнинг пайдо бўлиши .

5-мавзу. Маркс, Энгельс, Ленин асарларидаги иқтисодий ғояларининг моҳияти ва тарихий тақдири.

6-мавзу. Х1Х аср охири-ХХ аср бошидаги жаҳон иқтисодий ғоялари моҳияти .

7-мавзу. Совет даври иқтисодий билимлари шаклланишининг дастлабки босқичлари .

8-мавзу. Ҳозирги давр гарб иқтисодий билимларнинг шаклланиши, ривож ва уларнинг макро-иқтисодий тахлили .

9-мавзу. Жаҳон ҳўжалиги тўғрисидаги иқтисодий билимлар .

10-мавзу. Ўзбекистон республикасида эркин бозор иқтисодиётини яратишнинг концепциялари ва унинг шаклланиш хусусиятлари.

Кириш

"Иқтисодий билимлар тарихи" курси иқтисодий фанлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Инсоният ўзининг минг йиллик тарихи давомида катта иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Хар бир даврда у ёки бу мамлакатларда айрим шахслар (олим ёки ҳокимлар) томонидан шундай иқтисодий аҳамиятга молик фикр, ғоя, назария, концепциялари илгари сурилган ва амалга оширилганки, бир ҳолда шулар туфайли давлат ва халқаро раванқ топган, баъзида тушкунликка учраган. Ана шу иқтисодий ғоялар хар томонлама чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, улар орасидан умумбашарий аҳамиятларини ажратиб олиб, ҳозирги даврда, яъни ҳаётга тадбиқ этиш ниҳоятда ҳам назарий ҳам фойдалидир. Чунки улардан кўп йиллик тажриба мужассамлашган бўлади.

"Иқтисодий билимлар тарихи" курси иқтисодиёт мутахассислари таёрлашда муҳим фан сифатида ўрганилади. Иқтисодчи бакалавр йўналишида бу фан учун ўқув режаларида 54 соат вақт ажратилган бўлиб, унинг 36 соати маърузалардир. Кафедра томонидан таёрланган ва қабул қилинган намунавий дастур бўйича ўнта мавзу берилган. Ушбу дастур асосида маъруза матнлари таёрланди, кафедра аъзоларидан кат.ўқ.Саипова М.П. асс.Усманова К.А. кафедра мудири доц.Хасанов Р.С. лар иштирок этишди.

Ёрдамчи материалларни таёрлашда проф. Кадиров М.А. ҳам қатнашди.

Маърузалар матнида қадимдан, то ҳозирги давргача пайдо бўлган иқтисодий фикр, ғоя, қараш ва билимларнинг мазмуни, моҳияти, уларнинг эволюцияси (ривожланиши) ва бугунги кундаги аҳамияти мантиқий ва тарихий кетама-кетлик ва намунавий дастур асосида ифода этилади. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш концепцияси ёритилган.

Келтирилган материалларда мавзу, унга оид режа, режадаги саволларга қисқача жавоб, муҳим тушунча ва матнлар рўйхати шаклида тузилди. Адабиётлар рўйхати охирида (асосий ва қўшимча) тўлароқ шаклда берилди.

"Иқтисодий билимлар тарихи" фаннинг предмети бўлиб, маълум даврлардаги у ёки бу синфлар ижтимоий қатламлар инсонлар манфаатларини ифода этувчи иқтисодий ғояларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва алмашувининг тарихий жараёни ҳисобланади.

"Иқтисодий билимлар тарихи" мустақил фан сифатида энг қадимги даврдан бошлаб, то ҳозирги замонгача вужудга келган асосий иқтисодий фикр, ғоя, қараш назария ва билимларни ўз ичига олади.

Бу фан бошқа иқтисодий ва тарихий, айниқса иқтисодий назарияси фани билан бевосита боғлиқ. Иқтисодий тарих анча кенг даврни қамраб олган ва мустақил характерга эга. Бу фанни ўрганиш орқали экономика, халқ хўжалиги тарихи, иқтисодий тарих ва иқтисодий концепциялари ҳамда аниқ иқтисодий предметларни ўзлаштириш осонлашади, у ёки бу иқтисодий ўзгаришларни шарт-шароитлари ва оқибатларини таҳлил этишга катта қўмак беради.

Масалан: бизга бугун янгидек туйилган бозор иқтисодиёти тўғрисидаги фикрлар адам Смит томонидан 1776 йили чоп этилган "Халқлар бойлиги" асарида асосан тўла таҳлил этиб берилган. Баъзи иқтисодий ғоялар эса қадимдан маълум, уларни ўрганишда

энг мухими хаётга тадбиқ этиш яхши самара беради, кўп холларда Американи янгидан кашф этишга хожат қолмайди.

Бу фанни ўрганиш методологияси асосида тарихийлик, объективлик ва диалектик усули ётади.

"Иқтисодий билимлар тарихи" ни ўрганишда маълум даврлаш тизимидан фойдаланилади. Хозирча энг макбўл усул ижтимоий иқтисодий формацияларнинг ўзгаришига қараб иш юритишдир. Чунки қайси формация устун, илгор бошқаришнинг амалга ошириш бўлса ўша (масалан, қулдорлик ёки капитализм) даврга хос жамиятнинг синфий тузилиши иқтисодий манфаатлари ва бошқалар ётади.

Қулдорлик ва феодализм даврида ғояларнинг тарқалиши (миграцияси) жуда қийин бўлган. Шунинг учун бу даврлардаги иқтисодий фикрларни мамлакатлар миқёсида алохиди-алохида ўрганишмоқда.

1- мавзу. Кадимги дунё ва феодал жамияти Давридаги иқтисодий билимлар

Режа

1. Кадимий шарқ мамлакатларида иқтисодий ғояларнинг шаклланиши.
2. Антик дунё давлатларидаги дастлабки иқтисодий қарашлар.

3.Араб ва ғарбий европа давлатларида феодализм давридаги иқтисодий ғоялар.

1. Кадимги шарқ мамлакатларида иқтисодий ғояларнинг шаклланиши.

Иқтисодий фан манбаларни аввало жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган кадимги шарқдан изламоқ мантиқан тўғридир.

Иқтисодий ғояларнинг шаклланиши инсониятнинг пайдо бўлиши билан боғланган аммо ҳозирги пайтда қул ёзмаларда акс эттирилган ғояларгина таҳлил қилинган. Шу сабабли иқтисодий билимлар тарихи қулдорлик жамияти пайдо бўлиши билан боғланади.

Дастлабки қулдорлик жамияти шарқда синфий ажралиш бошлаган жойларда, месопатомия(тигр ва евфрат дарёлари оралигида) ва мисрда эрампиздан аввалги 1V минг йилликда юзага келди. Бунга асосий сабаб шуки, бу ерда технологик инқилоб бўй берди. Металл қуроллар ишлатила бошланди, қишлоқ хўжалигида интенсив қўп ҳолларда сугорма деҳқончиликка ўтилди. Шу асосда нисбатан тургун қўшимча маҳсулот олиш имкони тугилган. Оқибатда жамиятда меҳнат тақсмотини ривожлантиришга, қўпгина ҳунармандчилик соҳаларининг ажралиб чиқишига, синфий табақаланишига туртки бўлди. Бу даврда қўшимча маҳсулот олишнинг асосий усули жамоага бирлашган деҳқонларни эксплуатация қилиш йўли билан рента солиқ олиш (Осиё) бўлса, қулларни (Давлат ёки хусусий) беайёв ишлатиш билан (Европа) катта бойлик ортирилган. Шарқда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражасига қараб, айрим "Эркин" аҳолининг аҳоли қулараникидан деярли фарқ қилмаган (умуман шарқ мамлакатларида қулчилик масаласи ҳали ўзул-кесил ҳал этилган эмас). Академик В.В.Струве уни тан олади. Лекин қўпгина олимларнинг фикрича, шарқда қулдорлик классик шаклда ривож топмаган, патриархал, яъни уй хўжалигида устун бўлган.

Шарқ, жумладан Ўрта Осиё мамлакатларидаги хўжалик фаолиятида нисбатан эркин одамлар иштирок этган. Масалан,

дехқончилик, курилиш соҳасида қуллар меҳнатидан фойдаланилмаган. Антик дунё (Ғарбий Европадаги) айрим регионалларда халқаро савдони олиб бориш билан боғлиқ равишда товар-пул муносабатлари ҳам анчагина ривожланган (масалан, грециянинг айрим шаҳарлари). Шу асосда қулчиликка асосланган хусусий мулкчилик ривож топди. Ўз маҳсулотини мўлжаллаб ишлаб чиқарган қулчилик хўжаликлари эксплуатацияни кучайтириши талаб этилган. Оқибатда классик ёки антик қулчилик юзага келган (Греция ва Италия).

Кадимги Мисрдан фарқли равишда месопатамияда хусусий мулкчилик ва товар-пул муносабатларининг нисбатан тез ривожланиши характерлидир. Бу-бобил (Вавилон) да подшолик қилган ҳаммурапи қонун тўпламлари (жами 282та) диққатга сазовар. Бунда ишлаб чиқаришни, биринчи навбатта қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш бўлган, яъни меҳнатсиз даромат топишга қарши кўрашилган. Қарзни қарз ҳисобига уч йилдан ортиқ ушлаб туриш мумкин бўлмаган умуман, хусусий мулкчилик шу жумладан ерга ҳам тан олинган. Бировнинг хусусий мулкига кўз олайтирган, унга зарар етказганлар иқтисодий жихатдан жазоланган. Бу қонунлар туплами давлатнинг, мамлакатларнинг иқтисодий бошқариш соҳасидаги дастлабки тажрибасини курсатади. Оқибатда шу даврда мамлакат ҳам сиёсий жипслашган ҳам иқтисодий равнақ топди.

Кадимги хиндистоннинг "Ману қонунлари" да (э.а.1V-111 асрлар) ижтимоий меҳнат тахсимодининг ҳукмронлиги ва буйсунуш институтларининг мавжудлиги айтилади.

Хиндистондаги иқтисодий ғояларни акс эттирувчи Кадимги ёдгорлик "Артхашастра" дир (э.а.1V-III асрлар оралигида) унда қулчиликни мустахкамлаш асосий вазифа қилиб қуйилган. Асарда "буюмнинг қиймати" муаммоси, қиймат миқдори, давлатнинг бошқариш бўйича таклифлар ва бир қанча иқтисодий ғоялар илгари сурилган.

Кадимги Хиндистонда яратилган "Веда"ларда бир қанча муҳим иқтисодий ғоялар келтирилган.

Кадимги Хитойдаги иқтисодий ғоялари Конфуций ёки Кун-Цзи (э.а. 551-478 й й.) ва бошқа иқтисодчиларнинг асарларида жамланган бўлиб, табиий ҳуқуқ назарияси илгари сурилади.

Уларда меҳнат тахсимооти, давлатнинг роли, халқ бойлиги ва хунармандлар мулки ўртасидаги боғланиш, иқтисод ва қонун масалаларига бағишланади.

Республикамиз олимларининг тадқиқотларига кўра, зардуштийлик (Зароастризм) диннинг (исломгача) мукаддас китоби бўлган "Авесто" (асли "Овеста")да ҳам муҳим иқтисодий фикрлар баён этилган.

Жумладан, сунъий сугориш асосида дехқонлик юритиш, она табиатни эзозлаш, хайвонларни асраш, ноўрин суймаслик, унга зулм қилмаслик, тупрок шароитини яхшилаш масалалари ёритилган. Бу китоб эрамиздан аввалги 11 минг йиллик охири - 1 минг йиллик бошларидаги воқеаларни акс эттиради ва жуда қадимий ёдгорликдир. Бу диннинг таъсир доираси жуда кенг бўлиб, ҳозирги Эрон, марказий Осиё Кавказ орти юртлири (айниқса Озарбойжон) ва бошқа жойларда тарқалган.

Авесто маълумотларига қараб шу даврдаги жамиятнинг ижтимоий ахволини билиб олиш мумкин. Бу даврда уруғ жамоаси емирилиб, дастлабки синф (каста) лар пайдо бўлганлиги аёндыр, улар кохинлар, харбийлар, чорвадорлар ва хунармандлар, демак илк синфий жамият юзага келаётган давр бўлган. Аҳоли кўпроқ ярим кучманчилик асосида кун кечирган. Экстесив чорвачилик етакчи эди.

2. Антик дунё давлатларидаги дастлабки иқтисодий ғоялар.

Платон (Афлотун) "давлат" ва "қонунлар" асарларида идеал давлат қандай бўлиши кераклигини очиб бермоқчи бўлди. У аҳолини уч тоифага ажратган:

1.Файласувлар-давлатни бошқарувчилар.

2. Харбийлар - давлатнинг бошқариш апаратининг бир қисми бўлиб улар бирор мулк эгаси ҳуқуқига эга эмас, истеъмол қилиш эса ижтимоий характерга эга бўлиши керак .

3. "Кора" тоифа - дехқон, хунарманд ва савдогарлардан бўлиб, улар мулк эгаси бўлиши керак.

Бу олимнинг меҳнат тақсимооти товар, пул ва савдогарларнинг ажралиб чиқиши, ўртасидаги алоқадорлик тўғрисидаги фикрни уша давр учун буюк кашфиёт - деб баҳолаш мумкин. Аммо афлотун қулчиликка асосланган натурал хўжаликни химоя қилди, пул функциясини маомала доирасидагина деб билишга ҳаракат қилди. Пулни жамиятдаги душманчиликнинг бош сабабчиси деб билди.

Агар осиёда қулдорлик кўпроқ патриархал шаклда бўлса, антик дунёда у классик равишда рўй берган, натурал хунармандчилик-деҳқончилик хўжалиги қулланган, аммо бу давр охирида судхурлик ҳам қўллаб-қувватланган. Пулнинг асосан алмашув (Ксенофонд жамгармаси) функцияси тан олинган. У судхурлик операцияларини инкор этди ва баҳоларни меъёрида саклаш йўли билан савдогарларнинг фойдасини чегаралашни талаб қилди. Афлотун қулларни фукаролар деб тан олмади ва улар бирор тоифага киритмади. Шундай қилиб, афлотун ўзининг идеал, яъни бакаму-куст давлатини барпо этар экан, қулчиликни абадий саклаш тарафдори эди. Платонга нисбатан Аристотель пулнинг моҳиятини кенгрок ва чуқуррок англаб етди. Аммо у товар ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги ва қийматни тўла тушунмаганлиги туфайли товарлар пул туфайли бир бири билан солиштирилиши мумкин деган хато хулосага келди .

Рим (ҳозирги Италия)да қулдорлик муносабатлари юксалди, лекин таназзулга ҳам учрай бошлади.осиёда феодализм муносабат ўзгарди. Эркин соҳибкорлик устунлиги ойдин бўлиб қолди, деҳқончилик билан чорвачилик, йирик савдо судхурлик жамияти қулланган (цицерон). Майда ишлаб чиқаришга ўтиш жараёни, ислохотлар (гракхлар) йўли бошланди.

Катон томонидан фойда тушунчаси киритилган, аммо уни хато равишда қийматдан ортиқ маҳсулот деб билган. Ундан ташқари римнинг иқтисодий ғоялари Варрон, Қолуммела, Цицерон ва бошқаларнинг асарида ҳам курсатилган.

3. Араб ва Ғарбий Европа давлатларида феодализм давридаги иқтисодий ғоялар.

Феодал муносабатлар Шарқда нисбатан эрта таркиб топди ва узоқроқ давом этди. Араб мамлакатларининг иқтисодиётига ислом ақидалари ижобий таъсир этди. Куръони Карим ва хадисларда келтирилган иқтисодиётга алоқадор қонун - қоидалар "Хидоя" ва шу каби бошқа фикр кенг ўрганилди, амалга оширди, натижада муҳим иқтисодий ғоялар илгари сурилди. Меҳнат, айниқса қишлоқ хўжалиги хунармандчилик ва савдо қўллаб - қувватланди. Исроғарчилик, меҳнатсиз даромат, айниқса судхўрлик харом деб эълон қилинди.

Бу давр учун Ибн Холдуннинг иқтисодий ғоялари нихоятда муҳимдир, у ўз асарларида ижтимоий ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги, оддий ва мураккаб меҳнат, зарурий ва қўшимча махсулот, товарнинг истеъмол қиймати ва умуман қийматнинг фарқини таърифлаб беради, айирбошлаш тамойирини(сарфланган меҳнатнинг ярими) тўғри талкин этди, сарфланган меҳнат билан бирга шу товарнинг одамларша зарурлиги ҳам муҳимлигини таъкидлади. Унинг асарларида меҳнат таксимоти, товар пул муносабатлари, солиқ тизимининг халқ фаровонлиги таъсири асосан тўғри таҳлил этиб берилган. Ғарбий Европадаги феодал муносабатлар нисбатан кеч таркиб топган бўлса ҳам, унинг ривожини тезроқ бўлди. Дехқончилик умуман қишлоқ хўжалиги устун бўлишига қарамай, хунармандчиликда цех тизими, кейинроқ мануфактура вужудга келди, меҳнат таксимоти тамойиллари таркиб топди. Бу даврда ғарбда натурал хўжалик (истеъмол қиймати ишлаб чиқариш) қўлланган, олтин ва кумуш, зеб-зийнат сунъий бойлик деб қаралган. "адолатли баҳо" масаласи кутарилган. Бу ерда ҳам дин ва дин ахли томонидан иқтисодиётда муҳим фикрлар илгари сурилган. Масалан, ф. Аквинский "Адолатли баҳо" масаласини наф ва манфаатлар тенглигини асосида хал этди. Процент (фоизни) оқлайди, уни қўллайди ва таваккалчилик тулови дейди. У шунингдек рентани ҳам қўллайди, унинг эксплуататорлик моҳиятини инкор этади.

Россияда шу даврдаги иқтисодий ғояларда ҳам дехқон меҳнати - бойликнинг асоси эканлиги курсатилади.

Натурал рента миқдори 2 фоиз белгиланади, товар пул муносабатларига айланиш савдога қарши ғоялар кўп эди.

4. IX-XV асрларда Ўрта Осиёдаги иқтисодий ғоялар.

Ўрта Осиёда дастлабки уйғониш даврида оламга машхур донишмандлар етишиб чиқди, уларнинг фаолиятида иқтисодиёт масалалари асосан тўғри талкин этилди. Исрофгарчилик, солиқ, ҳисоб-китоб муаммолари кутарилди. Марказлашган давлат асосчиси Амир Темур ва унинг авлодлари даврида муҳим иқтисодий ғоялар вужудга келди. Бу ерда бошқа мамлакатлардан анча илгари ишлаб чиқариш билан бирга савдога ҳам эътибор берилди, фойданинг катта қисми шу соҳага (яъни муамола соҳаси) билан боғлиқ эканлиги айтилди ва "Буюк Ипак Йўли" ни авж олдиришга аҳамият берилди.

Жаҳонда биринчи марта бюджет (давлат хазинаси), қирим-чиқим дафтари, ҳисоб-китоб, маош, солиқ, тақсимот, назорат масалалари илмий даражага кутарилди. Солиқ тизими даромад катта ёрдам берди, яъни солиқ даромаднинг ўсишига ҳалакат бермаган. Бу давлатда иқтисодий ғоялар асосида шундай иқтисодий сиёсат олиб борилганки, давлат ва халқнинг турмуш даражаси анча юксакликка кутарилган. Савдогарларнинг фаолияти (10% фойда) қаллоб ва товламачилардан фарқланган. Иқтисодий эркин соҳибкорлар томонидан олиб борилган, аммо бунда давлат ҳам анча иштирок этган (қонунлар амалиёти назорат этилган). Айниқса ер, сув муносабатларида муҳим ғоялар бўлган, масалан, янги ер олганлар дастлабки уч йил довамида солиқдан озод этилганлар. Ишлаб чиқаришнинг шахсий манфаатдорлик тамойилига амал қилинганлиги жуда муҳим нарсა бўлиб, у ривожланишнинг бош омили эди. Мамлакатлар ривожига тинч осойишталик ва бирликнинг аҳамияти тушуниб этилган (А.Навоий).

Хулоса

Дастлабки иқтисодий ғоялар инсониятнинг пайдо бўлиши билан шаклланган, аммо бизгача етиб келганлари э.а. 2-минг йилликка тўғри келади, кўпроқ кадимий Осиё халқларининг хўжалик фаолиятини акс эттиради. Антик дунёга маълум даражада биринчи иқтисодиёт мушохадалар, айрим иқтисодий тушунчалар, категориялар шакллана бошлаган.

Қулликка асосланган натурал хўжалик, айниқса қишлоқ хўжалиги қўллаб-қувватланган, бойликнинг асосий манбаи меҳнат деб ҳисобланган Хиндистонда "Буюмнинг қиймати" ни "иш кунлари" билан белгилаш, махсулотнинг бозор баҳоси билан унинг табиий ўйимати ўртасидаги фарқ айтилган, фойда масаласи кўтарилиб, унинг миқдори чекланган. Давлатнинг иқтисодига аралашуви қўллаб -қувватланган.

Феодал ер эгалари даврида натурал хўжалик, айниқса қишлоқ хўжалиги асосий эди, аммо шу билан бирга бу пайтда шаҳарлар сони ўсди, товар-пул муносабатлари ҳам анча ривожланди, нисбатан эркин ва самарали ишлаб чиқариш усули бўлган крепостнойликка ўтилди. Аввалги даврдаги натурал хўжалик ишлаб чиқаришни (Т-Т) аста-секин Т-П-Т муносабатлари билан алмаша борди (аграр йўналиш хал қилувчи), истеъмол қийматларини яратиш барибир асосий мақсад бўлган ва шу ғоя химоя этилган, меҳнат қуроллари такомиллашган даврда бу табиий бир ҳол эди.

Феодал муносабатлар Шарқда нисбатан эрта таркиб топди ва узоқроқ давом этди. Араб мамалакатлари иқтисодиётига Ислом акидалари фаол ижодий таъсир этди. Қуръони Карим ва Хадисларда келтирилган иқтисодиётга алоқадор қонун қоидалар "Хидоя" ва шу каби бошқа фикх китобларида кенг ўрганилиб, амалга оширилди, натижада муҳим иқтисодий ғоялар илгари сурилди. Меҳнат, айниқса, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва савдо қўллаб қувватланди. Исрофганчилик, меҳнатсиз даромад, айниқса сутхўрлик ҳаром деб эълон қилинди.

Таянч ибора ва тушунчалар

Конфуцийлик; бойлик таксимоти; легистлар; даосизм; "Ману қонунлари"; "Артхошастра"; "Буюмнинг қиймати"; судхўрлик; "Гапирувчи қуроллар"; "Экономика"; "Хрематистика"; "Буюк Ипак Йўли"; А.Темур даврида ер эгалигининг беш кўриниши; А.Навоий савдогарларнинг икки гуруҳи ва бойликни орттиришнинг икки йўли тўғрисида.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Дастлабки иқтисодий ғоялар қаерда ва қачон пайдо бўла бошлади?
2. Шарқ қулдорлигининг антик дунё мамалакатларидаги қулдорликдан асосий фарқлар нимадан иборат? Шу даврдаги ғоялар бўйича бойликнинг асоси нима?
3. Ҳаммурапи қонунлари қачон ва қайси давлатда юзага келди, унинг асосий мазмунини айтиб беринг.
4. Пулнинг алмашув қийматидан бошқа қандай функцияси тан олинган ва унинг муаллифи ким?
5. Қайси омил меҳнат таксимотига алоҳида ургу беради. Меҳнат таксимоти қайси омилларга боғлиқ?
6. Экономика ва хрематистика нима, улардаги қарама - қаршилик ва умумийлик.

Адабиёт

Асосий адабиёт

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.т., 1998.
2. Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.
3. Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт

1. Куръони Карим. Ўзбекча изохли таржима т., Чулпон, 1992.

2. Ибн Холдун «ибрат» китоби мукаддимасидан. «Хаёт ва иқтисод» журналы, 1990. № 6
3. Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу билиг. Т., Фан, 1991.
4. Темур тузуклари. Т., 1991.
5. Титова Н.Е. История экономических учений (курс лекций). Москва, 1997.
6. Раззоков А.А. Низомулмулкнинг иқтисодий қарашлари. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». 1999 йил 11-сон.

2-мавзу. Меркантилизм ва илк классик иқтисодий мактабнинг вужудга келиши (4 соат)

Р е ж а

1. Меркантилизм иқтисодий таълимотининг асосий моҳияти.
2. Англия ва Францияда классик иқтисодий мактаб вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари.
3. В.Петти – Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси.
4. XVII-XVIII асрларда Франция ижтимоий-иқтисодий тараккиётининг хусусиятлари ва уни П.Буагильберг қарашларида акс этиши.
5. Физиократизм. Ф.Кенэ ва А.Тюргонинг иқтисодий билимлари.

1. Меркантилизм иқтисодий таълимотининг асосий моҳияти.

XV аср охири-XV11 асрлар давомида янги иқтисодий билимлар меркантилизм ва у билан боғлиқ сиёсат пайдо бўлди. Бу таълимот бўйича миллий - халқ бойлиги муомала соҳасида юзага келади (аввалги қарашлардан принципал фарқ қилади). Бу таълимотда икки даврни ажратиш мумкин: 1. Илк Меркантилизм ёки Монетаризм (яъни пул дегани) XV -XV1 асрларда (қисман XV11 асрда) мавжуд бўлди ва бойлик асосан олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо жавохирлардан иборат бўлади, деган ғоя илгари сурилади. Шунга оид сиёсат ҳам олиб борилган, унда

четдан имкони бори́ча кўпроқ -кўпроқ нодир металллар келтириш ва уларни четга камроқ чиқариш таргиб қилинган. 2. Ривожланган Меркантилизм таълимотида бойлик савдо-сотиқ соҳасидаги савдо баланси асосида юзага келади, имкони бори́ча кўпроқ экспорт қилиш ва мумкин қадар камроқ импорт қилиш ғоялари илгари сурилган. Меркантилизм айрим мамалакатлардаги кўриниши миллий хусусият касб этган, айниқса Францияда Кольбертизм, Германияда камералистика шакллари яхши маълум. Бу таълимот янги тугилаётган жамият-капитализм ривожини учун ижобий прогрессив характерга эга бўлди. Капиталнинг дастлабки жамгарилишига имкон яратди, мустанлақчилик тизимини қўллаб-қувватлади, товар муомаласи ривожига олиб келди, молия тизимининг ривожини туфайли иқтисодий жонланди. Меркантилизмда давлат иқтисодий фаол иштирок этиш шарт, шунга оид иқтисодий сиёсат ҳам юзага келди.

Менкантилизм тарихан чекланган бўлса ҳам (у XVIII асрда тўғри ва қаттиқ танқидга учради). Иқтисодий билимлар тарихида муносиб ўринни эгаллайди. Лекин бу таълимот ва унга асосланган сиёсатни тўла амалга ошириш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги жон ло тажрибасидан маълум. Менкантилизм молия тизими ва савдо ривожига муҳим хисса қўшди.

2. Англия ва Францияда илк классик иқтисодий мактабнинг шаклланиши.

А) В. Петтинг иқтисодий билимлари;

Б) П.Буагильбернинг иқтисодий ғоялари.

XVII-XVIII асрларда қулай ижтимоий иқтисодий шароитларда дастлаб англияда классик иқтисодий мактаб куртаклари пайдо бўла бошлади. Бу янги иқтисодий ғоялар В.Петти номи билан боғлиқ (буржуа инқилоби, мануфактура ва савдонинг ривожланганлиги, аграр ислохот, деҳқонларнинг чегараланиши, мустанлақчилик сиёсати, қулай тарихий-табиий ва географик ҳамда иқлимий шароитлар туфайли).

Классик иқтисодий мактабнинг шаклланиши аввалги ғоя меркантилизмдан принципно фарқ қилади, агар меркантилизмда

бойликнинг асоси муомала соҳаси (жавохир, олтин, кумуш, пул, савдоси) да вужудга келади деб қаралган бўлса, энди бойлик ишлаб чиқариш соҳасида вужудга келади деб исботлаб берилди.

В.Петти янги капиталистик жамиятни, эркин тадбиркорликни, капиталистларни химоя қилди. Хусусий мулкни "Мукаддас" ва "Дахлсиз" деб билди. У иқтисодий тадқиқотда табиий фанларн яъни абстракт усулларни қўллаб, хар бир масаланинг ички боғлиқлигига асосий эътиборни қаратди.

Математик ва статистик усуллардан кенг фойдаланилади.

В.Петти «Табиий бахо», «(қиймат)», «Сиёсий бахо» тушунчаларини киритди, товар қийматининг унга сарфланган меҳнат миқдори билан улчаниши ғоясига, яъни қийматнинг меҳнат назариясига асос солди.

"Меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онасидир" деган фикрни билдирди. Қийматни айнан алмашув қиймати (пул) шаклида тушунган.

Иш ҳақини ишчиларга тирикчилик учун зарур бўлган жисмоний минимум, яъни "Яшаш, меҳнат қилиш ва кўпайтириш" учун керакли даражада тўланса, бас, деган ғояни илгари сурди.

Капиталистларнинг фойдасини имкони борича оширишни, ишчиларни солиқ тўлашларини зарур деб билди.

Пулнинг роли ва унинг мамлакатдаги миқдори масалаларини асосан тўғри хал этди, яъни пул миқдори ишлаб чиқарилган махсулот миқдorigа тўғри, пулнинг айланиш абoротига эса тескари пропорционаллигини аниқлади. Пулнинг меёрида бўлишини қўллаб кувватлади. Ер ва рента масалаларини анча пухта ишлаб чиқди. Иш ҳақи ва рентанинг бир-бирига қарама-қаршилигини исботлади (ер баҳосини тўғри хал этмади).

Петти "Сиёсий арифметика" ва бошқа асарларида статистика, аникроги демографик статистика фанига асос солди (аҳоли бойлиги асосий масаласини тўғри куйди). Миллий даромад масаласини куйди ва уни қисман хал этди.

Франциядаги классик иқтисодий мактабнинг дастлабки вақили п.буагильбер ҳам муҳим ғояларни илгари сурди. Бу мамлакат

ахволи англияникидан анча катта фарқ қилади. Шу сабабли иқтисодий қарашларда ўзига хослик сезилади. Агар В.Петти кўпроқ саноат ва савдони қуллаган бўлса, буагильбер асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини тадқиқ этди ва ўзининг мухим хулосаларини чиқарди.

Қийматни айнан истеъмол қиймати шаклида тушинди.

"Пропорционал баҳолар" тарафдори эди, эркин тадбиркорлик, рақобат ва эркин баҳоларни қуллади. Ортиқча ишлаб чиқариш инкрозини тўғри тушунтириб берди. Пулга салбий муносабатда бўлди, олтин ва кумушларни ёвузлик сабаби деб билди. Нотўғри равишда фақат қишлоқ хўжалигини қўллаб кувватлади, саноат ва савдога кам эътибор берди. Буагильбернинг иқтисодий ислохотлари бўйича таклифлари ўз даври учун нихоятда аҳамиятлидир.

3. Физиократларнинг умумий таърифи;

А) Ф. Кенэнинг иқтисодий таълимоти. Унинг "Иқтисодий жадвал" асаридаги ғоялари.

Б) Тюргонинг иқтисодий қарашлари.

XVIII асрнинг ўрталарида Францияда иқтисодий билимлар тарихида физиократизм йўналиши юзага келди. Бу таълимот классик иқтисодий мактабнинг таркибий, бутун занжирнинг ажралмас қисми сифатида мухим аҳамиятга эгадир. Бу оқимнинг асосий вақиллари Ф.Кенэ, А. Тюрго мамлакатдаги уша давр иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этиб иқтисодиётнинг мухим категориялари бўйича кимматли фикрларни бердилар. Улар фермерларни химоя қилган ҳолда аввало Меркантилизмдан вос кечиб, бойликнинг асосий манбаи меҳнат ва ер эканлигини курсатдилар. "Табиий тартиб" концепцияси асосида "Унумли меҳнат" "Соф маҳсулот", капитал тўғрисидаги билимлар илгари сурилди.

Капиталистик муносабат, хусусий мулк, эркин баҳолар, эркин рақобат давлатнинг иқтисодга кам аралашуви "Табиий ҳол" деб тан олинди. Уларнинг фикрича, қиймат истеъмол қиймати бўлиб, ҳатто табиат, ер инъоми сифатида талкин этилади. Шундан

дехқончиликдан бошқа саноат, савдо ва хизмат тармоқлари унумсиз соҳа деб қаралади. Бундай нотўғри фикрнинг пайдо бўлиши Франциянинг уша даврдаги ахволи (аграр мамлакат) билан боғлиқдир.

Капитал тушунчанинг киритилиши ва унинг бошлангиш ва йиллик бунак каби икки қисмга бўлиниши иқтисодиёт тарихида муҳим кадамдир. Шундан доимий ва айланма капитал ғоялари ҳам келиб чиқади.

Ф.Кенэнинг асосий "Иқтисодий жадвал" асарида жамиятдаги синфлар масаласи кутарилади, аммо бунда баъзи камчиликлар бор, уни А. Тюрго ривожлантириб, уша давр учун тўғри хулосалар чиқарди. Такрор (узликсиз) ишлаб чиқариш жараёни ва ялпи ижтимоий маҳсулот муомаласи биринчи бор кун тартибига куйилди. Оддий такрор ишлаб чиқариш чизмаси берилади ва таёр маҳсулотнинг айланиш тамойиллари курсатилади, бу уша давр учун катта кашфиёт эди. Тармоқлар, яъни секторлараро тақсимотнинг аниқ пропорциялари бўлиши зарурлиги кайд этилади, маълумки бу тамойил ҳозирги даврда ҳам муҳим.

Олим ва давлат арбоби А. Тюргонинг иқтисодий ғоялари анча мукаммал бўлиб уша даврдаги жамият ва иқтисодиятдаги жараёнларни анча изчил таҳлил этади ва саноатда капиталистлар ва ёлланма ишчилар мавжудлиги ҳамда бешта синф борлиги эътироф этилади. Бу хулоса тўғри хулосадир. А. Тюрго саноат ва хизмат соҳаларига ижобий ёндашади. У капитал ва қўшимча маҳсулот (қиймат) масалаларини анча мукаммал ҳал этади, саноат, ссуда ва капитал ҳақида фикр юритади. Лекин охир оқибатда физократизм қобилигидан чиқа олмайди, қўшимча маҳсулотнинг асосий маҳсулотининг асосий шакли яна ерга, ер рентасига қайтади. А. Тюрго давлат чиновниги, аникроги молия вазирлиги сифатида ҳам бир қанча иқтисодий ислохотларни утқозишга эришди. Аммо мамлакатдаги ижтимоий тузум бу ислохотларга тусик эди. Ҳозирги давр тили билан айтганда, физикаторлар соф бозор муносабатларини қўлладилар, аммо уларнинг ғояси асосан қишлоқ хўжалиги билан чеклаб куйилди, барча фикрларда

мукаммаллик етишмас эди. Бу вазифалар эса кейинги олимлар томонидан хал этилди.

Хулоса

ХУ аср охири ХУ11 асрлар давомида янги иқтисодий таълимот меркантилизм ва у билан боғлиқ сиёсат пайдо бўлди. Бу таълимот бўйича миллат (халқ) бойлигининг асоси муомала соҳасида юзага келади (аввалги қарашлардан принципиал фарқ қилади). Бу таълимотда икки даврни ажратиш мумкин.

1. Илк меркантилизм ёки монетаризм (яъни пул дегани) ХУ-ХУ1 асрларда (қисман ХУ11 асрда) мавжуд бўлди ва бойлик асосан олтин, кумуш ва бошқа кимматбаҳо жавохирлардан иборат бўлади, деган ғояни илгари сурди, шунга оид сиёсат ҳам олиб борилган, унда четдан имкони борица кўпроқ нодир металллар келтириш ва уларни четга камроқ чиқариш тарғиб қилинган.

2. Ривожланган меркантилизм таълимотида бойлик савдо - сотик соҳасида савдо баланси асосида юзага келган, имкони борица кўпроқ экспорт қилиш ва мумкин кадар камроқ импорт қилиш ғояси илгари сурилган.

ХУ11-ХУ111 асрларда қулай ижтимоий-иқтисодий шароитларда дастлаб англияда классик иқтисодий мактаб кўртаклари пайдо бўла бошлади. Бу янги иқтисодий ғоялар В.Петти номи билан боғлиқ (буржуа инклуби, мануфактура ва савдонинг ривожланганлиги, аграр ислохот, дехқонларнинг чегаралиниши, мустамлакачилик сиёсати, қулай тарихий, табиий ва географик ҳамда иқтисодий шароитлар).

В. Петти "Табиий баҳо" (қиймат), "Сиёсий баҳо" тушунчаларини киритди, товар қийматининг унга сарфланган меҳнат миқдори билан улчаниши ғоясига, яъни қийматнинг меҳнат назариясига асос солди. "Меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онасидир" деган фикрни билдирди, қийматни айнан алмашув қиймати (пул) шаклида тушуунтирди.

Таянч ибора ва тушунчалар

Илк Меркантилизм; Монетаризм; ривожланган Меркантилизм; савдо капиталининг асосий тамойили; кольбертизм; актив савдо

баланси; В.Петтининг иш хақи назарияси; рента назарияси; ер бахосига оид фикрлар; Ф.Кенэннинг "Иқтисодий жадвали" ва "Табиий тартиб" концепцияси; А. Тюрго қиймат таркиби тўғрисида.

Назорат ва мулохаза саволлари

1. Меркантилизм таълимотининг мазмуни ва унинг боскичлари, умумийлик ва фарқлари нимадан иборат?
2. Меркантилизм бўйича бойликнинг асоси нима?
3. Меркантилизм таълимотининг асосий намояндалари кимлар?
4. Меркантилизм таълимотининг тарихий аҳамияти ва тақдири.
- 5.Классик иқтисодий мактаб вужудга келишининг шарт-шароитлари. Бу мактабнинг меркантилизмдан асосий фарқи нимадан иборат?
6. В.Петтининг иқтисодий қарашлари, унинг услуги.
7. «Физиократизм» сўзининг мазмуни ва бу таълимотнинг муҳим хусусиятлари нимадан иборат?

Адабиёт

Асосий адабиёт

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.
- 2.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.
- 3.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт

1. Блауг М. Экономические мысли в ретроспективе. М., дело, ЛТД, 1994.

3-мавзу. Адам Смит ва давид Рикардонинг иқтисодий билимлари

Режа

1. А.Смит ва Д.Рикардо ғоялари шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари. Классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланиши.
2. А.Смитнинг иқтисодий ғоялари. Унинг «Халқлар бойлиги» асаридаги иқтисодий қарашлари.
3. Д.Рикардонинг иқтисодий таълимоти.
4. Смит ва Рикардо таълимоти ва ҳозирги замон.

1. А.Смит ва Д.Рикардо ғоялари шаклланишининг тарихий шарт шароитлари. Классик иқтисодий мактабнинг тўла шаклланиши.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи чорагида Буюк Британияда бошқа давлатларга нисбатан иқтисодий ғояларнинг ривожланиши учун нихоятда қулай шароитлар юзага

келди, бу ғоялар А.Смит ва Д.Рикардо билимларида ўз аксини топди. Улар томонидан яратилган таълимот инглиз классик иқтисодиётининг асоси бўлди ва жаҳон иқтисодиёти фикрига катта таъсир курсатди. Бу олимлар ўзларидан олдинги меркантилизм, илк классик мактаб ва физиократизм ғояларини мукаммал ўрганиб, шулар асосида янги иқтисодий мактабнинг шаклланишини ниятига етказдилар. Классик мактабнинг шаклланишида аниқса саноат инқилоби катта рол уйнади.

Р.Хейлбронер ва Л.Туроуларнинг фикрига кўра, шу даврда бозор жамияти вужудга келди. Бу тизимда капитал бозори пайдо бўлди ва ишлаб чиқаришда доимо бойлик оқими, яъни банклар ва бошқа молия компаниялари томонидан ташқил этиладиган жамгарма ва инвестициялар оқими вужудга келади, қарз олувчилар бу бойликлардан фойдаланганликлари учун фоиз тўлайдилар.

Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган меҳнат сарфлари, ер ва капиталлар ишлаб чиқариш омиллари деб аталади. Капитализмгача ишлаб чиқариш омиллари умуман бўлмаган, деган хулоса чиқарилади. Албатта инсон меҳнати, табиий ресурслар, шунингдек ер ва ишловчилар санъати доим бўлган, аммо меҳнат, ер ва капитал товар эмас эди. Қандай қилиб, ҳақ тўланмайдиган меҳнат, рента пули келтирилмайдиган ер ва шахсий хазина ишлаб чиқариш омилига айланиб қолди? Бу капиталистик тузумни келтириб чиқарган инқилоб билан боғлиқ. Ўз ерларидан маҳрум бўлган ижарачилар шаҳарларга кетишга ва у ерда ўз ишчи кучини ишлаб чиқариш фактори сифатида сотишга мажбур эдилар. Бозор жамияти учун ҳаётий зарур бўлган ишлаб чиқариш омиллари тарихий ўзгаришлар туфайли юзага келди. Оқибатда меҳнат товарга айланди, ер кучмас мулк бўлиб қолди. Аммо капитализмнинг иқтисодий эркинлиги баъзилар учун ютук, кўпчилик учун эса қийинчиликларни юзага келтирди. Бозор тизими бир томондан ишончсизлик, азоб-укубат сабаби бўлса, шу вақтнинг ўзида тараккиёт, имкони ва ютуқлари манбаи ҳамдир.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида «Техник йўналишда» ги ишбилармонлар гуруҳи иқтисодиёт тарихида бутунлай янги инсонларни вужудга келтирди.

Саноат инқилоби дастлаб енгил саноат, хусусан, тукимачилик соҳасида бошланди ва машинасозлик вужудга келиши билан нияланди, Ж.Кей тукимачилик моқкисини, 1733 йилда Ж.Харгривс ўз кизининг номи билан аталган «Женни» механик тўқув дастгоҳини кашф этди, саноат инқилоби иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётга кескин ўзгаришларга олиб келди. 1701-1802 йиллар оралигида тукимачилик ривожини туфайли Англияда пахта толасидан фойдаланиш 6000 фоизга ўсди.

1788-1838 йилларда чўян эритиш 68 минг тоннадан 1347 минг тоннагача ўшди.

2. А.Смитнинг иқтисодий ғоялари. Унинг «халқлар бойлиги» асаридаги иқтисодий қарашлар.

А. Смит (1723-1790) Шотландиянинг керқолди шахрида божхона чиновниги оиласида дунёга келди. Глазго ва Оксфорд университетларида таълим олди.

1759 йилда ўқиган лекциялари асосида этиканинг фалсафий муаммоларига бағишланган ўзининг биринчи «Ахлокий ҳиссиёт назарияси» китобини яратди. У 1766 йилда ўзининг бош асари – «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот»ни ёзишга киришди. Бу асар 1776 йил мартда Лондонда чоп этилди. Смитнинг бу асари 5 китобдан иборат бўлиб, биринчисида қиймат ва қўшимча даромад муаммолари тадқиқ этилди, иккинчисида – капитал жамғарилишининг шаклланиши даврида европанинг иқтисодий ривожланиши, учинчисида – капитализм тараккиётининг тарихий шарт-шароитлари, тўртинчисида- Меркантилизм ва физиократларнинг билимларига муносабати, бешинчисида эса давлат молия тизими тадқиқ этилган. А.Смит томонидан тадқиқ этилган инсоннинг табиати, инсон ва жамият орасидаги муносабатлар классик (мумтоз) мактаб қарашларининг асосини ташқил этди. Бунда «Иқтисодий

одам» тушунчаси кенинрок пайдо бўлишига қарамасдан, унинг кашфиётчилари А.Смитга таянганлар.

Смит ўз асарларида ва тадқиқотларида одамлар баъзи бир шундай табиий хусусиятларга эгаки, улар ижтимоий тузумга боғлиқ эмас, деган хулосага асосланди. Ана шундай хусусиятдан бири Эгоизм бўлиб, одамлар ўз хўжалик фаолиятларида унга амал қиладилар. Хар бир одам ўз шахсий манфаатини кўзда тутди, аммо бу ҳолатда кўп бошқа ҳолатлардаги каби, у «Кўринмас қул» томондан унинг ниятида ҳам бўлмаган мақсад сари йўналтирилди.

Смитнинг таърифича фойда кетидан кувиш ва рақобат бутун жамиятга наф келтирувчи фаолият деб қаралади (Шўролар даврида, марксча-Ленинча ғояда танкид қилинар эди).

А.Смит капиталистик жамиятни табиий тузум билан бир деб тушунган, шунинг учун капиталистик муносабатлар адабий, капиталистик хўжалик намояндаларининг хусусиятлари одамнинг табиий хусусиятлари кабидир, деб изоҳлайди.бу фикрни бозор муносабатларига ҳам тадбиқ этиш мумкин.

А.Смит абстракция усулидан фойдаланиб қатор чуқур илмий хулосаларга келди, ходисаларнинг ички боғланиши масалаларига кириб борди. Шунга параллел равишда у бошқа йўлдан ҳам борди, капиталистик ҳақиқат тўғрисидаги бевосита кўзатиш натижаларини умумлаштирди. Биринчи метод изотерик, иккинчиси - экзотерик усуллар деб аталади.

Мехнат таксимоти ва пул тўғрисидаги таълимот. Смит ўз даври учун мос равишда мануфактурани ишлаб чиқаришнинг энг илгор шакли деб баҳолайди, унинг тарихан уткинчилигини тушунмайди. А.Смитнинг иқтисодий қарашлари асосида шундай ғоя ётадики, унга кўра жамият бойлиги ишлаб чиқариш жараёнида мехнат туфайли пайдо бўлади. А.Смит мехнатни барча соҳаларда (саноат,қишлоқ хўжалиги, хизмат курсатиш соҳалари) бойликнинг асоси деб билади. У капиталистик ишлаб чиқаришнинг мануфактура босқичини таҳлил қилиш асосида иқтисодий прогресс (тараккиёт) нинг муҳим омили мехнат таксимотидир, деган хулосага келди. Биринчидан, мехнат таксимоти туфайли

айрим ишчиларнинг чакконлиги ва мохирлиги ошади. Иккинчидан, бир турдаги ишдан бошқасига ўтиш учун кетадиган вақт иқтисод қилинади. Учинчидан, меҳнат таксимоти машиналар ихтиро қилишга имкон тугдиради, яъни такрорланадиган жараёнлар машина қўллашга қўлайлик яратади.

А.Смит асарида меҳнат таксимотининг салбий томонлари ҳам берилган (бир хил меҳнат, толиқиш...) мануфактурадаги меҳнат таксимоти ва эндигина ривожланиб келаётган машина саноатининг салбий оқибатлари ҳам тан олинади. Смит товар дунёсида пулнинг стихияли равишда, узоқ ривожланиш жараёни натижасида ажралишини курсатиб берди. Смит пулнинг муомала воситаси функциясини бошқаларга нисбатан алоҳида таъкидлайди. Оқибатда Смитнинг фикрича, пул техник курул бўлиб, иқтисодий жараёнларни енгиллаштиради, уни «Муомаланинг буюк гилдираги» деб баҳолайди. А.Смит қийматнинг меҳнат назариясини В.Петтининг назариясига нисбатан анча чуқур ва тўлароқ ишлаб чиқди. А.Смит қийматни даромад билан ҳам тенглаштиришга ўринган. У айтадики, иш ҳақи, фойда ва рента ҳар қандай даромаднинг, худди шунингдек ҳар қандай алмашув қийматининг дастлабки уч манбаидир.

Демак, Смит капитализмга ҳос яна бир қиймат- даромад назариясини уйлаб топди, бу ерда даромад иш ҳақи даражаси, фойда, рента билан аникланади. Қийматни даромадлар асосида тушунтириш олимнинг қийматнинг меҳнат назариясига қарама - қаршидир.

Даромадлар тўғрисидаги таълимот

А.Смит жамият аъзоларининг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатларига кўра уч синфни ажратиб берди: ишчилар, капиталистлар ва ер эгалари. Ҳар бир синф ўзининг асосий даромадини: ишчилар, иш ҳақини, капиталистлар фойдани, ер эгалари эса рентани оладилар. Улар ўртасида номувофиклик йўқ. Иш ҳақи, яъни ишчининг даромади Смитнинг фикри бўйича меҳнат маҳсулоти бўлиб, меҳнат учун тўланадиган табиий мукофотдир, оддий такрор ишлаб чиқаришда ҳам меҳнат ҳақи

мавжуддир. У оддий ишлаб чиқарувчи билан ёлланма ишчининг даромадларини бир деб билди. У оддий такрор ишлаб чиқаришда «Иш хақи» ишчининг бутун меҳнат маҳсулотига тенг.

Смит таълимотида ишчи кучи деган категория йўқ, у капиталист ва ишчи ўртасидаги муносабатда ишчи кучи сотилиши жараёнини тушунмаган. Аммо иш хақининг нормал даражасини аниқлашда у амалда ишчи кучининг қийматидан фойдаланган, иш хақининг миқдори тўғрисида гап борганда эса тирикчилик харажатлари қиймати ҳисобга олиниши керак, дейди. Смит фойда нормаси ва процент (фоиз)нинг паст даражасини иқтисодий ривожланиш ва «Миллатнинг равнақи» курсаткичи деб характерлади, аммо фойда нормасининг пасайиб бориш тенденциясини тушунтириб бера олмади.

Унумли ва унумсиз меҳнат тўғрисидаги таълимот.

Смитда бу масала анча мукамал таҳлил этилган. Физиократларда қийматнинг манбаи у ёки бу конкрет меҳнат шакллари эмас, қайси соҳада бўлишининг фарқи йўқ, балки умуман меҳнат эканлигини курсатиб берди. Смитнинг фикрича, қиймат фойда умумий ижтимоий меҳнат билан яратилади.

Аввало капиталга алмашувни, яъни фойда яратувчи меҳнат унумли деб эълон қилинади, максадидан катъий назар одамларнинг бошқа турдаги фаолияти унумсиз меҳнат харажатлари деб айтилади. Унумли ва унумсиз меҳнатнинг фарқи шундаки, биринчиси капиталга алмаштирилади.

Товарда ўз аксини топган меҳнат унумли, хизмат соҳалари унумсиз меҳнат бўлиб чиқади (маржинализмда бошқача фикр). Смитнинг тасдиқлашича давлат даромадининг деярли ҳаммаси унумсиз элементларни таъминлаш учун сарф бўлади, шу сабабли жамиятда бундай гуруҳлар имкони борица кам бўлиши керак, дейди, яъни у арзон давлат тарафдори бўлган, бунга кушилиш мумкин.

А.Смит эркин рақобат давридаги Буюк Британиядаги иқтисодий сиёсатни асослашга катта эътибор берди. У ишлаб чиқарувчиларга иқтисодий эркинлик таъминлашни, давлатнинг

иқтисодий ҳаётга аралашмаслигини таърифлади, аммо мамлакат хавфсизлиги иқтисодиётдан устун, дейилади.

Смит меркантилизмга, шу билан бирга савдодаги протекционизмга (давлат томонидан чеклашлар, солиқ, божхона ва бошқалар), ташки савдодаги ҳар қандай чеклашларга қарши эди, демак эркин иқтисодиётни қўллайди.

Смит ночор аҳволга тушиб қолган иқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидаги уч омилни қўллади: 1. Мамлакатда тинчлик, осойишталик бўлиши ва сақланиши. 2. Меъёридаги енгил солиқлар тизими. 3. Давлат иқтисодиёт ишларига ҳадеб аралашавмаслиги зарур, иқтисодиёт табиий равишда амалга ошаверади.

3.Д.Рикарднинг иқтисодий таълимоти.

Инглиз классик иқтисодиётининг машҳур намоёниси Д. Рикардо (1772-1823) Петти ва Смитнинг иқтисодий ғояларини янада ривожлантирди. У Лондонда буржуа даллоли оиласида туғилди. Икки йил Амстердам (Голландия) да савдо мактабида таълим олди. Д.Рикардо дастлаб биржа даллоли, кейинрок математика ўқитувчиси бўлди.

Тарихий манбаларга қараганда, Д.Рикардо 1799 йилда курортда А.Смитнинг "Халқлар бойлиги" асарини қўриб қолади ва унда бу фанга иштиёқ пайдо бўлади. У жамият моддий бойлиги ўсиши учун ижтимоий ва тақсимотнинг қандай шароитлари энг қўлай ва оптимал деган масалага тўхталади. Рикардо ягона иқтисодий концепция асоси-пул муаммоси ва кредит, халқаро иқтисодий муносабатлар, солиқ, ер рентаси, халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисида фундаментал фикрлар берди.

Смитдан кейинрок яшаган Рикардо саноат инқилоби натижаларини тўлароқ тушунди. Унинг фикрлари нисбатан тегна бўлиб, классик иқтисодиётни нияҳясига етказди; у агар А.Смит мануфактурасини қўлласа, Рикардо саноат даврининг иқтисодчиси эди ва фабрика афзаллигини тушунди. Унинг дастлабки «Олтин аждаҳоси тўғрисида ўх хат» (1809) ва бошқа асарлари пул ва муаммоларининг таҳлил қилишга бағишланган. 1807 йилда унинг

асосий асари бўлган «Сиёсий иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши» чоп этилди. 1824 йилда ёзилган «Миллий банк тузишнинг режаси» асари эса унинг вафотидан кейин босилиб чиқди.

Рикардо қиймат қонунини ишлаб чиқишда Смитнинг хулосаларига, гарчи уларни қисман рад этсада, суянди ва уларни ривожлантирди. У товарнинг икки фактори: истеъмол ва алмашув қийматларини янада аниқроқ ўрганди.

Рикардо Смит каби қийматнинг меҳнат назариясини капиталистик ишлаб чиқариш шароитида қўллашда катта қийинчиликларга учради. Қийматнинг ишлаб чиқариш баҳосига айланиш муаммосига эътибор берди ва уни ҳал этишга ўринди. Реал ҳаётда капиталдан олинadиган фойда шу капиталнинг миқдори билан аниқланади ёки фойда нормаси мутааддиллашиш тенденциясига эга.

Рикардо иш ҳақи, фойда ва рента масалаларини ечишга катта ҳисса қўшди. У Смит каби асосий уч синфнинг дастлабки даромадлари масаласига эътибор берди. У меҳнатни товар деб (аслида ишчи кучи товар) ҳисоблаб меҳнатнинг бозор баҳоси (иш ҳақи) табиий баҳо бўлади ва шу атрофда ўзгаради деб ҳисоблаган; табиий баҳо деганда ишчи кучининг қийматини тушунган. Рикардо масалага тарихий анъаналар асосида ёндошишга ўринса ҳам меҳнатнинг табиий баҳосини жисмоний минимумга тенглаштиради: масалан, ноннинг баҳоси ва иш ҳақининг пул миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик бор, - дейди у, - агар ноннинг баҳоси ошганда иш ҳақи ўзгармаса ишчилар оч қолади ва улимга маҳкум этилади. Рикардо пул ва пул муомаласи масалаларига катта эътибор қилди. У дастлабки асарларида пулни ички қийматга эга бўлган товар деб қараган. Пул қиймати уни топишга сарф қилинган меҳнат билан аниқланган

Рикардо пулнинг хусусияти шундаки, у алоҳида товар, бошқа товарларнинг қиймат улчови ва муомала воситаси сифатида ҳаракат қилади, - дейди.

Рикардо англиянинг ташки алоқалар иқтисодиётида катта роль уйнашини алоҳида ўрганди. У биринчилардан бўлиб айрим товарларни ишлаб чиқаришдагина эмас, (корхона доирасида), балки мамлакатлар ўртасидаги халқаро меҳнат тақсими ва ихтисослашувининг фойдалилигини ишлаб чиқди. Бу тамойил кўра, айрим мамлакатлар товарларни ишлаб чиқаришда айрим қийинчиликларга эга бўлади ва кам харажат сарф қилинади. Нисбий устунлик назариясини яратди. Мисол сифатида Англияда текстиль, Португалияда вино ишлаб чиқариш устунлигини исботлаб берди.

Рикардонинг 1815 йилда ёзилган «Нонга бўлган паст бахонинг капитал фойдасига бўлган таъсири тўғрисидаги тажриба номли памфлетида синфларнинг иқтисодий муносабатлари ва капитализм ривожланиш назарияси киска, аммо лунда тарзда баён этилган. Унинг асосий хулосалари куйидагилардан иборат: агар иқтисодиёт ривожини ўз холига куйилса, аҳолининг ўсиши ва кам унумдор ерларга ишлов берилишига ўтиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳоси ошиб боради. бунинг барча фойдаси ер эгалари бўлган лендлордларга утади.

Вахоланки, капиталга бўлган фойда нормаси пасаяди. Бундан эса ишчилар ҳам зиён кўради, чунки уларнинг меҳнатига талаб пасайиб боради.

4.А.Смит ва Д.Рикардо таълимоти ва ҳозирги замон.

А.Смит ва Д.Рикардо англия классик иқтисодиётининг энг буюк ва энг сунгги намоёндалари эдилар, уларнинг ғоялари Сэй,Сисмонди ва қисман Мальтус томонидан давом эттирилди, аммо бу ғояларга катта бирор янгилик киритилмади. А.Смит ва Д.Рикардо асарларида классик иқтисодий мактаб энг юксак кўтарилди ва жаҳон иқтисодий тафаккурига катта ижобий таъсир курсатади.

Классик иқтисодий мактаб учун шу нарса характерлики, унда мантикий абстракция услуби ёрдамида иқтисодий воқеалар имкони борица катта объективлик ва холислик билан таҳлил

этилди ва мавжуд тизимни атайлаб онгли макташ билан шугулланилмади.

Классик иқтисодиётнинг пойдевори қийматнинг меҳнат назарияси асосида қурилган. Бу таълимот дароматларни тақсимлаш назариясига ҳам асос деб қаралган. Бу мактаб биринчи марта уша даврдаги илгор буржуа жамиятининг синфий тузилишини тўғри ёритиб берди, капиталистлар, ер эгалари ва ёлланма ишчиларнинг даромад манбалари очиб берилди (иш хақи). Даромадлар ўртасида қарама-қаршилик йўқ деб қаралди.

А.Смит ўз асарида иқтисодиёт фанини ҳар томонлама тўла таҳлил этиб, ҳозирги давр тили билан айтганда бозор иқтисодиёти ва унинг амал қилиш тамойилларини тўғри курсатиб берди. Улар таълимотининг моҳияти қисқача қуйидагилардан иборат: 1. Танлов ва тадбиркорлик эркинлиги; 2. Баҳоларнинг эркинлиги (яъни баҳонинг бозорда талаб ва тақлиф асосида шаклланиши); 3. Эркин рақобат; 4. Мулк шакллариининг турли - туманлиги ва уларнинг қонун олдида барабарлиги (яъни давлат, жамоа, хусусий ва бошқа мулкларнинг ҳаётийлиги); 5. Давлатнинг имкони борича иқтисодиёт масалаларига кам аралашуви.

Классик (мумтоз) мактаб вақиллари инсон хоҳишига боғлиқ бўлмаган объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини тан оладилар. Бу қонунда иқтисод тизимида табиий тургунликни таъминлашга, ўз-ўзини бошқаришга қодир эканлиги тан олинади. Шу сабабли давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иложи борича инкор этилади ва эркин савдо-сотик қулланилади. "Қўринмас қул" ёрдамида иқтисодиёт автоматик равишда эркин бозор муносабатлари доимо ривожланиш қобилиятига эгадир (аммо бу фикр Ж.М.Кейнс томонидан рад этилади).

Биринчи бор эркин бозор иқтисодий тараккиёт асоси сифатида тўғри кўриб чиқилган.

Иқтисодиётнинг муҳим категориялари бўлган қиймат, пул, фойда, баҳо, иш хақи, рента, капитал ва бошқаларга асосан тўла ва тўғри таъриф берилган.

Янги жамиятнинг прогрессив томонлари билан бирга бозор иқтисодиётининг бекаму-кўст эмаслиги, унинг жиддий камчиликлари борлиги ҳам кайд этилган.

Хулоса

XVIII аср охири – XIX аср бошларида классик иқтисодий мактаб тўла шаклланди, бу инглиз олимлари А.Смит ва Д.Рикардолар томонидан амалга оширилди. Бу тасодифий воқеа бўлмай, шу даврда англияда объектив шарт-шароитлар мавжуд эди: буржуа инқилоби, мануфактурадан фабрикага ўтилиши, аграр ислохот, капиталнинг дастлабки жамгарилиши, синфий ва мулкый дифференциация ва бошқалар.

Биринчи бор эркин бозор иқтисодиёти тараккиётининг асосий тамойиллари аниқлаб берилди. Меҳнат таксимооти иқтисодий тараккиёт асоси сифатида тўғри кўриб чиқилган.

Иқтисодиётнинг муҳим категориялари бўлган қиймат, пул, баҳо, фойда, иш ҳақи, рента, капитал ва бошқаларга асосан тўла ва тўғри таъриф берилган.

Янги жамиятнинг прогрессив томонлари билан бирга бозор иқтисодиётининг бекаму-куст эмаслиги, унинг бир қанча жиддий камчиликлари борлиги ҳам кайд этилган.

Таянч ибора ва тушунчалар

А.Смит; «Кўринмас қул»; қийматнинг меҳнат назарияси; меҳнат таксимооти; пул ва даромадлар тўғрисидаги билимлар; унумли ва унумсиз меҳнат; Смит догмаси;

Д.Рикардо; қиймат қонуни; иш ҳақи; фойда рента масалари; нисбий устунлик принципи.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1.Классик иқтисодий мактабнинг англияда вужудга келиши қандай ижтимоий ва иқтисодий шароитларда рўй берди?

2. А.Смит бош иқтисодий асари қачон ёзиб тугалланди ва ундаги асосий иқтисодий ғоялар нима? Олимнинг тадқиқот методологияси нимага асосланади?

3.Нима учун А.Смит мануфактура ишлаб чиқаришнинг мафкурачиси бўлиб қолди?

4.Мехнат таксимотининг устунлик томонлари нима ва камчилиги нимада?

5.«Смит догмасы» нима? Унинг камчилиги нима?

6.«Lassefahre» ва «кўринмас қул» тамойиллари нимани англатади?

Адабиёт

Асосий адабиёт

1.Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари.т., Ўзбекистон,1998

2. Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.

3.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт

1.Антология экономической классики. В двух томах Т1 М. Эконо.1991 (Петти, Смит, Рикардо)

2. Аникин А.В. Юность науки. М., Политиздат,1985.

4-мавзу. Майда ишлаб чиқариш назарияларининг Вужудга келиши ва ХУ111-Х1Х асрлар бусағасида муқобил иқтисодий йўналишларнинг пайдо бўлиши

Р е ж а

1. Майда ишлаб чиқариш назариялари вужудга келишининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари.

2. Симонд Де Сисмондининг иқтисодий қарашлари ва унинг назарияси.

3. Пьер Жозеф Прудон. Прудоннинг иқтисодий назарияси.

1. Ғарбий европа ҳаёлий социалистларнинг иқтисодий таълимоти.

2. Ж.Б.Сэй ва Т.Р. Мальтуснинг иқтисодий ғоялари.

1. Майда ишлаб чиқариш назарияларининг вужудга келишининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари.

ХУ111 аср охири ва Х1Х аср бошларидаги саноат тунтариши катта иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларга олиб келди. Пролетариат билан буржуазия жамиятнинг асосий синфлари бўлиб, қарор топди. Машина ишлаб чиқариши вужудга келди ижтимоий зиддиятлар кескинлашди. Меҳнатнинг капиталга расман бўйсунishi ҳақиқатга айланди. Пролетариатнинг кашшоқлашуви, ишсизлик, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тартибсизлиги, ижтимоий табакаланиш кучайди. Капиталистик такрор ишлаб чиқариш аста-секин майда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий негизларини кўпора бошлади. Машина индустрияси иқтисодиётнинг умуман ўсишига, аммо аҳоли катта қисмининг кашшоқлашувига олиб келди, бюджет ҳолатни тушунтириб бериш талаб этилди ва янги иқтисодий қарашлар пайдо бўлди.

Капиталистик ривожланишдан орқада қолган ва майда товар ишлаб чиқариш устун бўлган шароитда саноат тунтариши даврига кираётган мамлакатларда бу жараёнлар, айниқса, уткир тус олди. Бундай мамлакатларда гуёки пролетариат манфаатларини ҳимоя қилиб капитализмни танкид қилувчи қарашлар пайдо бўлиши табиий бир ҳол эди. Майда ишлаб чиқарувчилар назариясини яратган олимлар социалистларга ҳам шунингдек, классик иқтисодий мактабга ҳам баб-баравар қарши турувчи таълимотни илгари суришга интилдилар. Майда ишлаб чиқариш назариячилари капиталистик жамиятда йирик саноат майда товар ишлаб чиқаришни сиқиб чиқаришини, ёлланма қулликни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган кўпгина белгиларни танкид қилдилар, бироқ хусусий мулкчилиқни, соҳибкорликнинг эркинлигини ва шу қабиларни танкиддан ташқари қолдирдилар (яъни бозор муносабатлари қўллаб-қувватланган).

Пайдо бўлган майда Буржуазия ижтимоий-иқтисодий мактеби майда ишлаб чиқариш, сиёсий иқтисоднинг зиддиятлиги ва ноизчиллигини олдиндан белгилаб куйган эди, унинг ривожини бир неча босқични ўз ичига олади. Аввали инсонпарварлик, сунгра эса ҳайр-эхсон мактаби шаклланди. Агар биринчи мактаб ҳали капитализмдан воз кечишни орзу қилган, уни четлаб куйишга

интилган, пролетариатнинг қулфатлари хусусида астойдил кўз ёши қилган бўлса, иккинчи мактаб капитализмни ислох қилиш лойиҳасини илгари суриб, ҳаммани ўрта холларга айлантирмоқчи бўлган, у "Кичик капитализм" тарафдори эди. Майда ишлаб чиқариш назарийчилари ҳаёлпараст социалистларнинг ғояларига қарши турар эдилар. Марксизм таълимоти оммалашувиغا қаршилик қилишга ўриндилар. Бу оқим узоқ давр мобайнида турли мамлакатлардаги иқтисодий қарашларнинг шаклланишига катта таъсир утказиб келди. Бу ғоялар айниқса кам ривожланган мамлакатларда узоқ сақланган.

2. Симонд де сисмонднинг иқтисодий қарашлари ва унинг назарияси.

Симонд Де Сисмонди (1773-1842) Швецариялик иқтисодчи, француз классик иқтисодий мактабини нихоясига етказувчи ва айтилишига кўра майда ишлаб чиқарувчилар иқтисодий мактаби асосчиларидан биридир. У муътабар протестант пастор оиласида тугилиб вояга етди, протестантлар қоллегиясини битириб чиқди, женева университетида ўқиди. Сиёсат билан унчалик кўп вақт шугулланмади, Франция маънавий ва сиёсий фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди. С. Сисмонди иқтисод ва тарих фанлари соҳасида катта ишларни амалга ошириб, бой илмий адабий мерос қолдирди. "Тосқани қишлоқ хўжалигининг кўриниши"(1801), "Савдо бойлиги ёки сиёсий иқтисод принциплари ва уларни савдо қонунчилигида қулланиш тўғрисида"(1803), "Италия республикаларининг тарихи" (1807), 1818 йилда эса эдинбург энциклопедияси учун "сиёсий иқтисод" мақоласини тайёрлади. Лекин "Сиёсий иқтисод янги ибтидолари ёки бойликнинг аҳоли нуфусига муносабатлари тўғрисида" (1819) китобининг нашр қилиниши унинг шухратини кескин оширди. Кейинги йилларда "Сиёсий иқтисоддан этюдлар" (1837) ва фундаментал тарихий асарлар "Французлар тарихи" (31 том), "Рим империяси қулашининг тарихи" ва бошқа асарлари нашр қилинди.

С.Сисмонди ғояларининг шаклланиши саноат тунтарилиши даври билан, шунингдек, майда ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий кучсизланиши билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида капитализмни феодализм ўстидан, йирик машиналашган ишлаб чиқаришни майда ишлаб чиқарувчилар ўстидан галабасини англатар эди. С.Сисмонди майда ишлаб чиқарувчилар томонида туриб капитализмни танкид қилиб, майда товар ишлаб чиқаришга қайтишни орзу қилди.

Сисмонди одамлар бахт ва тенгликни таъминлаш учун бирлашадилар, деган фикрга асосланди. Олим классик мактаб ғояларини қуллайди, аммо таксимотнинг кўпдан-кўп муаммолари хусусида ўз фикрини билдирди. Капитални, инкирозларни, махсулотни реализация қилиш масалаларини тадқиқ этади, жамиятни ўзгартиришни майда буржуача дастўрини илгари суради. А. Смитнинг таълимотида қиймат ва бойликнинг бирдан-бир манбаи меҳнат деб таҳлил қилинган эди. Зарур иш вақти тушунчаси биринчи бор жорий этилди. Сисмонди пул-ички қийматга эга бўлган меҳнат махсулоти ва шу сабабли у қийматнинг умумий мезони тарзида намоён бўлади, деган тўғри хулоса чиқаради. Пулнинг кадрсизланиши ортиқча коғоз пуллар муомалага чиқарилиши хаддан ортиб кетишининг натижаси, деб талкин этилади. Аммо у пулнинг вужудга келиш жараёнини, унинг вазифасини тадқиқ этмайди. Сисмонди истеъмол қиймати билан қиймат ўртасидаги зиддиятларни кўра билган бўлса ҳам, аммо унинг мохиятини тушунмади. У қийматдан четга чиқишни қиймат қонунининг бўзилиши деб хисоблайди.

С.Сисмонди таъбирича, ижтимоий фан икки қисмдан: олий сиёсат ва сиёсий иқтисоддан иборат. Агар сиёсат давлат таркибини қандай вужудга келишини ўргатса, фукароларни диёнат ва дин тўғрисида тарбиялаш, сиёсий иқтисод хўжаликни қандай бошқаришни, ижтимоий тартибни сақлашни ҳукуматга тавсия қилиши керак.

Умуман, сиёсий иқтисод-маънавий фан бўлиб, у одамларни хис туйғулари, эҳтиёжларини ва эҳтиросларини ўрганиши керак.

С.Симондининг фикрича "Одамларнинг моддий фаровонлиги, инсон табиати" сиёсий иқтисод предмети бўлиши керак, "Одамларнинг моддий фаровонлиги эса" давлатга боғлиқ, С.Сисмонди сиёсий иқтисод предметини давлатнинг иқтисодий сиёсати билан аини бир нарса деб билади, уни синфлардан устун турадиган фан деб талкин этди. У ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий қонунларни билиш зарурлигини инкор қилади. У инсоннинг феъл-атворини биринчи ўринга қўйди.

С.Сисмонди услубиятига қуйидагилар хосдир: 1) Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни субъектив-идеалистик талкин этиш; 2) Илмий абстракция усулининг йўқлиги; 3) Тарихдан ташқари ёндашув; 4) Айирбошлаш концепцияси устунлиги. Майда ишлаб чиқарувчилар назариятчиси бўлган С.Сисмонди иқтисодий қонунларнинг субъектив характерини тан олмади. У капиталистик иқтисодиёт нотекис ривожланишини ҳақли равишда курсатган бўлса ҳам, бу нарса иқтисодий қонунлар амал қилишининг ўзига хос тарзида намоён бўлиши эканини кўра билмади.

С.Сисмонди классик мактабга қарама - қарши улароқ, майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлаётганлигини "Ортиқча" аҳоли пайдо бўлаётганини, машиналар ишчиларни сиқиб чиқараётганини курсатди. С.Сисмонди классик мактабнинг инкирозлар бўлиши мумкин эмас ва капитализм зиддиятлар нима эканлигини билмайди деган мулохазаларини танкид қилди. Унинг тарихий хизмати мана шундан иборат.

Олим ўз ғоясини исботлашда ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги тафовутни 1-ўринга қўяди. Йирик ишлаб чиқарувчилар истеъмоли пасаяди, оқибатда мамлакат ва дунёда инкироз рўй беради, дейди у. Шунинг учун йирик ишлаб чиқаришни тухтатиш ва майда ишлаб чиқаришга кайтишни таклиф этади, капитализмни инкор этади.

С.Сисмонди яқка тартибдаги даромадлардан, бойликлардан олинган фойда ва ишчи иш ҳақининг йигиндиси бўлган даромад муаммосига утади. Бу миллий даромад билан ялпи мақсулотни айнан бир нарса деб билганлиги унинг асосий назарий хатосидир.

Агар у бирламчи махсулотда А.Смит изидан бориб, уч қисмдан: хом материал ва меҳнат куролларининг урни копланишини, иш ҳақи ва фойдани ажратган бўлса йигинди махсулотда фақат сунгги қисмни ажратади. Доимий қисм йўқ бўлиб кетади. Капитал деганда С.Сисмонди ишлаб чиқариш запасларини (ишлаб чиқариш воситаларини) тушунади. У капитал жамгарилишини тежамкорлик билан боғлайди, С.Сисмонди асосий (машиналар, иш куроллари) ва айланма (уруғлик, хомашъё, иш ҳақи) капиталини бир-биридан ажратиб А.Смитнинг ҳамма хатолари ва ютуқларини такрорлайди. У капитални доимий ва ўзгарувчи капиталга ажрата билди. Охир оқибатда Сисмонди капитални миллий даромаддан фарқини изоҳлай олмади ва унинг ўстига Смитнинг шу икки ўртадаги тафовўтини назарий жихатдан исботлаш йўлидаги интилишларини писанд қилмай, орқага кадам ташлади.

"Учинчи шахслар" назарияси Сисмонди назарий қарашларида асосий ўринни эгаллайди, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий даромад хажмларининг бирлигини ижтимоий махсусотни тўла-туқис реализация қилишнинг асосий шарти деб ҳисоблайди. "Учинчи шахслар" яна майда ишлаб чиқарувчиларга мадад беришига умид боғлайди, турли мамлакатларнинг ҳукуматларига мурожат этиб, уларнинг капиталистик ривожланишини тўхтатсинлар, деб сурайди (масалан, наполеондан) жамият майда ишлаб чиқаришга кайтган тақдирдагина гуё мул -қулчилик бошланар эмиш (мулкни бўлиш керак).

Ишлаб чиқариш билан таксимот ўртасидаги зиддиятни шахсий истемолнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнлари учун муҳимлигини тан олганини Сисмонди ўртага ташлаган концепциянинг ижобий жихатидир.

Сисмонди капиталистик йўлдан воз кечишни таклиф қилди. Капитализмни тартибга солишга, ишчилар билан капиталистлар ўртасидаги патриархалчилик муносабатларини ўрганишга, ишчиларни фойдани таксимлашда катнаштиришга ишсизлар, инвалидлар ҳақида ғамхурлик қилишда ва бунинг учун махсус фондларни вужудга келтиришга, майда ишлаб чиқаришни саклаб

қолиш ва қўллаб-қувватлашга, мануфактурагача бўлган йирик мулкчиликни кўп сонли капиталистлар ўртасида таксимлашга чакирди. У ёлланма ишчиларни ҳам мулкдорлар сафига кушишни орзу қилди. С.Сисмонди давлатнинг ёрдамига умид қилди.

Бу ғоялар инсоний жихатдан соғлом, аммо амалга ошмас фикр эди.

Унинг ижтимоий тадбирлар дастури реакцион - хаёлпарастлик характериға эға. С.Сисмонди объектив тарихий жараёнға тускинлик қилишға ўринади. Ўз мулохазаларини Францияда хали ҳам кучли бўлган феодал тузум химоячиларига қул келишини сезмайди.

3.Пьер Жозеф Прудон. Прудоннинг иқтисодий назарияси.

Пьер Жозеф Прудон (1809-1855)- француз публицисти, майда ишлаб чиқарувчилар назариятчиси, камбағал косиб оиласида тугилган. Моддий жихатдан ночорлиги сабабли коллеждаги укишни битира олмаган.

Шерик ҳамкорининг маблаги хисобига кичик бир босмахонани ишлатган. Зўр бериб ўз махсулотини ошириш билан шугулланган. Илм - фанни ўрганишни аввало мухтожликдан кўтилиш усули деб билади. К.Маркс билан шахсан таниш бўлган.

П. Прудон феодализмға кайтиб бўлмасликни, капитализмни тан олади. Аммо у майда ишлаб чиқаришни саклаб қолишни таклиф қилади. П. Прудон қарашлари бутун тузум реформизми, ишчилар синфига душманлик рухи билан суғорилгандир. П. Прудон пролетариатнинг ўз сиёсий ва иқтисодий манфаатлари учун кўрашиға қарши. У ишчиларнинг иш ташлашини ғайри қонуний деб эълон қилади.

П. Прудон аввал капитализмнинг танкидчиси бўлиб майдонға чиқди. "Мулкчилик нима"(1840) деган асари унга зўр шухрат келтирди. Бу асарда хали Прудоннинг амалий дастури баён қилинмаган эди. "Иқтисодий зиддиятлар системаси ёки кашшоклик фалсафаси" асарида П. Прудон капитализмни ислох қилишнинг амалий дастўрини ишлаб чиқишға, сиёсий кўрашнинг беҳудалиги ва давлат хоқимиятиға эhtiёж йўқлиги тўғрисидаги

анархиячилик қарашларини асослашга ўринди, Франция ҳукмдорларини ўзининг сиёсий хайрихохлигига ишонтиришга ўринди.

П. Прудоннинг назарий қарашларига хос хусусиятлар куйидагилар: 1) Субъективизм; 2) Иқтисодий қонунлар объективлигини инкор этиш; 3) "Эклектизм" (фикрлар коришмаси); 4) Мантикийликнинг тарихийликдан ажралиб қолиши; 5) "Иқтисодий кучлар", меҳнат таксимоти, рақобат, айирбошлаш, кредит, мулкчилик каби муҳим назарияларнинг мавжудлиги; 6) Айирбошлаш нуктаи назаридан ёндошди. П. Прудон сиёсий иқтисодни "акл-заковотнинг абадий қонунлари" тўғрисидаги фан деб билди, иқтисодий ходисаларга немис файласуфи Гегелнинг диалектикаси нуктаи назаридан қарайди.

Прудон Сисмонди каби майда ишлаб чиқаришни қўллайди, аммо капитализмни (йирик ишлаб чиқаришни) ислохотлар йўли билан тўғрилаш мумкин, деган хулосага келади.

П. Прудон ўзининг майда ишлаб чиқарувчилар концепциясини майдонга ташлар экан, жуда кўп масалалар хусусида фикрларни баён этади. Меҳнат таксимоти, товарнинг хусусияти, иш ҳақи, мулкчилик, капитал, фойда, фоиз, қиймат ва бошқа муаммоларни ўз иқтисодий романтизм позицияларида туриб актив тадқиқ қилади.

"Белгиланган қиймат" назариясини П.Прудон ўзининг бутун иқтисодий негизи деб ҳисоблайди. Бунда классик мактабдан ўзиб кетиш пинхона истагини эмас, шу билан бирга, иқтисодий ўзгаришларнинг йўлларини белгилаб бериш истаги намоён бўлди. Бинобарин, товар ишлаб чиқаришнинг ҳамма қийинчиликларини бартараф қилиш учун ҳар бир товарга "белгиланган" қиймат куйиб куйиш ёки уни бозарда сотилишга кафолат бериш, товар билан пул ўртасидаги зиддиятни тугатиш зарур. П. Прудон тилла билан кумушни "белгиланган" қийматга эга бўлган дастлабки товарлар деб атайди.

У пулга қарши эди, аммо давлат банки тузиш, «ишчи пули» (талон) ни жорий қилишни таклаф этади, аҳоли ўз махсулотини

банкка топшириб, ишчи пули олади ва унга керакли бошқа махсулотларни олади, мақсад истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қўллашдир.

Аслида эса Прудон ўз ғоясига қарши чиқмоқда.

4. Ғарбий Европа хаёлий социалистларининг иқтисодий таълимоти.

Социалистик жамият кўриш ғояси XVI асрда Т.Мор ва Т. Компанелла томонидан капиталнинг дастлабки жамгарилиши даврида вужудга келди. Улар хусусий мулкни инкор этишган, 4-6 соатли иш куни жорий этишни таклиф қилган.

Саноат тунтарилиши даврида француз олимлари Сен-Симон ва Фурье ҳамда инглиз Р.Оуэнлар бу масалага кайтдилар.

Анри Клод Де Ребруа Сен Симон (1760-1825) Франция хаёлий социализмининг намоёндаси бўлиб, 1789-1794 йиллардаги француз революцияси билан замондош эди. У аристократлар оиласидан келиб чикиб куйидаги машхур асарларнинг муаллифидир: «Саноат системаси ҳақида», «Инсон ҳақидаги фан очерклари», «Саноат ёки сиёсий, маънавий ва фалсафий мулоҳазалар», «Янги христианлик» ва бошқалар.

Сен-Симоннинг бўлажак адолатли жамияти «индустириал система» деб номланиб, у индустириал жамият йирик саноат ишлаб чиқариши асосида ривожланади, саноат – алоҳида режа асосида, бошқарув эса – ягона индустириал марказ орқали амалга оширилади, деб ҳисоблаган эди.

Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва махсулотларни тақсимлаш олимлар томонидан олиб борилади. Катта тажрибага эга бўлган саноат капиталистлари бошқарувни ташқил қилиш билан машгул бўладилар, ишчилар эса ишлаб чиқариш режаларини бажариш учун астойдил меҳнат қилишлари зарурдир.

Сен-Симон янги ижтимоий ташқилотни вужудга келтиришда айниқса саноатда анархияга (хоқимятсизликка) йўл куймасликка ва режа асосидаги марказий бошқарувга катта эътибор беришни таклиф қилади.

Сен-Симоннинг янги индустриал системасида хусусий мулкчилик, капитал жамғариш, банкирлар ва тадбиркорлар синфлари ҳали мавжуд эди. Бу эса ўз навбатида умумхалқ меҳнатига асосланган режали кенг ишлаб чиқаришни инкор этади.

Сен-Симон асарларининг асосида капитализмни танқид қилиш ётади. У ишлаб чиқариш ва тақсимотдаги анархияни, рақобат, халқ оммаси қашшоқлашуви ва ишчиларнинг аянчали ахволдалигини капитализм иллати деб ҳисоблайди.

Француз ҳаёлий социализмининг яна бир йирик намоёндоши франсуа мари шарль фуръедир (1772-1837). Ш.Фурье ўзининг «тўғри ҳаракат ва муштарак тақдирлар назарияси», «умумий бирлик назарияси», «савдо қаллоблиги ҳақида», «янги саноат дунёси ва ижтимоий дунё» номли асарлари ва қатор мақолаларида капиталистик ҷамиятни кескин танқид қилди ва ижтимоий адолатли ҷамият барпо этиш дастурини ишлаб чиқди. Унинг тасвирлашича, инсон ўзи яшаётган ҷамиятнинг барча ярамас иллатларидан тозаланиши лозим, шундай ижтимоий тузум урнатиш керакки, бу тузум инсон қамол топишига, эҳтиросларини тулик намоён қилишга, эҳтиёжларини қондиришга имқоният берсин.

Фурье системасида хусусий мулкни сақлаган ҳолда, ҷамият фалангалари бўлинади. Барча даромад 12 қисмдан иборат бўлиб, унинг 5 қисми капитал эғасига, 4 қисми ишчиларга ва 3 қисми яхши ишлаганларга муқофот сифатида берилиши керак.

Ақлий ва ҷисмоний меҳнат (саноат ва к.х.) Алмашиб туради. Биргалашиб овқатланиш, болаларни тарбиялашда ҷамият ролига алоҳида эътибор берилади.

Англия ҳаёлий социализмининг вужудга келиши ва ривожланишн роберт Оуэн (1771-1858) ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқдир. У шимолий уэльсда ҳунарманд оиласида дунёга келди. Мактабни тугатгач, ўзи мустақил шугулланган, ёшлик йилларидаёқ меҳнатқашлиги, тадбиркорлиги билан ажралиб тўрган. Р.Оуэн 1800 йилдан бошлаб, йигирув қорхонасида бошқарувчи бўлган. Уша йилларда инсониятни қутқаришни

максад қилган, унда ислохотчилик ғоялари шаклланди. Бироз кейинрок (1820 йилдан бошлаб) хаёлий социализмга хос бўлган фикрлар ва ташвиқотга асосий эътиборни қаратди. Р.Оуэннинг «жамиятга янгича қараш ёки характерни шакллантириш ҳақида тажрибалар», «янги ахлокий дунё китоби», «адолатни алмашув бозори», «улуг миллий хунар иттифоқи» асарларида унинг социалистик лойиҳалари баён этилган.

Р.Оуэн иқтисодий қарашларининг характерли хусусияти шундан иборатки, у француз хаёлий социалистларидан фарқ қилиб, ўз назарияларини яратишда Рикардонинг қийматнинг меҳнат назариясига таянади. Қийматнинг асосий манбаи деб меҳнатни ҳисоблади. Хусусий мулкка қарши чиқади.

Р.Оуэн қийматнинг сунгги улчови бўлмиш пулдан воз кечиб, меҳнат харажатларининг эквиваленти сифатида – «ишчи пулларини» жорий этишни таклиф этади. У капиталистик ишлаб чиқаришни қайтадан тўзиб, «ишлаб чиқариш уюшмаларини» ташкил этишга ҳаракат қилди.

Р.Оуэн биринчилар сифатида т.мальтуснинг «аҳоли нуфуси» қонунига қарши чиқди. У меҳнаткашларнинг оғир аҳволга тушиб қолишларига аҳоли сони ортиб бориши эмас, балки мавжуд маҳсулотларнинг адолатсиз тақсимланишини сабаб қилиб курсатади.

Р.Оуэн хаёлий социализми ва унинг ислохотчилик фаолияти қарама - қарши характердадир. У ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бойлик меҳнатда яратилади деб курсатиш билан бирга, айнаи вақтда ишчиларга эътиборсиз пассив роль белгилайди, капиталистларни эса асосий камчилиги коникарсиз тарбияда деб, уларни оқлашга ҳаракат қилди.

5.Ж.Б.Сэй Ва Т.Р.Мальтуснинг иқтисодий ғоялари.

XVIII аср охири - XIX асрда рўй берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар оқибатида иқтисодий билимларда ҳам классик иқтисодий мактабни қайта кўриб чиқиш, замонга мослаш истаклари билан ўзига хос муқобил (Альтернатив) ғоялар юзага кела бошлади.

Франциялик Жан Батист Сэй (1767-1832) ғояларида янги йўналишни кўриш мумкин. Унинг «Сиёсий иқтисод рисоласи»(1803), «Сиёсий иқтисод катехизи»(1817), «Сиёсий иқтисод курси» (1828-30) асарларида А.Смит ғоялари қўллаб-қувватланади, аммо қиймат ва даромадлар масаласида «Фойдалилик назарияси» га асос солинади. У қийматни истеъмол қиймати билан айнан тушунади (А. Смитда алмашув қиймати ҳам бор). У ҳар қандай эксплуатацияни инкор этади, гармония (уйғунлик) ни «исботлайди».

Сэйнинг энг муҳим кашфиётларидан бири «Сэй қонуни», «Бозорлар қонуни» ёки «Сотиш назарияси» ҳисобланади. Унинг фикрича, «Таклиф шунга мос талабни яратади», оқибатда ортиқча ишлаб чиқариш инкирозлари «Принципда бўлмаслиги» гўё исботланади, яъни таклиф автоматик равишда талабни вужудга келтиради, махсулот дархол реализация қилинади.

Аммо Сэй ўз ҳаёти давомида бу фикрнинг унчалик тўғри эмаслигини кўради, 1825 йили англияда тарихда биринчи марта кучли иқтисодий инкироз рўй беради ва такрорланиб туради. Ишлаб чиқариш ва харид қилиш вақт ва макон жихатдан ажралиб туради, шу туфайли инкирозларга абстракт имконият тугилади (Ж.М.Кейнс таълимотига қаранг).

Инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766-1834) минг асосий асарлари «Аҳоли нуфуси қонуни тўғрисида тажриба» (1798), «Ер рентасининг табиати ва ўсиши тўғрисидаги тажриба» (1815), «Сиёсий иқтисоднинг бошланиши» (1820) асарларида «Аҳоли нуфуси» назарияси ва «Тупрок унумдорлигини пасайиб бориш қонунлари» ни «Кашф» этди.

Унингча тирикчилик воситаларига нисбатан аҳолининг доимо тезроқ кўпайишга интилиши «Аҳолининг нуфус қонуни» дир, бу

қонун жамият пайдо бўлганидан буён мавжуд бўлиб, доим ва кудратли ҳаракатдадир. Ахолининг ортиқча қисми зарурат туфайли очлик, ялонғочлик ва кирилишга маҳкум этилган. Мальтуснинг фикрича, кашшоқликнинг асосий ва доимий сабаби, бошқариш тарзи ёки мулкнинг нотекис тақсимланишига ҳеч ҳам боғлиқ эмас, бу жараён «Табиий қонунлар ва инсоний хирс», табиатнинг ночорлиги ва инсониятнинг фавқулотда тез кўпайиши билан боғлиқдир. Шу сабабли халқ азоб укубатлари учун ўзини - ўзи айблаши керак. Уни тўғрилашга ҳеч қандай инқилоб ва социал ислохотлар ёрдам бера олмайди. Бунда фақат битта тўғри йўл бор - бу ахоли сонини кискартириш. Унингча кўпайишнинг олдини олиш воситаси, чораси сифатида «Ахлокий чидам» (камбагаллар никоҳдан ўзларини тийишлари, кеч турмуш кўришлари), оғир меҳнат ёки турли бахтсизликлар (очлик, кашшоқлик, касаллик, эпидемия, уруш ва бошқалар) қўллаб-қувватланади. Мальтуснинг фикрича табиий биологик инстинктга кўра, инсоният кўпайиш имкониятига эга ва доимо шунга интилади, аммо жонивор ва усимликлар қарама -қарши равишда бу жараёни чеклаш имконига ҳам эга бўлиб, ҳайвонот дунёсидан ажралиб туради. Шундай қилиб, мальтус таълимоти бўйича капитализм иллатлари инсониятнинг беихтиёр қисматидир. Назарий жиҳатдан бу фикрларда ҳеч қандай илмийлик йўқ. Бу «қонун»даги асосий ғоялар унгача бўлган олимлардан тўғридан-тўғри угирланган, чунки ўз даврида стюарт, уоллес, таунсенд ва бошқалар бу масалани ёритган эдилар. Мальтуснинг бу ниҳоятда реакцион хулосалари қаттиқ танқидга учради. Тугулишни камайтириш учун у никоҳ ёшини оширишни, давлат томонидан болаларга бериладиган нафакаларни бутунлай бекор қилишни таклиф этди. Мальтус бу танқидлардан хулоса чиқариб, 1820 йилда ўз асарини қайта ишлаб чиқди ва унда ўз фикрларини анча юмшатишга интилди; айниқса устига дам -бадам ёғилиб турадиган ва ахолини улимга маҳкум этадиган бало-офатларни зарурий деб ҳисоблашдан воз кечди ва кечирим суради, уни нотўғри тушунганликларини айтиб утди, аммо у ўзининг бош фикридан

кайтмади. Мальтус «доктринаси» аввало методологик жихатдан нотўғри эди, чунки ҳеч қандай исботсиз табиат қонунлари жамият ҳаётида қулланилади, ваҳоланки инсонлар усимлик ва хайвонот дунёсидан фарқли уларок, фақат истеъмол қилмайдилар, балки ўзлари ишлаб чиқадиладар ва тирикчилик воситасини кўпайтириш имкониятларига эгадирлар. Мальтус прогрессиялари статистик ва амалий (фактик) материалларни очикдан-очик сохталаштиришдир (фалсификация). Унда берилган маълумотлар АҚШнинг XVI-XVIII асрлардаги аҳоли ўсишига нисбати сифатида келтирилади, бу мамлакат аҳолисининг асосан Европа аҳолисининг эмиграцияси хисобига кўпайганлиги ҳақидаги «арзимас» факт эса хисобга олинмаган (табиий ўсиши бор, эмиграция бор).

Мальтус иқтисодиётининг бир қанча бошқа масалалари бўйича ҳам ўз фикрларини беради, унинг айниқса қиймат, фойда ва реализация бўйича ғоялари диққатга сазовардир. Мальтус ўз масалаларини ҳал этишда д. Рикардонинг ғояларига қарши чиқди ва бунда А.Смитдан фойдаланади. Унингча товарнинг қиймати шу товарни сотиб олишга кетган меҳнат билан аникланади. Мальтус ғоясининг «Янгилиги» шу «киммат улчови»ни изохлашдир. Смитнинг фикрича, товарни сотиб олиш учун сарфланган меҳнат уни ишлаб чиқаришга кетган меҳнатга тенгдир. Мальтуснинг фикрича, товарлардаги меҳнат миқдори уни ишлаб чиқаришга кетган харажатлардан иборат бўлиб, бу курсаткич тирик ва жонсиз меҳнат плус авансланган капиталга фойдадан жамланади бунда қийматнинг ҳосил бўлиши ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига кучирилади, истеъмол қиймати эса алмашув қиймати билан кориштирилиб юборилади. Мальтус товарнинг қийматини ишлаб чиқариш харажатларидангина иборат деб курсатади ва харидор товар сотувчига иш ҳақидан ташқари фойдани ҳам тўлаши керак, деб уйлайди, фойда товарнинг қийматига номинал қўшимча деб хисобланади. Фойда меҳнатдан ажратиб қуйилади, яъни капиталистнинг фойдаси қўшимча эмас, балки товарни ўз қийматидан ортиққа сотиш туфайли пайда бўлади, ноэквивалент айрибошлашнинг мавжудлиги исботланади.

Шундай қилиб, аслида меркантилизм ғояларига қайтиш рўй беради, қийматнинг ҳосил бўлишида меҳнатнинг роли иккинчи даражали қилиб курсатилади.

Мальтус ғояларидаги бу илмий чалкашликларга қарамасдан, унда бир қанча ижобий фикрлар мавжуд. Хозирги даврда ривожланаётган мамлакатлардаги оғир аҳволни тушунтиришда бу олимнинг қарашларига асосланиш мумкин. Айниқса жанубий корея давлатининг ривожига характерлидир. Агар бу ерда 1950-60 йилларда аҳоли ўсиши йилига 3% ни ташқил этган пайтда, иқтисодий ривожланиш паст бўлган бўлса, 90- йилларда аҳолининг ўсиши 1%га тушган пайтга келиб, иқтисодий ўсиш кескин ошди. Марказий Осиё мамлакатларида ҳам аҳолининг ўсиши катта бўлиб, иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал этишда бу олимнинг баъзи ғояларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Хулоса

Майда ишлаб чиқарувчи назариётчилар капитализмни, тўғрироғи йирик ишлаб чиқариш томонидан ҳар томонлама кенг ўрганилиши иқтисодий билимлар тарихида бу мактабнинг муносиб урнини белгилаб берди. С.Сисмонди ва унинг ғоялари саноат инқилоби, капитализмнинг нихоятда тез суръатларда ривожланиш даврида биринчилардан бўлиб, шу жамият иқтисодий негизини ва ижтимоий тузумини таҳлил қилишда ўз аксини топди. Капитализмнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жихатлари ҳам очиб берилди

П.Ж. Прудоннинг майда ишлаб чиқариш ғоялари Францияда ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида кенг ёйилди. Прудон қарашларида ҳам иккиёкламалилик ва фикрлар коришмалигини учратишимиз мумкин. Шундай бўлса ҳам Прудонизм ғояларидан капитализмни ислох қилиш тўғрисидаги фикрлардан ҳозир ҳам социал ислохотчилик айрим кўринишлари кенг фойдаланмоқдалар.

XV111 аср охири -X1X аср ўрталарида классик иқтисодий мактабга муқобил иқтисодий ғоялар пайдо бўла бошлади ва

хозиргача давом этмоқда. Бундай бўлишнинг биринчи сабаби диалетик ривожланиш бўлса, иккинчидан классик мактаб ғоялари ҳам, яъни бозор иқтисодиёти тамойилларининг бекаму-куст эмаслигида, шарт-шароитга қараб у ёки бу тамойилнинг амалий таъсири ҳар хил бўлишидадир.

Айрим олимлар бўлаётган қийинчиликларга аҳолининг ўзи айбдор, чунки унинг кўпайиши тез, тирикчилик воситалари эса секин ўсиши табиий бир ҳол, дейдилар (мальтуснинг "Нуфус назарияси"). Бу фикр бошқа ғоя - "Тупрок унумдорлигининг пасайиб бориши" назариясига олиб келди. Ўз ғояларига тескари "Учинчи шахслар" назарияси вужудга келди, ишлаб чиқармайдиган синфлар рағнақ асоси қилиб курсатилади.

Таянч ибора ва тушунчалар

Майда ишлаб чиқариш ва унинг имкониятлари; ёлланма меҳнатнинг кенгайиши; Сисмонди услубиёти; Сисмонди миллий даромад ва капитал тўғрисида; "Учинчи шахслар" назарияси; прудоннинг капитализмни ислох қилиш концепцияси; қийматнинг абадий ғояси (талаб ва таклиф); белгиланган қиймат.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Майда иқтисодиёт назариётчиларига ҳос хусусиятлар нималардан иборат?
2. С.Сисмондининг методологиясига ҳос хусусиятлар нималардан иборат? Унинг фикрича бойликнинг манбаи нима?
3. С.Сисмонди капитализмни қандай тарзда танқид қилди?
4. Прудон ўз таълимотида қандай иқтисодий муаммоларга эътибор берган?
5. Ж.Б. Сэйнинг асосий иқтисодий ғоялари нимадан иборат? Қиймат тушунчаси нима билан алмаштирилади?
6. Т.р.Мальтуснинг иқтисодий таълимоти, унинг «Аҳоли нуфуси» назарияси моҳиятини тушунириб беринг.

Адабиёт

Асосий адабиёт

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.

2.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.

3.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт

1.Аникин А.В. Юность науки. М., Политиздат, 1985.

5- мавзу. Марксча иқтисодий ғояларнинг мохияти ва тарихий тақдири

Режа

1. Марксизм вужудга келишининг тарихий шарт шароитлари.

2. К.Маркс ва Ф.Энгельс иқтисодий ғояларининг мохияти.

3. В.Лениннинг социалистик жамият иқтисодиёти тўғрисидаги ғоялари.

4. Марксча иқтисодий ғояларнинг тарихий тақдири.

1.Марксизм вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари.

Англия, Франция, Германия каби Европа мамлакатларида Х1Х аср бошларидаёқ капиталистик муносабатлар етакчилик мавкеини эгаллай бошлади. Машина индустрияси туфайли саноатнинг иқтисодиётдаги урни бекиёс ошди. Бирок мазкур ўзгаришлар текис ва равон амалга оширилмаётганлиги ҳам ойдинлаша борди. 30-40 йилларда вуддистлар ва чартистлар

(Англия) харакати, 1831-1834 йй. Лион (Франция) ва 1844й. Силезия (Германия) даги тўқувчилар кўзголонлари бўлиб утди. Мехнаткаш халқнинг капитализмга нисбатан норозилиги ва нафрати кўпайиб борди. Иш вақтининг ўзунлиги, маошнинг камлиги, мулкый ва синфий табакалашувнинг кучайиши, ишсизлик, иқтисодий инкрозлар норозиликларнинг сабаблари эди.

Айни пайтда, мехнаткашларнинг кашшоқлашуви жараёнини кучайиши билан бир қаторда нисбий ортиқча ишлаб чиқариш мавжудлиги оддий холга айланиб қолди. Мавжуд зиддият ва иллатлар ечими А.Смит, Д.Рикардо, Сэй, Прудон кабиларнинг тадқиқотларида ўткинчи ва ножиддий холда замонга мослаштириш нуктаи назаридан талқин этилди. Хаёлий социалистлар (Сен-Симон, Шарль Фурье ва Р. Оуэн) фаолиятида эса, мавжуд тузум негизларини (хусусий мулкчилик, синфий табакалашув) ўзгартирмай жамиятни ислох қилиш йўли баён этилади.

Мавжуд тадқиқотлар ишчиларнинг капиталистик муносабатларга нафрати билан боғлиқ муаммолар ечимини топишда етарли бўлмай қолди. Бу эса капитализм тубдан ислох қилиш соҳасидаги янги тадқиқотларни юзага келтирди.

К.Маркс ва Ф.Энгельс асарларида бундай тадқиқот амалга оширилади. В.И.Ленин эса марксча ғояни капитализм ривожининг кейинги боскичига боғлаб ривожлантиради.

2.К.Маркс ва Ф.Энгельс иқтисодий ғояларининг мохияти.

К.Маркс(1818-1883) ва Ф.Энгельс (1820-1895) иқтисодий ғояларнинг манбаини "классик иқтисодий мактаб" вақиллари (А.Смит ва Д.Рикардо)нинг асарлари ташқил этади. Чунки классик мактаб вақилларининг тадқиқот предметини ҳам қийматининг ҳам қийматнинг мехнат назарияси, доимий ва ўзгарувчан капитал, фойда нормасининг пасайиши қонуни, мехнат унумдорлиги тўғрисидаги коидалар ташқил этади. "капитал" асари К.Маркс ва Ф.Энгельс ғояларининг батафсил мажмуи хисобланади. Асарнинг биринчи томи 1867 йилда нашр этилган. 11 ва 111 томлари эса (1885 ва 1894) кейин нашр этирилган.

Иккала олимнинг иқтисодий ғоялари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, "Анти-Дюринг" асарининг иқтисодий қисмида Энгельс капитализмнинг ашаддий душмани сифатида таҳлил этади. Уларнинг фикрича асосан ХУ1 асрдан мануфактура билан боғлиқ бошланган капитализм ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ва бошбошдоклик туфайли жамиятни инсонпарварлик ва демократиядан ўзоқлаштиради. Капитал категорияси ишчига золимлик ва ишчи кучига хукмронлик воситаси маъносида талкин қилинди.

Бу маънони куйидаги таккослашдан ҳам кўзатиш мумкин.

Классик мактаб вақиллари ва уларнинг тарафдорлари иқтисодий ғояларида (А.Смит)	Маркс ва Энгельс ғоялари
1.Капитализмни тартибга солиш мумкин ва у тараккий эта боради	1.Капитализм қобиғи жамиятдаги зиддиятлар ва иллатлар туфайли портлайди.
2.Инсоният овчилик ва баликчиликнинг илк ва содда жамиятидан олий жамият сари борадиган йўлни босиб утди	2.Инсоният тарихи синфларнинг тухтовсиз кўраши золим ва мазлум синфларнинг ангонистик рақобати хисобига ривожланади.
3.Капитализм узоқ вақт давомида шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлигини таъминлайди.	3.Синфий кўраш, антогонистик зиддиятлар иш хақи ва фойда ўртасида қарама-қаршилик капитализмни ўзгартиради ва яксон қилади.

4.Айрим шахслар ва жамият манфаатининг мос тушиши-"кўринмас қул" орқали тартибга солиб турилади.	4.Ишлаб чиқариш воситалари марказлашуви ва меҳнатнинг ижтимоийлашуви капитализмни инқилобий йўл билан бошқа жамиятга ўтишини такозо этилади.
5.Хусусий мулкчилик ҳимоя қилинади.	5.Умумхалқ мулки афзал деб ҳисобланади.

Капиталнинг органик тузилиши С (СКУ) ёки У(СКУ) шаклида ифодаланган. Бунда С-асосий (доимий) капитал, У-айланма (ўзгарувчан) капитални англатади. Маркс иқтисодий ғояларининг асосий қўшимча қиймат назарияси ташқил этади. Бунда S-қўшимча қиймат. Қўшимча қийматнинг пайдо бўлиши куйидагича асосланган. Капитализм ишчи кучи товар сифатида сотишга мажбур бўлади. Бозор ишчи кучи маълум баҳода сотилади ва сотиб олинади.

Маркс фикрича ёлланма ишчининг ишчи кучига белгиланадиган баҳо иш ҳақига тенг бўлади. Аслида, ишчи кучи бажарган меҳнат натижасида иш ҳақидан ортиқ қиймат яратилади. Ишчи кучи яратган қиймат билан ишчи кучи баҳоси орасидаги фарқ қўшимча қийматни, яъни ҳақ тўланмаган меҳнатни ҳосил қилади.

Фойда эса, ҳақ тўланмаган меҳнатнинг бир қисмидан иборат бўлади. Қўшимча қиймат иш соатларини чўзиш (абсолют) ёки зарурий иш вақтини ёки икки меҳнат унумдорлигини ошириш (нисбий ҳисодга) вужудга келиши ҳам баён этилган. Маркс ва энгельс ғояларида халқ оммасининг абсолют ва нисбий кашшоқлашуви масаласи, базис ва усткурма, такрор ишлаб чиқариш хусусиятлари ва бошқа иқтисодий тушунчалар кўриб чиқилган. Уларнинг ғоялари уша даврлардаёқ муҳолифлар томонидан (Ю.Вольф, В.Лексис, А.Аорисни) қаттиқ танқидга

учраган. Маркс ва энгельс ғояларининг ҳаётий эмаслиги ва тажовўзкорлиги тасдиқланганлигидан катъий назар, бир қанча олимлар (В.Хейлбронер, Л.Туроу, М.Блауг) томонидан ўрганиб ҳозирги даврда ҳам долзарблиги эътироф этилмоқда.

3.В.Лениннинг социалистик жамият иқтисодиёти тўғрисидаги ғоялари.

В.И.Ульянов (Ленин) (1870-1924) нинг иқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотларини икки қисмга: капитализм ва империализм иқтисодиётининг тақдири тўғрисидаги ҳамда социалистик иқтисодиётининг тақдири тўғрисидаги ғояларга ажратиб курсатиш мумкин. "Россияда капитализмнинг тараккиёти" (1899), "Империализм капитализмнинг юкори бокичи" (1916) асарларида бозор муносабатлари ва капитализмнинг ривожланиш хусусиятлари баён этилган. Империализмнинг иқтисодий белгиларига куйидагича таъриф берилган. 1. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрациялашуви, монополиялар вужудга келши. 2.Банк капитали ва саноат капитали кушилиб молия олигархияси пайдо бўлиши. 3.Четга товар эмас, капитал чиқаришнинг аҳамияти ортиши. 4.Халқаро монополистик иттифоқлар тузилиши. 5.Ер юзининг йирик капиталистик давлатлар томонидан бўлиб олиниши.

Империализмнинг уч хусусият (монополистик капитализм,текинхур ёки чириб бораётган капитализм ва улиб бораётган капитализм)га алоҳида ургу берилган. Умуман Ленин инсоният тараккиётида империализм ва капитализмни уткинчи иқтисодий тизим деб исботлашга ўринган. Лениннинг капитализмдан социализмга ўтишга оид иқтисодий ғоялари "Совет хоқимиятининг навбатдаги вазифалари"(1918), "Коммунизмда болаларча суллик касали"(1919) китобларида берилган. Иқтисодий вазифаларни хал этишда пролетариат диктатурасига таяниш кераклиги кайд этилган. Ўтиш даври учун кўп укладлилик хослиги (патриалхал хўжалик, майда товар ишлаб чиқариш,давлат капитализми ва социализм), улардан айримлари

майда товар ишлаб чиқариш капиталистик ва социалистик (кўпчилик капиталистик) мамлакатлар учун зарурий ҳисобланади.

Социалистик иқтисодиёт яратиш вазифаларига қуйидагилар киритилган: маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ўстидан умумхалқ ҳисоб-китоби ва назоратини ўрганиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, социализм манфаатлари учун чет эл капиталига йўл бериш ва улардан фойдаланиш, буржуазия мутахассисларини ишга жалб этиш, кредит-пул, молиявий, мукофот, меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш тамойилларини кенг қўллаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги товар алмашувини йўлга қўйиш.

Мулкни умумлаштиришда аввал энг муҳим соҳалар (молия, банк, оғир саноат, темир йўл транспорти, ташки савдо) қўлга олиниши, шароит етилиши борасидаги қолган тармоқларни эгаллаш зарурлиги уқтирилган.

Ленин "Озиқ-овқат солиғи тўғрисида (янги сиёсатнинг аҳамиятлари ва унинг шароитлари)" (1921) рисоласи ва бошқа кўпгина мақолаларда Россиядаги фуқаролар урушидан сўнг янги иқтисодиётга ўтишнинг моҳияти ва хусусиятларини ёритиб берди. Янги иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим томонлари, бу хўжалик ҳисобига ўтиш, товар-пул муносабатларини ривожлантириш, айрим корхона ва тармоқларда, савдода хусусий капитализмга йўл бериш, чет эл капиталига йўл бериш.

"Озиқ-овқат разверткаси"нинг ягона солиқ билан алмаштирилиши деҳқонлар психологиясига ижобий таъсир қўрсатди. Ленин ўз ғоясини жиддий ва узоқ муддатга мўлжаллаган сиёсат деб баҳолади.

Марксча иқтисодий ғоялардаги туб мезонлар тарих синовидида ўзини оқламади мавжуд социалистик иқтисодиёт (126 давлат) тажрибасида қўриш мумкин. Туб мезон дейилганда, албатта хусусий мулкчилик муносабатлари кўзда тутилади. Мазкур олимларнинг ғояларида барча зиддиятларнинг асоси, иллатнинг сабабчиси хусусий мулкчилик деб ҳисоблаб келинган. У инсоният тараккиётининг, жамият ривожининг бош

тугоноги сифатида тушунтирилган. Ривожланган мамлакатларнинг тараккиёти бу фикрнинг хатолигини курсатди. Капитализмнинг мукаррар халоқати тўғрисидаги башорат ҳам руёбга чикмади.

Шу сабабли собик СССР, социалистик деб аталган мамлакатлар иқтисодиётга инкирозга учради, бозор иқтисодиётига ўтиш заруратга айланди.

Капиталистик иқтисодий тизим ўз муаммоларини хал этишда мавжуд имкониятлардан кенгрок фойдаланиб олиш қобилиятига эгаллиги тарих тажрибасида аён бўлди. Албатта, эркин тадбиркорлик иқтисодиёти узоқ вақт давом этган ривожланиш жараёнини босиб утган. Бу жараёнда феодал муносабатларига қарши қонли кўраш, иш кучи меҳнатидан фойдаланишнинг оғир усуллари, ижтимоий-иқтисодий инкирозлар ва мустамлакачилик сиёсати каби воситалар ҳам ўрин олган. Катта тажрибага эга бўлган мулкдорлар илмий техника прогрессида унумли фойдаланди, ишлаб чиқаришни ўстирди; жамиятдаги барча табакаларнинг моддий турмуш даражасини оширишга эришди, ижтимоий масалаларга эътибор берди.

Социалистик иқтисодиёт деб аталувчи тизимда умумхалқ (90-95%) мулкни жорий қилишга қарамай, барча ишлаб чиқариш воситалари давлатга ихтиёрига ўтди. Бозор иқтисодиёти урнига марказлашган ва режалаштирилган маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёт вужудга келтирилди. Ижтимоий адолат ғояси ижтимоий теқиликни келтириб чиқарди. Моддий манфаатдорлик ва рағбатлантириш омилларига эътибор берилмади, чунки ҳар «Кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» шиори амалда ижро этилмади.

Шахснинг манфаатдорлиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий омили сояси қолиб кетди, яъни шахс манфаатдорлигини фаоллаштирувчи шароитларга етарлича имкон берилмади. Меҳнат шахс истикболидан ҳўзўр-халоват ва ижобий фаолият манбаи бўла олмади. Хусусий мулкчилик

йўқотилсада, ижтимоий мулкчилик шахсга илхомлаштирувчи куч бахш этмади.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда бунинг акси бўлди. Масалан, япониялик йирик тадбиркорлардан бири с.идемицу ўзининг "агар К.Маркс Японияда тугилганда" деган китобида: бундай холни кўрган маркс ҳақиқий тадбиркор бўлган бўлар эди. Чунки бу ерда синфий зиддиятлар урнини меҳнат ва капиталнинг уйғунлигидаги гуркираши эгаллаган" - деб айтган.

Оқибатда марксча иқтисодий ғоялар тарих синовидида ўзини химоя қила олмади.

Хулоса

XIX асрнинг ўрталарида марксизм иқтисодий таълимоти вужудга келди. Бу таълимот бўйича капитализмнинг ўз даври учун аввалги формацияларга нисбатан устунлиги ижобий томонлари курсатиб берилди. Қийматнинг меҳнат назарияси асосида ишчиларнинг ишлаб чиқариш воситасидан маҳрум қилиниши (ёки капиталистлар томонидан эгалланиши) натижасида капиталистлар қўшимча қиймат олиш йўли билан доимо бойиб боришар, ишчиларнинг "Эксплуатация қилиниши ва кашшоқлашиб бориши" қонуни очилди.

XIX асрнинг охири XX аср бошида капитализмнинг монополиялашган даврида Ленинизм таълимоти юзага келди, унда марксизм ғояси тулдирилди ва ривожлантирилди. Унга кўра, капитализмнинг емирилиши ва пролетар инқилоби нисбатан паст ривожланган, империализм занжирлари буш бўлган айрим мамлакатларда ҳам рўй бериши мумкинлиги курсатилди. Бу башорат XX аср бошида қисман Россия, Монголия, II жаҳон урушидан кейин бир қанча Европа, Осиё ва Америка мамлакатларида оқланди. 70 йилдан ортиқ давом этган "Социалистик жамият кўриш" тажрибаси эса ўзини тўла оқламади.

Таянч ибора ва тушунчалар

Маркснинг жамият ривожини муносабати; қўшимча қиймат назарияси;

Асосий ва айланма капитал; капиталнинг органик тузилиши; аҳоли-

нинг абсолют ва нисбий кашшоқлашуви; монополистик капитализм; "Харбий коммунизм"; янги иқтисодий сиёсат.

Назорат ва мулохаза саволлари

1.Марксизм вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари нималардан иборат?

2.К.Маркс ва Ф.Энгельс иқтисодий билимларнинг асосини нималар ташқил этади?

3.ишчилар синфининг абсолют ва нисбий кашшоқланиши деганда нима тушунилади?

4.В.Лениннинг капиталистик иқтисодиёт тўғрисида ғоялари қандай?

Адабиёт

Асосий адабиёт

1.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. , Ўзбекистон, 1998.

2.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.

3.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт

1.Блауг М. Экономические мысли в ретроспективе. М.дело лтд.1994.

6-мавзу. XIX аср охири - XX аср бошидаги жахон иқтисодий ғоялари мохияти (4 соат)

Режа

1. Муқобил иқтисодий мактабларнинг вужудга келиши.
2. Гарманиядаги янги тарихий мактаб. В.Зомбартнинг ғоявий эволюцияси.
3. Маржинализмнинг вужудга келиши. Австрия мактаби.
4. Кембридж мактаби. А.Маршалли ва унинг нарх, иш ҳақи ва фойда ҳақидаги назариялари.
5. Америка мактаби. Ж.Б.Кларк назарияси.
6. Иқтисодиётда эконометрик усулларни қулланилиши

I. Муқобил иқтисодий мактабларнинг вужудга келиши.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида иқтисодиётнинг тарихий ривожланиши (эволюцияси) капитализм иқтисодиёти асосларидарўй бераётган туб силжишларни акс эттирар эди. Бу ўзгаришлар асосан то монополистик (монополиялар вужудга келишдан аввалги) капитализмнинг усиб империализмга айланишибилан боғлиқ. Бу жарён капитализм зиддиятларининг, айнқса меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятларнинг чуқурлашуви билан айна бир вақтда рўй берди. Шунингдек бу давр фақат англия ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг интенсив ривожланиши билангина эмас, балки бу ривожланиш европанинг бошқа мамлакатларида ва АҚШда ҳам бўлганлиги билан характерланади. Монополизация жараёнлари иқтисодиётдаги туб ўзгаришларига сабаб бўлди.

Бир томонда марксча (юкорида барилган) иқтисодий қарашлар ягона янада ривожланган бўлса, бўлса, иккинчи томондан унга альтернатив (муқобил) ғоялар юзага келди.

Айнан мана шу даврларда XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб классик (мумтоз) қийматнинг меҳнат назариясида чинакам инқилобий ўзгаришлар юз берган эди.

Бу янги илмий таҳлилни майдонга ташлаган ва ривожлантирган шахслар Уильям Стенли Джевонс (1835-1882),

Альфред Маршалл (1842-1924), Карл Менгер (1840-1921), Фридрих Фон Визер (1851-1926), Евгений Фон Бем Баверк (1851-1914) эдилар.

Қиймат назариясини илмий тахлил қилишда яратилган энг юкори фойдалилик, яъни маржинализм таълимотининг кенг таркалиши ҳам мана шу олимлар номи билан боғлиқдир.

Бу борадаги ўзининг илк фикрларини (деярли бир вақтда, турли давлатларда)у джеводнс 1863 йилда нашр этилган «Сиёсий иқтисод назариялари» номли асарида баён этган эди, яъни «капитал» асарининг биринчи томи нашр қилинишидан 4 йил аввал, А.Маршалл, К.Менгер, Ж.Б.Кларк, Л.Вальраслар ўз қарашлари шаклланаётган илк даврда К.Маркс қарашлари билан хали таниш эмас эдилар. Сиёсий иқтисоддаги янги йўналишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, улар моддий неъматлар қийматини унга зарур бўлган ижтимоий меҳнат чиқимлари ва меҳнат миқдори билан белгиланмасдан, балки товарнинг фойдалилиги (нафлиги) ва ноёблилиги билан боғланади. «энг юкори фойдалилик» тушунчаси келтирилади.

Монополиялар даврига ўтилганлиги, капиталистик мамлакатларнинг ижтимоий турмушида шу билан алоқадор янги ходисалар рўй берганлиги буржуа мавқўрасига катта таъсир утказади. Иқтисодчилар сиёсий иқтисодни «соф» фанга айлантиришга интилдилар. «Экономика», «Сиёсий иқтисод» ибораси урнига «Экономикс» деган янги ибора вужудга келди, бу нарсa ундан ижтимоий, синфий муаммоларни истисно этишни таъкидлар эди.

Шу асосда капитализмни илмий тахлил қилишнинг янги шакллари зўр бериб ишлаб чиқишга киришилди, бу янги шакллар аввало монополияни химоя қилиш ва оқлаши зарур эди. Бу тахлиллар янги марксизм иқтисодий таълимотига ҳам қарши қаратилган эди. Сиёсий, иқтисодий, методологик ва назарий воситаларнинг янгиланиши XIX асрнинг 70-йилларида барпо этилган бир қанча мактаблар доирасида амалга оширилди.

Германияда тарихий, янги тарихий мактаб, Австрия, Англия-Америка мактаби ва бошқа мактаблар шулар жумласига киради.

2.Германиядаги тарихий, янги тарихий мактаб.

В.Зомбартнинг ғоявий эволюцияси.

Юкорида келтирилган билимлари эътибор қилинса, Германияда классик мактаб юзага келмади, тарихий мактаб яратилда ва унда иқтисодиёт назариялари халқ хўжалиги тарихи билан шугулланиши зарурлиги кайд этилади. Бунда асосий эътибор миллат рухига боғланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Германиядаги немис иқтисодчилари аввалги даврдаги иқтисодий адабиётда вужудга келган реакцион, миллатчилик анъаналарини давом эттириб, уни янада кучайтирдилар, пруссия харбийларининг тажовўзкорлик муддаоларини қўллаб-қувватладилар ва кукларга кутариб мақтадилар. Сиёсий иқтисоднинг ривожланиши Германия ижтимоий-иқтисодий тараккиётининг ўзига хослигини акс эттирар эди, монополистик капиталнинг тез ўсиши, Германия империализмининг тажовузорлиги, феодал саркитларининг узоқ вақтдан бери сақланиб келаётганлиги мана шу ўзига хосликни белгилаб берган эди.

Оқибатда ижтимоий зиддиятлар, немис пролетариатининг синфий кўраши кескинлашди.

Шу даврда Германия иқтисодий билимларида янги тарихий мактаб етакчи ўринни эгаллар эди. Берлин дорилфунунининг профессори Густав Шмоллер (1838-1917) шу мактабнинг асосчисидир. Бу профессор очикдан-очик иқтисодчиларнинг консерватив қанотига бошчилик қилар эди. «Халқ хўжалиги тўғрисидаги умумий таълимот асослари» китоби (1900-1904) унинг сиёсий иқтисодга оид асосий асаридир. Г.Шмоллер, ўзидан аввалги б.рошер билан б.гильдебранднинг эски тарихий мактаб асосий коидалари ва усулларини мерос қилиб олган эди. У йирик буржуазия, заминдорлар, «ер эгалари», амалдорлар манфаатларининг ифодачиси, пруссия монархияси тарафдори эдилар. Шмоллер Маркча қарашларга жон-жаҳди билан кўрашар,

ижтимоий, синфий муаммоларни сиёсий иқтисоддан олиб ташлашга, уни халқ хўжалиги тарихи фанига айлантиришга ўринар эди. У иқтисодий таълимотнинг аҳамиятини писанд қилмай, сиёсий иқтисоднинг назарий руhini инкор этиб, фактларни ва статистика материалларини ўрганиш, халқ хўжалигидаги ходисаларни баён этиб беришни сиёсий иқтисоднинг бошвазифаси деб ҳисоблар эди.

Г.Шмоллер илмий тарихийликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тарихий усулга таянар эди. У марксизмнинг иқтисодий-ижтимоий формациялар тўғрисидаги таълимотига кескин хужум қилади, жамият тараккиётидаги сифат силжишларини катъиян рад этди.

Г.Шмоллер сиёсий иқтисод халқ хўжалигидаги жараёнларни ва иқтисодий категорияларни ўзича талкин қилиш ғоясини илгари сурди. У иқтисодиётда одоб-ҳуқуқ омилини белгиловчи омил деб ҳисоблар, чунки ҳар бир халқнинг ҳаётий тарзи одоб коидаларида, хўжалик ҳуқуқида асосий ифодасини топади, деб таъкидлар эди. Бу коида янги иқтисодий мактаб намоёндаларининг асарларида ҳукмрон ғоя эди.

Янги тарихий мактаб иқтисодчилари хўжалик турмушида буржуа-помешчик давлати ҳал қилувчи ролни уйнайди, деб билар эдилар. Улар Германия империясини тинимсиз макташар, кучли миллий давлат барпо этилсин, деб даъват қилишар, унинг агрессив давлат бўлиши кераклигини оқлашар эдилар. Шмоллернинг фикрича, Пруссия (гармон) давлати жамият-тараккиётнинг асосий кучи, «Олий немис ирки рухий одоб-ахлоқларининг» барқарорлигини таъминлайдиган «Энг салмоқли мулкӣ капитал» дир. Фақат кучли миллий давлатгина иқтисодий равакини, немис буржуазиясининг ҳукмронлигини таъминлаши, синфий зиддиятларни тугатиши мумкин, деб ҳисоблар эди у.

Г.Шмоллер иқтисодиётда ахлоқ ва ҳуқуқ омиллари белгиловчи ролни уйнайди, деб ҳисоблайди, ишлаб чиқаришни писанд қилмасдан, унинг табиӣ ва ижтимоӣ жихатларини кориштириб ташлар эди.

Ғайри илмий айирбошлаш концепциясининг вақили бўлмиш Л.Брентано реализация ва айирбошлаш шароитларининг ўзгариши хўжалик турмушида, ишлаб чиқариш шаклларида белгиловчи аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблайди. Л.Брентано либерал (эркин) буржуазиянинг манфаатларини ифодалаб, немис ишчилари синфини унга буйсундиришга интилар, ишчилар синфининг революцион чиқишларини пасайтиришга ўринар эди. У «Ижтимоий инноклик» ғоясини тарғиб қилар, инглиз тред-юнионларининг тажрибасини ташвиқ этар эди. Брентано ўртага ташлаган ислохотлар программаси (дастури) касаба союзлари, фабрика қонунлари орқали корхона эгалари томонидан ишчиларга қисман ён беришни кўзда тутар эди. Шу мақсадда у матбуот кооперациясида, уй-жой қурилиши ва бошқалардан ҳам фойдаланишни тавсия этар эди (бу фикрлар институтционализмга хос бўлиб, куйида тўлароқ қараб чиқилади).

Г.Шмоллернинг шоғирди Вернер Зомбарт (1863-1941) Германиядаги янги тарихий мактабга яқин эди. Братислав, сунгра эса берлин дорилфунунларининг профессори Зомбарт К.Маркснинг иқтисодий таълимотига қарши кўрашнинг нозик усуллари немис буржуазиясига хизмат қилдирди, марксизмга тилёғламалик билан хушомад қилиш орқали уни бўзиб курсатади, унинг революцион мазмунини сиқиб чиқаришга ўринди. К.Маркснинг олимлигини унинг революционлигидан ажратишга ўриниб, Марксизм асосчиси таълимотидаги мана шу икки негиз тўғрисидаги мана шу революционлик гуё «Мутафаккирнинг уткир зехни» ни хиралаштириб куйганлиги ҳақидаги даъво кутариб чиқди. Чунончи қийматнинг меҳнат назарияси «ишнинг ғояси» деб эълон қилиниб, «Фикран мантикий бир иш» дан иборат этилиб курсатилади. Қўшимча қийматни Зомбарт таҳлил учун ярокли бўлган назарий тимсол, мавҳумлик дебгина ҳисоблаш ишчиларни эксплуатация қилишнинг манбаи эканини инкор қилди. У ишлаб чиқаришнинг уч омили (капитал, меҳнат, ер) хусусидаги назариянинг тарафдори эди. Зомбартнинг асарларида антогонистик зиддиятлар, иқтисодий инкирозларнинг

мукаррарлиги инкор этилади, капитализм тартибга солинган, режали ривожланиб борадиган хўжалик тарзида тасвирланади (бу фикрлар тарих синовдан утди).

Маркча капитализмнинг муқарар улими башоратига қарама-қарши, унинг ривожи ва равнаки йўллари исботлаб берилган.

3.Маржинализмнинг вужудга келиши. Австрия мактаби.

XIX асрнинг 70-йилларида ғарб сиёсий иқтисодининг нуфузли мактабларидан бири австрия мактаби (австралиялик омиллар номидан) вужудга келди. Австрия мактабини субъектив-психологик мактаб ҳам деб атайдилар, унинг мафкурачилари қўллаган усул муносабати билан унга мана шундай ном берилган. 70-йилларда Австрия мактабининг асосчиси карл менгер (1840-1921) бу ғояни ривожлантириб, уни субъектив-психологик мактабнинг асосий назариясига айлантирди. Евгений Бём-Баверк (1851-1914), Фридрих Фон Визер (1852-1926) ва бошқалар ҳам шу назарияни ишлаб чиқдилар. Австрия мактабининг концепциялари менгернинг «Сиёсий иқтисод асослари» (1871), Визернинг «Хўжалик бойлигининг келиб чиқиши ва асосий қонунлари тўғрисида» (1884), Бём-Баверкнинг «Капитал ва фойда» (1884-1889), «Хўжалик неъматлари назариясининг асослари» (1886), «К.Маркс назарияси ва унинг танкиди»(1896) ва бошқа асарларида баён этилган, австрия мактабининг таълимоти Англия, Германия, АҚШ, Россияда ва бошқа мамлакатларда ҳам ёйилди. Бу таълимот ғарб сиёсий иқтисодининг шундан кейинги ривожига катта таъсир утказди. Уларнинг концепциясига кўра сиёсий иқтисод хўжалик субъекти тажрибасининг бутун хилма-хиллиги билан уни идорк этишни ўрганиши лозим эди.

Бём-Баверкнинг фикрича, сиёсий иқтисод субъект хисларида иқтисодий ходисаларни изохлайдиган илдизларни излаши керак. Алохида хўжалик тадқиқот объекти қилиб олинди ва шу хўжалик жамиятнинг энг оддий типик элементи деб талкин қилинарди. Жамиятдан мутлако ажралган шахс-робинзон хўжалиги мана шундай хўжаликнинг олий мақсади деб аталади. Австрия мактаби капиталистик хўжаликни мана шундай энг оддий элементларнинг

механик йигиндиси деб талкин этилади. Умуман иқтисодий қонунларини ўрганиш учун алоҳида олинган бир хўжалик мисолида шу қонунларни кўриб чиқиш етарли деб ҳисобланади, яъни жамият алоҳида олинган робинзонлар хўжалиги йигиндисидир, деген хулоса чиқарилади.

Тадқиқотнинг бу усули РОБИНЗОНАД усули деб ном олди. Шу усул ёрдамида сиёсий иқтисоддан ижтимоий, ишлаб чиқариш муносабатлари чиқариб ташланади, иқтисодий категорияларнинг ижтимоий-синфий мазмуни кучайтирилади, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг роли сохталаштирилади.

Биз юкорида меркантилизм (бойлик асоси муомала соҳасида), Физиократизм (ер), иқтисодий билимларини курдик.

Автрия мактабининг назариётчилари эса юкоридагилардан фарқли

Капитализмни фақат бозор муносабатлари билангина боғланган якка хўжаликларнинг механик йигидиси деб тасвирлаб, меҳнатнинг қийматни белгилашдаги ролини инкор этдилар.

Кадрият назарияси австрия мактабининг концепцияларида марказий ўринни олди, бу назария «энг юкори фойдалилик» номини олди.

Сиёсий иқтисодда қабул қилинган «товар» ва «қиймат» категориялари ижтимоий мазмундан маҳрум бўлган «неъмат» ва «кадрият» категориялари (фойдалилик) наф тушунчалари билан алмаштирилди. Бунда товарнинг кадр киммати шу маҳсулотнинг фойдалилиги ва ноёблиги билан улчанади.

К.Менгер, Е.Бём-Баверк ва бошқалар қиймат-ижтимоий зарур меҳнатнинг ифодаси, меҳнат эса унинг бирдан-бир манба эканлиги тўғрисидаги коидани нотўғри деб эълон қилдилар.

Улар қиймат категориясини субъектив мазмун (киммат) билан тулдирдилар. Унинг устун омили сифатида истеъмол қиймат ёки моддий неъматларнинг фойдалилиги (нафи) қабул этилди. Бём-Баверкнинг фикрича, австрия мактаби истеъмол қийматига мурожаат этиш орқали кадرياتни «лозим бўлган дарахтдан, илдизнинг ўзидан» таҳлил эта бошлади.

Шундай қилиб Австрия мактабининг иқтисодчилари авалги даврдаги илмий назариянинг қиймат-товарларнинг объектив хусусияти бўлиб, мана шу хусусият бу товарларнинг ички мазмунини белгилайди, деган туб коидани рад этиш орқали қиймат хосил бўлиши жараёнини қайта кўриб чиқилади. Янги йўналиш ҳозирги замон иқтисодий билимлари асосидир.

Улар бунини баҳо берувчилик мулохазаларига ва индивидларнинг психологиясига боғлиқ бўлган субъектив категорияга айлантириб куйдилар. Бу эса навбатдаги янги назария бўлиб, бу назария қийматни у хосил бўладиган шароит ва манбадан ишлаб чиқариш ва меҳнат соҳасидан бутунлай ажратиб қуяди. Бём-баверкнинг ҳамма мулохазалари жараёни оидинлаштирадиган, ушбу категорияда ифодаланадиган ишлаб чиқариш муносабатларини кенгайтирадиган фикрлар асосига қурилган. «энг юкори фойдалилик», «ноёблик» назариялари австрия мактаби ва бошқа янги концепциялар учун асос бўлди, бём-баверкнинг таъбирича, кадрият тўғрисидаги таълимот даромадни таксимлаш, шу жумладан, ер рентаси, иш ҳақи, капиталдан олинадиган фойда тўғрисидаги бутун ўз доктринасининг марказий бандидир.

4.Кембридж мактаби. А.Маршалл ва унинг нарх, иш ҳақи ҳақидаги назариялари.

Томонополистик (монополиялар вужудга келишидан аввалги) капитализмдан империализмга ўтиш даврида англияда кембридж дорилфунунида вужудга келган иқтисодчилар мактаби вужудга келди.

Мактабнинг номи ҳам шу дорилфунуннинг номидан олинган. Унга нуфузли иқтисодчи, киролик иқтисодий жамиятининг асосчиси Альфред Маршалл (1842-1924) бошчилик қилди. Унинг асосий асари «Сиёсий иқтисод принциплари» (1890) деб аталади (рус тилига ҳам таржима қилинган уч жилдлик асар).

Методология ва иқтисодий назария соҳасида Маршалл типик эклектик, қоришма назариясининг вақилидир. У иқтисодий

жараёнларга субъектив қарашларга асосланган функционал тадқиқот усулларни қўллайди.

Нарх назарияси Маршаллнинг назарий мулохазалари марказида туради. У қиймат ва нарх категорияларини айнан бир нарса деб курсатиб, аслида, қийматни четлаштириб қуйди ва нархни бозор иқтисодиётининг энг мухим элементи, деб хисоблайди. Олим аввалги тадқиқотларда қийматнинг истеъмол ва алмашув (иккита) шакллари алохида-алохида қаралган эди, маршалда эса бу фарқ йўқ. Объектив қиймат категориясидан фойдаланади. Бу нарса унинг назариясида мувозанат нархи ролини бажаради. Маршаллнинг назарияси синтетик назария номини олди, чунки муаллиф бу назарияда ўзидан аввалги мавжуд нарх назариялари «энг юкори фойдалилик (наф)», "Ишлаб чиқариш чикимлари", "Талаб ва таклиф" назарияларни бирлаштириб, уларнинг ҳаммасини тўғри деб курсатди. Нарх назарияси билан бир қаторда Маршалл фойда ва иш ҳақи назарияларини илгари сурди.

А.Маршаллнинг ва унинг мактабдошлари ўз услублари (методология) да умуман, австрия мактабини қўллаб-қувватлайдилар, лекин унга айрим жиддий ўзгаришларни ҳам киритишни лозим топдилар. Жумладан, фақат функционал тадқиқот усулинигина тан олиш билан бирга, бозор муносабатларининг уч асосий заруриятларини: нарх, талаб, таклифни ўзаро боғлиқликда кўриб чиқадиладар.

Уларнинг фикрича, аввало ишлаб чиқариш истеъмол ҳаракатини аниқлайди, кейинчалик у энг юкори фойдалилик ва талаб доираси кўринишига киради. Кембридж мактаби тадқиқотларига икки томонлама қараш лозим. Агар биз унга бозор иқтисодиётида баҳолашни ички механизмини тушунтириш учун ўриниш сифатида қарасак, ҳақиқатни бироз сийкалаштирилаётганини кўришимиз мумкин. Лекин бу изланишларга бошқача нуктаи-назардан қарашимиз ҳам мумкиндир, бунда биз эътиборни товар-бозорлардаги аниқ муаммоларни хал этишга қаратилганлигига ва натижада амалий

аҳамиятга эга бўлган илмий хулосалар вужудга келганлигининг гувоҳи бўламиз.

Маршалл тадқиқотларида талаб ва таклиф ўртасидаги муносабат (биринчилик) қаралади, кайчида юкори ва пастки кескичлар қандай ролни уйнаса (баровар), бу ерда ҳам ахвол шундай, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

А.Маршалл ғоялари бозор муносабатларини ўрганишни мақсад қилган назарий мактабларга кенг йўл очиб берди ва катта аҳамиятга эга бўлди. Кембридж мактабининг ғоялари XX асрнинг 30-йилларигача гарб иқтисодиёт фанида асосий мавкеини эгаллаб турди.

5. Америка мактаби. Ж.Б.Кларк назарияси.

Шу даврдаги АҚШ даги билимлар тўғрисида фикр юритмади, чунки бундай ғоялар фақат XIX аср охирида вужудга келди.

XIX асрнинг охирлари (сунгги 35 йили) да АҚШ монополистик ривожланиш боскичига кирди. Монополистик бирлашмалар сони тез кўпайиб борди, (масалан, 1% монополиялар қулида 60 % бойлик тупланди).

Иқтисодиётда уларнинг танхо хукмронлиги кучайиб борди. Қолумбия дорилфунунининг профессори жон бейтс кларк (1847-1938) бошчилигидаги етакчи иқтисодчилар гуруҳи сиёсий иқтисодда етакчилик мавкеини эгаллади, мана шу гуруҳ сиёсий иқтисоднинг Америка мактабини вужудга келтирди. Шу даврдан АҚШ иқтисодчиларининг тадқиқотлари жахон бўйича етакчидир (Нобель мукофотлари совриндорига эътибор беринг). Ж.Б.Кларкнинг «Бойлик фалсафаси» (1886), «Бойликнинг таксимланиши» (1889), «Иқтисодий назариянинг муҳим белгилари» (1907) асарлари ўзига хос янги концепцияларни ишлаб чиқишда катта роль уйнайди. Американинг монополистик буржуазияси шу концепцияларни ўзига қурол қилиб олди. Ж.Б.Кларк Америка иқтисодий уюшмасини тузиш (1885) илхомчилардан бири бўлди. У меҳнаткашларнинг қисувига зарба бериш мақсадида капиталнинг эксплуататорлик моҳиятини никоблашни шу уюшманинг вазифаси деб билди.

Бу ерда гап социалистик қарашларга қарши, бозор муносабатларга устунлигини курсатиш масалари етакчидир.

Кларк иқтисодиётда маънавий омилларни хал қилувчи омиллар деб ҳисоблаб, австрия мактабининг асосий методологик усулларига кушилади. У ишлаб чиқариш муносабатларини инкор этди, унинг концепцияси нотарихий характерда бўлиб ўзининг коришмалиги (эклектизми) билан ажралиб турар эди. Кларк таксимотни сиёсий иқтисоднинг асосий максади деб билди. У «Бойликнинг таксимланиши» асарида ижтимоий даромаднинг таксимланиши можароларсиз амал қиладиган ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир омилига ўзи яратган бойлик йигиндиси берадиган табиий қонун воситаси билан бошқарилади, деб исботлашга ўринди.

Ж.Кларк аввалги иқтисодий билимларни методологик ва назарий жихатдан янгилашга интилиб, уни табиий равишда тенглаштирди. Назарий механикага ухшатиб сиёсий иқтисодни уч бўлимга:

- 1) универсал иқтисодиётга,
- 2) иқтисодий статикага ва
- 3) иқтисодий динамикага бўлди.

Биринчисига умумий универсал қонунлар, иккинчисига шу қонунларнинг статик (ҳаракатсиз) иқтисодиёт шароитидаги, учинчисига ривожланиш ҳолатидаги қонунлар амал қилишини курсатади.

Сиёсий иқтисодни бундай бўлимларга бўлиш, иқтисодий фан вазифаларига янгилик киритишдир. Бу нарсa сиёсий иқтисодни ижтимоий синфий муаммолардан холи қилди (кейинчалик қараб чиқиладиган ижтимоий-институционал йўналишга эътибор беринг).

Кларк жамият тараккиётида сифат силжишлари, инқилобий сакрашлар бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди. У мутадиллик-собитликни жамиятнинг асосий ҳолати деб ҳисоблайди ва мувозанат назариясининг нусхаларидан бирини ривожлантиради. Иқтисодий динамикага қилинган мурожаат қилиниши муҳим

янгилик бўлди, чунки у иқтисодиётнинг ишлаб чиқаришдаги ҳолатини жўзъий ходиса деб ҳисоблайди.

Ж.Б.Кларк бошчилигидаги Америка мактаби намоёндалари йўл куйган камчиликлардан катъий назар бу иқтисодчилар эришган илмий натижалар катта аҳамиятга эгадир.

Австрия ва кембридж мактаби иқтисодчилари товарлар бозори ва айрим корхоналар тажрибасида қулланилган илмий таҳлилни Ж.Б.Кларк ўзгача, яъни макроиқтисодиётни ўрганишга олиб киришга ҳаракат қилди. Ижтимоий меҳнат, ижтимоий капитал ва бефарқлик зоналари тушунчалари юзага келди, шунингдек, «Энг юкори унумдорлик» назариясида қулланилган илмий таҳлил ва тушунчаларни ҳозирги давр иқтисодий назарияларида учратишимиш мумкин, бу эса Америка мактабининг юксак илмий аҳамиятини белгилайди.

6.Иқтисодиётда эконометрик усулларни қулланилиши

XVIII асрга келиб, товар-пул муносабатларининг ривожланишида иқтисодий курсаткичларнинг микдорий ўзгаришда ўзаро боғлиқликда қонуниятлар асосида рўй бериши тулик ва аниқ аён бўлди.

Бу қонуниятларни математик изохлашдаги дастлабки мукамал тадқиқотлар Франциялик олим антуан огюстен курпо (1801-1877) нинг "Бойлик нахзарияси математик принципларининг тадқиқоти" (1838) асарида баён этилди. Курпо бозордаги харидор ва сотувчининг турлича имкониятлари асосида товар баҳосининг истеъмолчи-харидор талабига боғлиқлик масаласини таҳлил этди.

Маълумки, бозор муносабатлари амалиётида товар баҳоси ҳамда талаб орасидаги боғлиқлик куйидагича намоён бўлади. Яъни, товар баҳосининг ошуви истеъмолчи талабининг камайишига олиб келади. Аксинча, баҳо пасайса, талаб ортади.

Курпо бу боғлиқликни "Талаб қонуни" деб ҳисоблайди ва уни талаб функцияси кўринишида куйидагича ифодалайди:

$$D \propto f(p)$$

Бунда, D - истеъмолчи талаби,
 p -товар баҳоси

Товар сотувидан тушган пул тушуми (R) функцияси эса куйидаги кўпайтмадан иборат бўлади:

$$R_{кр} \times D_{кр} \times F(p)$$

Бу функция ўзлуксиз бўлиб, бахонинг хар бир чексиз ўзгаришига, талабнинг чексиз ўзгариши мос ишлаши акс эттиради. Талаб функцияси дифференцияланади. Дифференциялнинг максимум қиймати юкори даромад олишга қаратилади.

Курпо иқтисодиётга биринчи марта эластиклик тушунчасини тадбиқ этди.

Талаб функциясининг бахога нисбатан эластиклиги товар бахосининг бир фоизга ўзгарганда талаб миқдорининг қанчага ўзгаришини англатади. Курпо талабнинг бахога нисбатан ва паст эластиклик мавжудлиги билан изохлайди.

1. Бахонинг нисбати катта бўлмаган ўзгаришига талабнинг шакли ўзгариши рўй беради, талабнинг юкори эластиклик холати хисобланади.

2. Бахоларнинг сезиларли ўзгаришидан катъий назар талабнинг ўзгариши секин бўлса, паст эластиклик холати дейилади.

Масалан, тор доирадаги мухлислар учун, скрипка ёки астрономик телескоп нархининг икки баровар ўзгариши, уларга бўлган талаба жиддий ўзгаришга олиб келмайди.

Шунингдек, нарх кескин ўзгаришидан катъий назар, транспорт воситалари, озиқ-овқат махсулотларига талаб деярли кам ўзгаради.

Курпо ўз тадқиқотларида, табиий монополия, яъни ноёб маъданли сув чиқарадиган буюк эгасининг, юкори даромад олиш учун қандай бахо куйиш масаласини тахлил этади. Бунда янги омиллар-ишлаб чиқариш чикимлари, рақобат кабилар ҳам хисобга олинади.

Шунингдек, курпо, 2та рақобатли монополия-дуополия, чекли ва кўп рақобатчилар холатларини ҳам тахлил қилган.

Тахлил математик аниклик ва кучли мантикийлик асосида амалга оширилган.

Курпо тадқиқотларининг энг мухим жихатларидан бири, ишлаб чиқариш соҳасидаги қийматнинг меҳнат назарияси эмас, муомала соҳасидаги баҳолар таҳлил этилган.

Иоган Генрих Фон Тюнен (1783-1850)-шимолий Германиялик Юнкер (помещик) қишлоқ хўжалиги билан бевосита шугулланган. Курпо ғояларини амалий материал билан тулдирган. Иқтисодий модел яратган. Моделга кўра, хўжалик доира шаклидан иборат бўлган. Марказда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчиси-шаҳар, атрофда эса, бир хил тупрок унимдорлигида бўлган ёпик ҳудуд тушунтирилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари самарадорлиги пасайиб борувчи концентрик доираларга жойлаштирилган.

Белгиланган баҳо билан ишлаб чиқариш ва транспорт харажатлари орасидаги фарқ асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг норентабеллиги ҳисобланган.

Тюненнинг фикрича, иқтисоджий жараён кетма-кет кичик ортирмалар йўли билан ривожланади. Ривожланишнинг маълум ҳолатига келиб кескин сифат ўзгариши рўй беради. Бу усул ишлаб чиқариш оптимал таркибининг яъни, меҳнат ва капиталининг ўзаро тулдириш жараёнининг шаклланишига имкон беради.

Тюнен қўллаган усул кейинчалик иқтисодиётда кичик ортирмалар ва чекланган шароитлар услуби маржинализм номини олди.

Тюнен давлатнинг қишлоқ хўжалиги ва миллий иқтисодиётга муносабати ёритилган ягона асар ёзган. У Смитнинг даромад таксимооти ғоясини ҳамда Рикардодан беҳабар ҳолда дифференцион рента ғоясини қийматнинг меҳнат назарияси асосида ривожлантирди.

Умуман олганда 19-аср келиб, иқтисодиётга математиқанинг тарғиби мустаҳкам асосга эга бўлди.

Натижада, кейинги тадқиқотларнинг илмий негизда бўлишига катта ҳисса қўшилди. Иқтисодий жараёнлар таҳлилига синфий-сиёсий тус берилишидан четлашилди.

19-аср охири 20-аср бошларида Лозанна мактаби (Л.Вальрас, В. Порето, К.Виксель ва бошқалар) вужудга келди, улар томонидан математикани иқтисодиётга қўллаш юксак даражаги кутарилди. Хозирги даврда бу усул эконометрика сифатида алоҳида ривожланган.

Хулоса.

XIX асрнинг 70-йилларида иқтисодий билимлар тарихи фанида бир нечта назарий мактаблар вужудга келдики, улар ўз мақсад вазибалари ва услубиятлари билан ўзаро фарқ қилар эдилар. Уларнинг айримлари Маркс ва Энгельс асарлари билан яқиндан таниш бўлиб, уларнитанкид қилган бўлсалар, айримлари тамомила янги йўналишни таклиф этдилар. Биз юкорида янги тарихий мактабнинг уч авлоди билан яқиндан танишиб чикдик, унинг дастлабки вақиллари тадқиқот мавзусини фақат белгилаган бўлсалар, иккинчи авлод вақиллари бой манбаларни тупладилар. Лекин ундан тулик фойдаланиб, мавзунини ёритиб бера олмадилар. Фақат учинчи авлод вақилларигина жами манбаларни умумлаштириш имкониятига эга бўлдилар. Бундай ижодий ёндошув иқтисодий билимлар тарихида тарихий усулнинг ўз урнини белгилаб берди.

XIX асрнинг 70-йилларида австрия мактабининг шаклланиши иқтисодиёт фанида катта воқеа бўлди. Унинг назарийетчилари фанда «маржинализм» деб ном олган иқтисодий назарияни илмий асослаб бердилар. Бу назария коидалари классик иқтисодий мактабдан шу даражада фарқ қиладики, у айрим холларда фандаги тунтариш деб бахоланади ва хозирги замон иқтисодий билимларининг асосини ташқил этади.

Таянч ибора ва тушунчалар.

Маржинализм, брентанонинг "Синфий инноклик" назарияси, зомбартнинг «Социал плюрализм» концепцияси; Бём-Баверк; "РОБИНЗОНАД" усули; кадрийат, таксимлаш ва энг юкори фойдалилик назариялари; Кларкнинг «Энг юкори меҳнат унумдорлиги» назарияси. Л.Вальрас; «Ноёблик», энг юкори фойдалилик».

Назорат ва мулохаза саволлари.

1. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида вужудга келган иқтисодий билимларга хос хусусиятлар нимадан иборат?
2. XIX асрнинг 70- йилларида шаклланган қайси назарий мактабларни биласиз?
3. Г.Шмоллер ва Л.Брентанонинг иқтисодий мавзудаги асосий асарлари ва услубияти ҳақида гапириб беринг.
4. Маржинализмнинг иқтисодий билимлар тарихида тутган урни ҳақида айтиб беринг?
5. Кембридж мактабининг услубиятига хос хусусиятлари нимадан иборат.
6. А.Маршаллнинг асосий асари ва унда кутарилган бош мавзу нималардан иборат?
7. Кларкнинг иқтисодий назариясига таъриф беринг.

Адабиёт

Асосий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари т., Ўзбекистон, 1998 .
2. Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.
3. Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт.

1. История экономических учений. Часть 1. Учебник. Под. Ред. а.Г.Худокормова. М.М. Гу, 1994.

7- Мавзу. Совет даври иқтисодий билимлари шаклланишининг дастлабки боскичлари (4 соат)

Режа

1. Социализм курилиши иқтисодий назарияларининг яратилиши.

2. Совет даври иқтисодий билимларини ўрганишдаги дастлабки кадамлар ва уларнинг хусусиятлари.

3. Альтернатив иқтисодий билимларнинг вужудга келиши, а.в.чаянов ва унинг айрим иқтисодий билимлари.

1. Социализм курилиши иқтисодий назарияларининг яратилиши.

Мазкур фан тизимида капитализм даврининг иқтисодий билимлари билан бир қатор социалистик деб аталган жамият иқтисодий назариялари ҳам муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ўз навбатида, социализм иқтисодий билимларининг ривожланиши жараёнида марксча-ленинча иқтисодий қарашлар тарихи асосий ўринни тутди.

Тарихда 1917 йилги октябрь тунтарилишидан сунг илк бор вужудга келган совет иқтисодий билимларининг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эгадир. Яъни бу давр иқтисодий билимлар тарихи марксча-Ленинча иқтисодий қарашлар босқичи сифатида белгиланади. Совет даври иқтисодий билимларнинг ривожланишидаги асосий босқичларни курсатиб бериш билан бирга, иқтисодий билимлар тарихи фани уларни, марксча-ленинча методологияга асосланган ҳолда ўрганади. Шу билан бирга, аввалги йиллар марксизмига зид бўлган номарксистик назарияларнинг барчаси буржуазия назариялари деб таъкидланади ва буржуа назарияларини танқид қилиш мақсадида алоҳида бўлим сифатида фан таркибига киритилган.

Совет хоқимиятининг биринчи йилларида В.И.Ленин социализм иқтисоди ривожланишининг амалий принцип ва методларини яратиш ўстида иш олиб борди. У капитализмдан социализмга ўтишнинг, социалистик иқтисод асосларини яратиш асосларини ишлаб чиқди.

Дастлабки йиллардаги тарихий тажрибани умумлаштириб, В.И.Ленин ўз асарларида капитализмдан социализмга ўтиш

даврининг зарурлигини алохида таъкидлаб утади. Жамиятнинг шу даврга хос бўлган иқтисодий ва синфий тузилиши таҳлил этган. "Пролетариат диктатураси даврида экономика ва сиёсат", "Озиқ-овқат солиги тўғрисида" ва бошқа асарларида россияда ўтиш даврига хос бўлган кўп укладлилиқ, яъни беш укладлилиқ бири-бири билан ўзвий ҳолда боғлиқлигини курсатиб беради. 1918 йилнинг бошларидаёқ "Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари", "Коммунизмда болаларча суллик касали" асарларида иқтисодий муаммоларни ҳал этишда янги иқтисодий сиёсатнинг асосий контурлари берилган эди.

В.И.Ленин саноатнинг барча тармоқларини тўла национализация қилиш(миллийлаштириш) тарафдори бўлмаган. Шунинг учун ҳам банк, оғир саноат, транспорт, ташки савдо(яъни асосий соҳалар) совет ҳокимияти қулига олинди, қолгани хусусий қулларда эди. Ленин рус буржуазиясининг қаршилиги ҳалқаро империализмнинг сикуви натижасида бошланиб кетган фукаролар уруши, чет эл интервенцияси, Ленин томонидан 1918 йилнинг баҳорида ишлаб чиқилган режаларни аста-секинлик билан ҳаётга тадбиқ этишга имкон бермади. Аммо ҳаёт режаларга ўзгартириш киритди. Фавқулотда чора кўриш зарур бўлди. 1918-1920 йй. Барча саноат тармоқлари, транспорт миллийлаштирилган. Ер тўғрисидаги декрет бўйича ер дехқонларга жон бошига қараб бўлиб берилди. Бундай аҳволда "ҳарбий коммунизм" сиёсатини қуллашдан бошқа чора йўқ эти. Фукаролар уруши тугаши билан Ленин янги иқтисодий сиёсат (нэп) га ўтиш масаласини кундаланг куяди. "Озиқ-овқат солиги"тўғрисида ва 1921-1923 йилларда ёзилган қатор бошқа мақолаларида Ленин НЭП нинг мазмуни, моҳияти ва тарихий аҳамияти ҳақида изох беради.

Янги иқтисодий сиёсатнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда "Озиқ-овқат разверткаси" сиёсати урнига "продналог", яъни ягона "озиқ-овқат солиги" жорий этилди. Бу эса экин экишдан аввал эълон қилинадиган, маълум миқдордаги солиқдан қолган маҳсулот билан эркин савдо қилиш имкониятини берар эди, дехқоннинг моддий ва манавий манфаатдорлиги кескин ошди.

НЭП даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу "давлат капитализми" ва унинг шакллари масаласи эди. Бунда "давлат капитализми" иқтисодий жihatдан мавжуд бўлган иқтисоддан анча юкори даражада эканлиги хақида гапириб, Ленин айнан шу шароитда давлат капитализми олдинга ташланган улқан кадам бўлур эди, деб ёзган эди.

"Давлат капитализми" шакллари: концессия, кооперация, капита листик савдо-сотик ишларига ва бахолар эркинлиги, давлат корхоналарини, капиталистик ишбилармонларга топшириш(яъни приватизация) ва бошқалар.

Демак, оғир ахволдаги иқтисодиёт аслида бозор муносабатларини қисман жорий этиш билан ҳам киска вақт ичида (1925й) тикланди, бозор кучи ўзини намоён қилди. унинг тамойиллари Тайвань, Вьетнам кенг қулланилган.

2. Совет даври иқтисодий билимларининг ўрганишдаги дастлабки кадамлар ва уларнинг хусусиятлари.

Мамлакатда янги жамият курилиши жараёнида иқтисодий назарияларни ривожлантириш, бойитиш борасида совет олимлари илмий изланишларни давом эттирдилар. Совет даври иқтисодий билимларини ўрганишга багишланган дастлабки илмий мақола ва асарлар 1960 йиллар ўрталаридан чика бошлади. Паномарёв 1964 йилда, Богомазов, Каневич 1966 йилда, Евсеев, Панков - 1967 йилдан бошлаб совет даври иқтисодий билимлари тарихи билан шугуллана бошладилар.

50 - йиллардан бошлаб айрим иқтисодий масалар, аввало, товар хўжалиги, социалистик меҳнат характери, айирбошлаш, таксимот муносабатлари ва бошқа иқтисодий категорияларнинг ривожланиши таркибига оид илмий изланишлар вужудга келди. Бу эса ўз навбатида, 60 - йиллардар бошлаб иқтисодий билимлар тарихини ўрганиш бўйича махсус илмий ишларнинг ривожланишига замин яратди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий фанларни ўрганишда бир ёкламаликка, объектив хаётий фактлардан кўз юмиб ўтиб кетишларга сабаб бўлди.

Марксча назарияларнинг туб маъносига етарлича аҳамият бермаслик, унга ижодий ёндошмаслик ва бу билимлардан, совет давлатини кўриш жараёнидан ўзоқлашув, иккинчи томондан, марксча-ленинча назарияларга ягона догма сифатида қараш, бу назарияларни бир томонлама ўрганиш, иқтисодий муаммоларни ечишни осонгина марксча-ленинча билимлар панасида қолдириш каби негатив ҳолатлар вужудга келди. Натижада, марксча билимлар ҳаётдан, янги ҷамият кўриш амалиётидан ўзилиб қолди. Бўларнинг барчаси, нафақат бутун бир давлат ижтимоӣ-иқтисодий ҳаракат практикасига салбий таъсир курсатди, балки бошқа кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатини издан чикиб кетишига сабаб бўлди.

Социализм иқтисодий қонунлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари тўғрисидаги таълимот қандай шарт-шароитлар ва сабабларга кўра вужудга келди, ривожланди. Бу жараён социалистик қурилиш ва хўжалик юритиш амалиётда қандай аҳамиятга эга бўлди. Масаланинг шу тарзда қуйилиши маълум конкрет тарихий давр ичида вужудга келган иқтисодий билимлар, уларнинг ривожланиши тарихини ўрганишни такозо этади. Бу эса ўз навбатида фанни ўрганишга, методологиясининг чегараларини янада кенгайтиришга, бирмунча бўлсада, "Ғоялар" кўрашидан "Чалғитишга" ёрдам беради. Чунки иқтисодий билимлар, чунончи, совет иқтисодий билимлари тарихига октябрь тунтарилишидан анча аввал марксчилар томонидан назарий пойдевор қуйилган эди.

Бундан кўз юмиш - иқтисодий билимлар тарихини инкор этиш билан тенг бўлур эди. Янги иқтисодиётда бозор муносабатларига қарама-қарши ишлар олиб борилди. Бўлар катъий баҳолар, давлат мулки асосий, яъни хусусий мулк инкор этилди, рақобат мусобақа билан алмаштирилди, катъий режалаштириш жорий этилди ва бошқалар. Оқибатда боқимандалик кайфияти устун келди ва иқтисодиёт инкирозга учради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, социализм деб аталадиган давр сиёсий иқтисод тарихини боскичларга бўлиб

ўрганиш масаласида бир фикрга келинмаганлиги ҳамда турлича иқтисодий концепцияларнинг мавжудлиги бу масала ҳал этилмаган деб айтишимизга асос бўла олади.

Маъмурий-буйруқбозлик ва якка партиявийлик асосидаги иқтисодиёт ҳаёт синовларидан ута олмади.

3. Альтернатив иқтисодий билимларнинг вужудга келиши А.В.Чаянов ва унинг айрим иқтисодий билимлари.

Хозирги пайтда бошқа ижтимоий фанларда бўлгани каби иқтисодий билимлар тарихи фани ҳам қайта кўриб чиқилмоқда, тарих фанини ҳаддан зиёд "Ғоялаштириш", объектив воқелик ҳамда тарихий фактларга сиёсат нуктаи назаридан қарашлик каби нуксонлардан аста-секин ҳалос бўлинмоқда. Совет давлатининг дастлабки даврларидаёқ янги жамият иқтисодиётини яратиш, хўжалик юритишнинг янги методлари ва тамойиллари ўстида илмий изланишлар олиб борган олимларнинг номлари қайтадан тикланмоқда.

Ўз даврида «Халқ душманлари» бўлган олимларнинг ҳаёти, илмий фаолиятлари ва назарияларига объектив баҳо берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб утамизки, уша пайтларда шурулар давлати ва коммунистик партиянинг олиб бораётган расмий сиёсатига альтернатив - муқобил иқтисодий ғоя, фикр, концепция, таълимот ва назариялар бор эди. Лекин уларнинг фикрлари антимарксистик, антисоциалистик никоб остида инкор этилди, олимлар жисмонан йўқ қилинди. Эндиликда катагон йиллари мавжуд бўлган барча илмий қарашларни ақл тарозиси билан янгидан ўрганиш учун шароит тугилди. Шундай иқтисодчилардан бири А.В.Чаяновдир.

Александр васильевич чаянов 1888 йил 17 февралда москвалик савдогар оиласида дунёга келди. Билим юртини битиргач, 1905 йили москва қишлоқ хўжалиги институтига уқишга кирази (у даврда Москва қишлоқ хўжалиги институти , "Петров қишлоқ хўжалиги академияси", қисқача "Петров академияси" деб аталар эди).

Талабалик даврида Италия (1908), Белгия (1909) ва кейинчалик Ғарбий Европадаги бошқа қатор давлатларда бўлиши, ёш олимнинг дунё қараши ва илмий тасаввурига таъсир этди. 1908 йилда Италияда кооперация масаласига бағишланган илмий иши нашрдан чиқди.

1912 йили "Мехнат хўжалиги назарий очерклари" асарини ёзиб, бу асар билан рус иқтисодий билимларида янги ташқилий ишлаб чиқариш йўналишини ривожлантиришни белгилаб берди.

А.В.Чаянов ва унинг ҳамфикрлари бўлган Макаров, Рибинков каби деҳқон меҳнат хўжалигини яхшилаш учун ишлаб чиқаришни рацноанл ташқил этиш, илгор технологияга асосланган холда унинг интенсивлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ва реализацияни кооперативлаштириш лозим, деб курсатган эдилар. Бу олимлар деҳқон меҳнат хўжалигининг асоси оилавий меҳнат ячейкасидир деб тушунтирдилар. Бу тушунчани улар кооперация тўғрисидаги назарий ва амалий билимлар билан боғладилар, мустахкамладилар. Улар эркин иқтисодий кооператив барпо этиш тарафдорлари эдилар.

20-йилларнинг ўрталарида Чаяновнинг деҳқон хўжалигини ташқил этишга бағишланган "Ижтимоӣ агрономиянинг асосий ғоялари ва методлари" каби асари босилиб чиқади. 1927 йилда "Кооперациянинг асосий ғоялари ва шакллари" номли асари чиқади.

Чаяновнинг илмий фаолияти, унинг ёзган асарлари унинг йирик иқтисодий олим, прогрессив ижтимоӣ иқтисодий ислохотлар тарафдори эканлигининг яққол далилидир. Аввал айтганимиздек, олимнинг илмий фаолияти бевосита "ташқилий ишлаб чиқариш мактаби" билан боғлиқ бўлиб, уни баъзида "Чаянов мактаби" деб ҳам атадилар. Бу иқтисодий мактабнинг бошқа мактаб ва бўлинмалардан асосий фарқи шунда эдики, мактабда ҳаётӣ тажриба ва деҳқонларнинг кундалик эҳтиёжларини назарда тутган холда иш олиб борилди.бу ғоялар «Антисоциалистик» деб баҳоланди ва олим катагон қилинди.худди

шундай якун бир қанча бошқа олимлар (Н.Кондратьев,Н.Вознесенский) ҳаётига зомин бўлди.

Хулоса.

Россиядаги 1917 йил октябрь тунтариши Шурулар даври иқтисодиётини бошлаб берди. Бу иқтисодиётнинг назарий асосини марксча-ленинча иқтисодий таълимот ташқил этади. Бу таълимот тарафдорлари номарксистик (Ғарб) назарияларни (масалан, маржинализм) буржуазия назариялари деб таъкидладилар. Бу давр иқтисодий билимлари дастлабки боскичини "Харбий коммунизм", "Янги иқтисодий сиёсат" ташқил этади. Иқтисодиётда маъмурий- буйруқбозлик тизими 20-30 йиллардаёк шаклланди.

30- йилларда социализм иқтисодий қонунлари характери ҳақидаги масала илк бор куйилди ва "социализм сиёсий иқтисоди" тушунчаси илмий амалиётга киритилди. Совет хўжалиги назарияси (Н.Вознесенский) ва иқтисодий сиёсати йўллари шакллантирилди. Абстракт меҳнат ҳақидаги мунозара бошланди. У сиёсий иқтисод предметининг маъноси, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикаси ҳақидаги мунозарага ушиб утди.

Дастлабки социалистик жамғариш қонуни (Е.Преображенский) ва меҳнат сарфлари қонуни (Н.Бухарин) концепцияси таклиф этилди.

Халқ хўжалигини ривожлантириш концепциялари ривожлантирилди. Тармоқлараро баланс (Л.Крицман, П.Попов, Л.Литошенко) ғояси ва режалаштирилган баланс (В.Базаров, В. Гроссман)услуги ишлаб чиқилди.

С. Струмилин томонидан "Оптимал режа" ҳақидаги масала илк бор куйилди. Шурулар иқтисодиётида режа ва иқтисодий муовозанат (Д.Юровский) муаммолари ҳамда режали равишда тартибга солиб туриш концепцияси (Н.Кондратьев) хусусиятлари баён этилди.

Товар ишлаб чиқариш ва унинг муомаласи, қиймат қонуни, пул, савдо-сотик ва хўжалик хисоби муаммолари янгича

(Н.Вознесенский) куйилди. Ташқилий-ишлаб чиқариш мактаби олимларининг асарлари (А.Чаянов,А.Целинцев)ва агроиндустриал комбинатлар (Я.Ниқуликин) ғояси таклиф этилди.

Иқтисодий математик тадқиқотлар, статистика ва статистик таъминот муаммолари кўриб чиқилди.

60-80 йиллардаги мамлакат иқтисодий ҳаётидаги тургунлик ҳолатлари сабаблари ва шакллари таклиф қилинди.

Иқтисодий ислахатлар,қайта кўриш(перестройка) муаммоси мунозара қилинди (Л.Абалкин, Л.Бунич, С.Шаталин, Г.Явлинский ва бошқалар).

Таянч ибора ва тушунчалар.

Халқ хўжалигини режалаштириш концепцияси;

Чаянов ва Кондратьев қарашлари; 20-30 йиллардаги аграр мунозаралар; Чаяновнинг ташқилий ишлаб чиқариш мактабига муносабат: деҳқон меҳнат хўжалиги, кооперация ва қоллективлаштириш, хўжалик ҳисоби, режали иқтисодиёт; маъмурий- буйруқбозлик иқтисодиёти;1 тургунлик.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.

1. Номарксистик назариялар қандай номланган?
2. Маъмурий- буйруқбозлик усулининг моҳияти нима?
- 3.Халқ хўжалигини ривожлантириш "концепцияси"га нималар киради?
4. "Оптимал режа" тушунчасини ким киритган ва у қандай маънога эга?
5. Иқтисодий ислохотлар муаммосини қачондан муҳофама қилиш бошланган?
- 6.Шуролар даври иқтисодиётининг моҳияти нимадан иборат?

Адабиёт.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.,Ўзбекистон,1998.

2.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.

3.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт

1. Костюк В.Н. История экономических учений.м., центр, 1998.
- 2.Ядгаров Я.С. История экономических учений.м.,1999.

**8-Мавзу. Хозирги давр иқтисодий билимларининг
шаклланиши, ривож ва уларнинг макроиқтисодий тахлили
(4соат)**

Режа

- 1.Хозирги давр иқтисодий билимларининг асосий хусусиятлари.
2. Ижтимоий-иқтисодий йўналишининг шаклланиши ва ривожланиши.
- 3.Кейнснинг иқтисодий қарашлари,кейнсчилик, янги Кейнсчилик.
- 4.Янги классик (неоклассик) йўналиш.

1.Хозирги давр иқтисодий билимларининг асосий хусусиятлари.

Бозор муносабатларининг амалда намоён бўлиши, турли мамлакатлар, соҳалар ва тармоқларда бир-биридан фарқ

қилганлиги тарихдан маълум. Шунингдек, бозор муносабатлари тўғрисидаги ғоя ва қарашлар ўз хусусиятларига эга бўлган. Бирок Х1Х аср охири ва ХХ аср бошига келиб, иқтисодий муносабатлар ривожига хусусиятлар янгича ёндашув, таҳлил ва талкинларни тақозо эта бошлаган. Бу эса, тадқиқотларнинг йўналишларида намайён бўлди. Назарий тадқиқотлар амалий фаолиятни чуқурроқ ўз ичига камраб олиши билан бир қаторда, амалиётда ҳам назарий қоидаларни қўллаш учун интилиш кучайди, яъни назария ва амалиёт бирлиги муҳимдир.

Х1Х аср охири ва ХХ аср бошларида бундай шароит, ҳозирги давр иқтисодий ғояларининг шаклланиши ва ривожланиши учун бошлангич нукта бўлди.

Иқтисодий билимлар тарихида мазкур ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши асосан уч хил йўналишга ажратиб ўрганилмоқда:

Бўлар: 1. Ижтимоий-институционал; 2. Кейнсчилик ва янги кейнсчилик; 3. Неоклассик.

2. Институционализм иқтисодий йўналишининг шаклланиши ва ривожланиши.

Ижтимоий-институционал йўналишнинг бошланиши Х1Х асрнинг охириларида тўғри келади ва ХХ аср 20-30 йилларида АҚШ да кенг тарқалган.

Йўналишнинг номи латинча "Institut" - сўзидан олинган.

Йўналиш вақилларининг фикрича институтлар жамият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучлари бўлиб хизмат қилади.

Объектив иқтисодий қонунлар тан олинмайди. Хусусий мулк, солиқ, пул, кредит, фойда ва савдо каби иқтисодий категориялар жамият руҳининг пайдо бўлиши шакли ҳисобланади.

Бу йўналишдагилар маълум гуруҳларнинг одат, анъаналари, юриш-туриши, уйлаш усуллари, ҳуқуқий-ахлоқий ва бошқа қўринишлар эволюциясини тадқиқ қиладилар.

Институционализм эволюцияси уч даврга бўлинади. 1. Эски негатив мактаб (20-30 йиллар) - Т.Веблен (1857-1920),

Ж.Р.Коммонс (1862-1945), У.Митчелл (1874-1948), Ж.Гобсон (1858-1940), У.Гамильтон ғояларида намоён бўлди. Иқтисодий жараёнлар турли тушунчалар асосида баён қилинади. Масалан, Веблен иқтисодий жараёнларни рухшунослик, биология ва антропология билан боғлайди. Коммонс - рухшунослик ҳуқуқини, Митчелл - антропология ва математика ҳисоб-китобларини устун қуяди.

2. Кечки институционализм (1 жаҳон урушидан кейин) Ж.М.Кларкнинг "иқтисодий институтлар ва инсонлар фаровонлиги" асарларида, Г.А.Берлиннинг "Мулксиз ҳоқимият" ва "XX аср капиталистик инқилоби" асарларида, Г.Минзнинг акционерлар сони ортиши, капитал мулкнинг капитал функциядан ажралиш жараёни ҳақидаги мақолаларида қайд этилган.

3. Неоинституционализм 60-70 йиллардаги ижтимоий институционал йўналиш. Америкалик назариётчи Л.Лоу, швециялик иқтисодчи Г.Мюрдаль томонидан ишлаб чиқарилган. Ж.К.Гэлбрейт ва Р.Хейлбронер томонидан ривожлантирилган. Иқтисодий жараёнлар ривожини индустрия ва технократия ролининг ўсиши билан боғлиқ қаралади. Ижтимоий ҳаётга асосланиб, иқтисодий жараёнлар бориши тушунирилади.

Биринчи даврдаги иқтисодий ғоялар уч оқимга бўлинади.

1. ижтимоий-психологик (Т.Веблен).

2. ижтимоий-ҳуқуқий (Жон Р.Коммонс).

3. эмперик ёки конъюктура-статистик (У.Митчелл).

Институционал ғоялар эволюциясининг биринчи давридаги ижтимоий-иқтисодий қарашларини ўрта асосий оқимларга ажратиш мумкин.

1-йўналиш Торстен-Веблен (Асарлари: 2 "Бекорчи синфлар назарияси" (1899), "Фаннинг ҳозирги цивилизациядаги ўрни ва бошқа очерклар" (1919), "Замонавий ўзгарувчи тизимлар тўғрисидаги очерклар" (1934)) китобларида келтирилади. Бўларда даврнинг табиий танланиш таълимоти инсоният жамиятида "Яшаш учун кўраш" тамойили асосида тадбиқ қилишга асосланади. Марксча синфий кўраш ва умуман синфлар

мавжудлиги инкор этилади. Индустиал -технократик концепциялар ишлаб чиқилади. "Индустрия" (барча ишлаб чиқарувчиларни) ва "Бизнес" (молиячилар, ташқилотчилар, тадбиркорлар) назариясида ишлаб чиқаришнинг моддий ва ижтимоий-иқтисодий асослари боғланмаган.бу йўналиш жамиятни ислох қилишда интеллигенциянинг ролини биринчи ўринга куяди(менеджерлар).

2-йўналиш Жон Р.Коммонс (асарлари: «Капитализмнинг ҳуқуқий асослари»(1924), «Институционал иқтисодиёт. Унинг сиёсий иқтисоддаги урни»(1934), «Жамоа фаолиятининг иқтисодий назарияси» (1950)асарларида баён қилинади).

У иқтисодиётда назария ва юридик концепциялар тўғрисидаги қоидаларнинг ўзаро қоришмаларини таклиф этади. Капитализм бозор муносабатлари "Одил бўлмаган рағбат" иллатига олиб келаётганлиги сабабли, алмашув муносабатлари одил бўлишини таъминлаш, рақобат ҳавфини йўқотишни давлатнинг юридик - қонун органлари воситасида ҳал этиш мумкинлиги ғоясини илгари суради. "Социал низо" таълимотида низоларнинг антогонистик (келиштириб бўлмас) эмаслигини, уларнинг жамият эволюциясининг ҳаракатга келтирувчи омил эканлигини айтади. Ишчи ва капитализм ўртасидаги муносабат- келишув бўлиб, бу келишув: низо, ўзаро таъсир ва ечимдан иборат бўлади.

У жамиятда ижтимоий - қаршиликлар кучайиши,яъни конфликтларни юридик келишувидан бошқа нарса эмас деб ҳисоблайди. Жамоатчилик фикри назоратидаги иқтисодиётни демонополизация қиладиган ҳукумат тузуми зарурлигига ишонади. Мулкни ўз шаклига (моддий, номоддий), қарз ва қарз мажбуриятлари) ва кўринмас (қимматли қозғаларга) ажратади. Биринчи ўринга ишлаб чиқариш эмас муомала соҳаси қуйилган.

3-йўналиш Уэсли Клэр Митчелл (асари: «Иқтисодий назария типлари тўғрисида лекциялар»(1935) номи билан боғлиқ.У Вебленнинг шоғирди бўлиб, ишлаб чиқариш ва бизнес қарама-қаршилиги тўғрисидаги фикрни мерос қилиб олган.

Одамларнинг жамиятдаги хулкини тадқиқот предмети деб ҳисоблайди. Ижтимоий психология, анъана ва урф-одатлар иқтисодий ходисаларни белгиловчи омиллар сифатида қаралади. Митчелл бўйича, иқтисодий курсаткичлар, сон ва ракамлар ўзгаришидаги қонуниятлар ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

У циклик ходисалар тадқиқотчисидир. Молия-пул муомаласи ва кредит категориялари билан циклик тебранишларни ўзгартириш, олдини олиш ва иқтисодиётга таъсир этиш мумкин, деб ҳисоблаган. У катта йиллар давомийлигини ҳисоблаган. Капитализмнинг инкирозсиз ривожланиш модели лойҳасини яратган. Циклларни капитализм иқтисодиётига хос доимий хусусият деб қарайди. Юзага келадиган турли қарама-қаршиликларни ечишда давлат роли орқали тартибга солиш энг қулай восита деб ҳисобланади. Унинг тадқиқотлари эмпирик ва институционал усуллар қоришмасидан иборат.

Кечки ва неоинституционализм даври Ж. К. Гэлбрейт, Питирим Сорокин (АҚШ) Раймонд Атои (Франция), Ян Тинберген (Нидерландия) ва бошқа олимлар номи билан боғлиқ, улар фикрича, жамиятни қайта қўриш, трансформация масалаларини ҳал этишда техник-иқтисодий омиллар мутлоқлаштирилади; жамиятнинг индустриал жамиятдан постиндустриал, супериндустриал ёки неоиндустриал информацион жамият сари қарама-қаршиликларсиз эволюцияси, социалистик ва капиталистик тизимни ягона тизимга келтирувчи назарияси илгари сурилади (конвергенция назариялари).

Ж.К.Гэлбрейт асарлари социалистик ва капиталистик тизимда бўй бераётган умумий ўзгаришлар, масалан, режалаштиришдан фойдаланиш, давлат ва корпорация ўртасидаги фарқларнинг йўқолиб бориши, ташки мухитни ўрганиш, фан ва таълимда меҳнат таксимоти ўсишда асосий омил эканлигини ва бошқалар тан олинади. "Капитализм трансформацияси" бўй бериши башорат қилинган (асарлари: "Мўл-кўлчилик жамияти" (1958), "Янги индустриал жамият" (1927).

"Янги цивилизация" асари вужудга келиши тўғрисида Тофлернинг "Учинчи тулкин" китоби баён этилган.

Неоинституционализм назарияларида техник омилларни мутлоқлаштиришдан чекиниб, асосий эътибор инсонга ва социал муаммоларга қаратилган. "Мулк ҳуқуқи" (Рональд Клоуз-АҚШ) ва жамият танлови (Жэймс Бьюкенен - АҚШ) шулар жумласидандир. Бу йўналиш бўйича XX1 аср "Инсон асри" деб эълон қилинган.

Инсон постиндустриал жамиятнинг асосий иқтисодий омили, асосий ресурси, деб қаралади. Янги жамият шахсни ҳар томонлама ривожлантириш учун янгича сиёсат юргизишни тақозо этади.

1. Кейнснинг иқтисодий қарашлари, кейнсчилик, янги кейнсчилик.

Ж.М.Кейнс (1884-1946) "Капитализмни тартибга солиш"га оид ғоя тадқиқотчиларидан бири бўлиб классик мактабга қарши давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви тарафдоридир. У қийматнинг меҳнат назариясини, қўшимча қийматни инкор этади. Уларни ишлаб чиқариш омиллари концепцияси билан алмаштиради. А. Маршаллнинг, кембридж мактабининг давомчидир. Унинг бош асари "Бандлик, фоида ва пулнинг умумий назарияси"(1936)дир (қискача "Умумий назария" деб аталади). Кейнс таълимотининг хусусиятлари:

1. Бозор муносабатларининг мавжуд тизими ўз-ўзини автоматик тарзда тартибга сола олмаслиги асос қилиниб олинганлиги.

2. Иқтисодиётнинг ўсиши ва энг юкори иш билан бандликни таъминлаш давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви зарурлиги («Аралаш иқтисодиёт» отаси).

3. Иқтисодий ходисалар тахлилини макроиқтисодий жихатдан (хусусий миллий даромад ва жамғариш ўртасида боғлиқлик ва нисбатларни) тадқиқ этиш зарурлиги.

4. Бандлик назарияси куйидагиларга асосланади: бандлик ортиши туфайли, миллий даромад, айти пайтда истемол ҳам

ортади, аммо даромад истемолга нисбатан секинрок ортади, одатда инсонларнинг психологик «қонуни»дан келиб чикиб, уларда жамгаришга моиллик кучаяди. Инвестицияга имкон тугилади ва янги корхона, иш жойлари пайдо бўлади, бу эса иқтисодиётни янада ривожлантиради. Оқибатда "Самарали талаб" камаяди. Бу ишлаб чиқариш хажмига ва бандликка таъсир этади.

5. Фоиз пул карзи (кредит) учун бериладиган қонуний ҳақ деб ҳисобланади. Фоизнинг миқдори "Ликвидлик афзаллиги" (ликвидлик - пулга тез айлана олиш, кадрлилик)га тўғри ва муомиладаги пул миқдorigа тескари пропорционалдир. Инвестицияларнинг умумий хажми бандлик хажмини белгилашда ҳал қилувчи ролни уйнайди. Янги инвестициялар туфайли бандликнинг усувчи қўшимча бандликни вужудга келтиради. Қўшимча бандликнинг ўсиш коэффиценти мультипликатор деб аталади. У бир томондан инвестиция ўсишини, иккинчи томондан бандлик ва даромадларнинг ўсиши ўртасидаги нисбатни курсатади. Мультипликатор куйилган инвестиция қанча фойда бериш коэффиценти дир. Уша даврдаги АҚШ мультипликатори 2,5га тенг бўлган, яъни 1доллар инвестиция 2,5доллар фойда келтирган.

Кейнс ғояларнинг давомчиларини, яъни кейнсчиларни уч оқимга ажратиш мумкин. 1. Унг ва ута реакцион оқим, агрессив монополистларнинг манфаатини химоя қилган. Қуролланиш иқтисодиётини фашистик йўл билан тартибга солишни қуллайди. Кейнс китоблари немис тилига дархол таржима қилинди ва Германия фашистлари томонидан фойдаланилган. Францияда ҳам тартибга солинадиган капитализм тарафдорлари бўлиб, улар ўз назарияларини "Дирижизм" деб атаганлар.

2. Либерал оқим тарафдорлари монополия манфаатларини химоя этади, аммо қуролланишни инкор этади.

3. Сўл кейнсчилик оқими тарафдорлари миллий даромадни тўғри таксимлаш ғояси билан талаб даражасига самарали таъсир этишга интилади. Инглиз иқтисодчиси Ж.Робинсон хоним капитал жамгарилиши (1956) китобида бу ғоя ифода этилган. Унингча

меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан иш ҳақининг ошуви яратилган маҳсулотларни реализация қилишга ёрдам беради ва техника тараккиёти рағбатлантиради. Бунда касаба уюшмаларининг роли катта бўлиши керак.

Кейнс ғояларининг ҳозирги даврда ривожлантирилиши янгича кейнсчилик деб аталади. Янги кейнсчилик икки оқимга бўлинади:

1. Америкаликлар оқими (А.Х.Хансен (1887-1975) ва Харрис);
2. Европаликлар оқими (Ф.Перру, Г.Ардон, П.Мендес - Франс).

Биринчи оқим тарафдорлари ортодаксол кейнсчилик деб ҳам аталади. Кейнс коидалари тўлалигича қабул қилиниб, хансен томонидан стагнация назарияси билан тулдирилди.

Хансен капитализм қийинчиликлари унинг ички қарама-қаршиликларидан эмас, балки "Ташки импульс"ларнинг сусайганлигидан деб билади. Давлат харажатларини ўстириш ва кондириш учун иш ҳақидан олинadиган солиқларни 25-30% эмас балки 60% гача ошириш таклиф этилади. Улар мультипликатор принципини акселерация принципи билан тулдирдилар. Акселатор инвестиция ўсишининг даромад ўсишига, яъни инвестициядан кейинги ва ундан олдинги даромадларнинг фарқлари нисбати билан аникланади. Мультипликатор ва акселератор ғояларига асосланиб, иқтисодиётнинг ўзлуксиз ўсиш схемаси ишлаб чиқилди. Унинг асосида давлат капитали куйилмалари ётади. Иқтисодиёт ўсиши даврида давлат харажатларини чеклаш(камайтириш), инкروزлар даврида эса уни ошириш ва шу йўл билан хусусий харажатларни компенсациялаш таклиф этилади.

Европача оқим Францияда шухрат козонди. Кейнс ғояларини Г.Ардон, П. Мендес - Франс кабилар тўлалигича қабул қилса, Ф.Перру осуда фазони тартибга солишни самарасиз деб хисоблади.

Бу оқим тарафдорлари иқтисодиётни режалаштиришни таклиф этадилар. Императив (директив характерда Собик СССРдаги каби) ва индикатив (ҳозир кўп давлатлар қўллайдиган) режалаштириш ажратилади. Кейнс услуги иқтисодий

инкрозларнинг (1948-49, 1953-54, 1960-61, 1967-68, 1969-71, 1974-75, 1981-82) олдини ола билмади.

Янги кейнсчилик урнига посткейнсчилик келди, бўлар: инглиз иқтисодчилари Ж. Робинсон, Н.Колдор, П.Сраффа, Америкалик олимлар А.Эйхнер, С. Вайнтрауб. Улар капиталистик тизимнинг ички тургунлик концепциясини таклиф қилдилар.

Улар кейнс таълимотини динамик, ҳаракатчан назария деб қарайдилар. "Юкори наф", ишлаб чиқариш омилларининг энг юкори унуми назарияларини танкид қилиш характерлидир. Ижтимоий институтлар роли ҳам киритилган. Бу таълимда ўсиш ва таксимот муаммолари марказий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш ва ўсиш суръатлари миллий даромаднинг таксимотига боғлиқ, даромад ва унинг ўсиши эса, жамгарма, умумий жамгарма эса, иш ҳақи ва фойдадан жамгарилган жами суммага тенг бўлади.

Посткейнсчилар капиталистик иқтисодиётни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш тарафдорлари бўлганлар.

4. Янги классик (неоклассик) йўналиш.

Маржинализм иқтисодий таълимотнинг навбатдаги боскичи янги классик йўналиш бўлиб, унинг шаклланиши инглиз альфред Маршалл номи билан боғлиқ (юкорида берилган), шу йўналиш тарафдорлари ичида Америкалик Ж.Б.Кларк, Италиялик В.Парето ғояларини курсатиш мумкин. Бу олимларда эконометрик усуллар етакчидир. Юкорида дастлабки икки олим ҳақида фикр билдирган бўлсак, бу ерда Вильфредо Парето(1848-1923)нинг иқтисодий ғояларини таҳлил этамиз. Унинг асосий асослари: «Сиёсий иқтисод курси» (1898), «Сиёсий иқтисод таълимоти» (1906) ва «Умумий социалогия бўйича трактат» (1916).У Л.Вальрас билан (1982 йилдан) бирга Лозане университетида ишлай бошлади. Унинг асосий хизмати шуки, у асосий маржиналистик тушунча «Фойдалилик» («наф») ни микдорий улчашни янги усулини таклиф этди, у «Ижтимоий максимал фойдалилик» ёки «Парето оптимуми»ни муомалага киритди. Бу тушунча хатто бу одамнинг турмуш даражаси яхшиланиши барчанинг турмуш даражаси ортиши учун ёки жила бўлмаса ёмонлашмаслиги мумкинлигини

хисоблаш имконини беради. Бу концепция фойда (фойдалилик) ни максимум қилиш учун оптимал қарор қабул қилиш йўлини яратади.

Неолиберал йўналиш тарафдори М.Фридменнинг монетар концепциясида «Ишсизликнинг табиий нормаси» шароитида пул миқдорини 3-4% ошириш иқтисодий ўсишга олиб келиши таҳлил этилди. Кейнсчилик урнига (1970) келган бу йўналиш Буюк Британия (Тэбчер), АҚШ (Рейган), Чили ва бошқа мамлакатлар ривожига ижобий таъсир этди. Хозирги даврда жаҳонда неоклассик йўналиш иқтисодий фикрлашда етакчи, аммо давлат роли ҳам тан олади.

Кейинги даврларда «Неоклассик синтез» концепцияси вужудга келди, унинг муаллифи П.Самуэльсон(1915) жаҳонга «Экономика» дарслиги билан машхур. Бу китоб 1948й. Ёзилди ва 15 мартда қайта нашр этилган. Бу асар учун унга 1970й. Нобель мукофоти лауреати унвони берилган. Бу асарда асосий эътибор оммавий ишсизлик ва инфляцияни енгиш масалаларига қаратилган. Бу қарашларда хозирги янги кейнсчилик ва неолиберал ғояларнинг бир-бирига таъсири (синтези) ни кўриш мумкин. Умуман, хозирги даврда барча иқтисодий ғоялар ўртасида (тобора яқинлашув ва бир-бирига таъсири) аралаш ғоялар кузатилмоқда.

Хулоса.

XX асрда вужудга келган ва аввалгиларидан кўра кўп соҳаларда фарқ қиладиган иқтисодий билимлар хозирги замон назариялари хисобланади. Уларнинг муҳим хусусиятлари шуки, ҳаёт тажрибаси асосида муҳим янги хулосалар ва янги тақлифлар юзага келди. Масалан, ўз даврида фақат соф ҳолдаги тадқиқотлар ҳақидагина гап борган бўлса (эркин бозорда давлат роли деярли йўқ, буйруқбозлик иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва истемол бўйича қарорлар давлат томонидан қабул қилинади), эндиликда одатда "Аралаш иқтисодиёт" тўғрисида гап боради ва бозор муносабатлари сақланган ҳолда давлат ҳам хўжаликка турли йўллар ва сабабларга кўра аралашади. Эндиги назарий хулосалар ҳаётга тобора яқинлашиб бормоқда.

Хозирги замон иқтисодий билимларида уч асосий йўналиш (янги классик, кейнсчилик ва институционал) яққол кўзга ташланади. Институционализмда субъектив омиллар, жамият ташқилотлари, оила, ҳуқуқ, психология ва давлат ташқилотлари роли хал қилувчи қилиб кўрсатилади. Кейнс таълимотида давлат роли кучаяди, аралаш иқтисодиёт тан олинади, инвестиция роли тўғри хал этилади.

Неоклассик йўналиш аввалгидек иқтисодиётга давлатнинг аралашувини чеклаш тарафдори, аммо ижтимоий йўналтирилган бозорни (Ойкен, Релке, Рюстов) қўллади. М.Фридмен иқтисодиётда пулнинг ролига етакчи ўрин беради (Монетар сиёсат).

Таянч ибора ва тушунчалар.

Институционализм эволюцияси; институционализм оқимлари: ижтимоий-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий, конъюнктура – статистик; кейнснинг иқтисодий таълимоти; «Умумий-бандлик назарияси»; «Капиталнинг энг юкори самарадорлиги»; фоииз нормаси ва ликвидлик афзаллиги, мультипликатор; акселератор; неоклассик мактаб ва неолиберализм; фридманнинг монетар мактаби, неоинституционализм; гэлбрейтнинг конвергенция назарияси.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.

1. Хозирги замон иқтисодий билимларининг нечта асосий йўналишлари мавжуд?
2. Институтционализм асосий ғоялари нималардан иборат ва унинг қандай оқимлари бор?
3. Кейнсчиликнинг бошқа билимлардан фарқи нима? Ж.М.Кейнснинг асосий асари қачон ёзилган?
4. Мультипликатор ва акселератор тушунчалари нимани англатади?
5. Аралаш иқтисодиёт тушунчаси нима ва у ким томонидан биринчи бор қўлланилган?
6. Кейнсчилар фикри бўйича давлат иқтисодиётда қандай ролни уйнайди?

7.Неоклассик йўналишнинг асосий мохияти нималарда ифодаланади.

Адабиёт.

Асосий адабиёт.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.

2.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.

3.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт.

1. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М. , дело, 1996.

2. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс (в двух томах). М. Республика,1992.

9- Мавзу. Жахон хўжалиги туғрисидаги иқтисодий Билимлар (4соат)

Режа

1.Халқаро иқтисодий интеграцияга оид назариялар.

2.Халқаро капитал ҳаракати ва инвестицияларга оид назариялар.

3.Халқаро валюта муносабатлари.

4.Жахоншумул иқтисодий муаммолар.

1.Халқаро иқтисодий интеграцияга оид назариялар.

Жахон хўжалиги деганда, кискача маънода, иқтисодий муносабатларни миллий давлатлар микёсига нисбатан кенгрок доирада тадқиқ этиш тушунилади. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши интеграцион жараёнлар сифатида намоён бўлди. "Бенилюкс"(1944) "Умумий бозор" (1957), Хозирги Европа иттифоки, "Европа иқтисодий ҳамжамияти" (1957), ОПЕК(1960), Халқаро валюта фонди (1945), Жахон банки(1946) каби халқаро иқтисодий интеграциянинг махсус ташкилотлари мавжуд.

Савдо-сотик муносабатлари халқаро иқтисодий интеграциянинг дастлабки кенг тус олган соҳасидир. Д.Рикардо (1772-1823) нинг "Нисбий афзаллик" ва "Солиштирма чиким" назарияларида халқаро меҳнат таксимотининг объектив зарурлиги биринчи марта ишлаб чиқилган. Унда савдо ўзаро фойда келтириши курсатилган.

Кейинчалик халқаро иқтисодий алоқалар бўйича неоклассик (соф таълимот) ва неокейнсчилик (давлат аралашуви мавжуд) назариялари кенг тарқалган. Иқтисодий интеграцияга оид билимларда "божхона иттифоки" масаласига катта эътибор берилади. Бунда ўзаро савдо – сотик муносабатларида тўла эркинлик ва ҳар қандай чеклашлар бекор қилиниши, "Учинчи мамлакатлар" учун эса ягона божхона тарифи жорий қилиш зарурлиги кайд этилган. Халқаро интеграция жараёнини Б.Белаш(АҚШ) ва В.Ребке (Швейцария) каби иқтисодчилар идеал эркин бозор муносабатларига қайтиш шаклида қарайдилар, яъни барча тусиклар олиб ташланиши, товар пул, транспорт, ишчи кучи ва бошқаларнинг мамлакатлараро эркин ҳаракати таъминланиши керак.

Ч.П.Киндлебергер (АҚШ), П.Стритин (Англия), А.Маршалл ва Ф.Перру (Франция) ларнинг фикрича, "Божхона иттифоки"нинг капиталларга қарши сиёсати йирик корпорацияларнинг салбий томонларини нейтрализация қилишни, халқаро интеграцияда антимонопол йўналишни таъминлайди.

Классик ва неоклассиклар фикрича, жахон бозорида "Мукаммал рақобат" мавжуд: барча контрагентлар халқаро савдода бир хил имкониятларга эга, таклиф доимо талабни вужудга келтиради, савдода баланси ўзини-ўзи тартибга солади, узок муддатли режаларда савдо шароитлари индустриал давлатлар зиёнига ва аграр давлатлар фойдасига ўзгаради, халқаро савдо ривожини тенденциялари аграр хом ашё йўналишидаги давлатлар иқтисодиёти ташки савдо позицияси яхшилашувига олиб келади.

Неокейнсчилик таълимоти вақилларининг фикрича, ҳар бир мамлакатда меҳнат ва капитал билан бандликнинг тўла эмаслиги ички бозорда кўпроқ ишлаб чиқаришга сабаб бўлади. Бу эса кўпроқ экспорт ҳамда камроқ импорт қилишда учрайди.

Натижада, халқаро савдо ўзини-ўзи тартибга солувчи жараён бўла олмайди. Айни пайтда давлатнинг фаол аралашuvi керак бўлади. Яъни товар экспортини капитал чиқариш билан рақбатлантириш, импортни эса, протекционистик чоралар билан чекланишини зарур қилиб қўяди.

"Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимооти" назарияси асосчилари (Э.Хекшер, Б.Олин (Швеция), Самуэльсон (АҚШ)) фикрича, ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ишлаб чиқариш омиллари (капитал, ишчи кучи, ер) билан бир хил таъминланмаганлиги, ҳар бир омилнинг турлича баҳога эгаллигини келтириб чиқаради. Айрим мамлакатларда меҳнат асосий омил (бошқасидан сон жихатдан кўп) бўлса, унинг нархи капитал ва ерга нисбатан паст баҳоланади: капитал мул бўлган мамлакатда, у бошқа икки ишлаб чиқариш (ишчи кучи, ер) омилига нисбатан арзон бўлади. Ҳар бир мамлакат ўзининг нисбий устунлигини реализация қилишга интилади, жахон бозорига ишлаб чиқариш омили нисбатан арзон бўлган йўл билан тайёрланган товар кўпроқ чиқарилади.

Бу назарияни ишлаб чиқариш чиким (харажат)ларини мутлоқлаштиради ва халқаро ихтисослашувнинг ягона мезонига асосланади. Жахон савдоси эса уйғун жараён деб қаралади.

"Махсулотнинг ҳаёт цикли" назарияси муаллифлари (Г.Хофбауэр, Р.Вернон ва М.Познер ва бошқалар) нинг фикрича, саноатда пайдо бўладиган технологик жихатдан ҳар бир янги махсулот 1) Кириш, 2)Экстенсив ўсиш, 3)Секинлашув ва 4)Тугаш циклини ўтади. Бундай кетма-кетлик ишлаб чиқаришга жорий этиш, кенгайтиш, камолот ва эскириш жараёнига тўғри келади. АҚШ шундай намунавий технологик жараёнга мисол сифатида қаралади.

Иқтисодий инфляция олдини олиш оқибатлари куйидагилардан иборат: ишлаб чиқаришнинг доимо ўсиши ва иқтисодий инкирознинг бўлмаслиги таъминланади; иқтисодиётнинг ўсиши аҳоли турмуш даражаси кутарилиши ўртасидаги ижтимоий шериклик ривожланади; мамлакатлар ўртасида нифоқлар тугатилади.

2.Халқаро капитал ҳаракати ва инвестицияларга оид назариялар.

Неоклассик йўналиш вақиллари (Б.Олин-Швеция), К.Иверсон (Дания), Р.Нурксе (АҚШ)) асарларида капиталнинг халқаро ҳаракатда бўлиши (миграция) у ёки бу мамлакатда капиталнинг мул-қуллиги турлича эканлиги билан изоҳланади. Бундай изоҳ маржинализм коцепциясидан келиб чиққан.

Уларнинг таъкидлашича, капитал ҳаракати токи капитал унуми бир хил бўлгунча давом этади, ишлаб чиқариш омиллари самарадорлиги ва миллий даромад ўсиши иқтисодий ривожланишнинг текислашувига олиб келади.

Неокейнсчилик вақиллари (Ф.Махлуп, Е.Домар Ва Р.Харрод) фикрича эса, капитал ҳаракатланиши савдо ва тулов балансининг ўзгариши, актив балансли мамлакатларда капитал ортиқчалиги, пассив балансли мамлакатларда, капитал етишмаслиги туфайли рўй беради. Капитал экспорти ва импорти масаласи иқтисодий динамик назариясида (Харрод) ялпи миллий махсулотнинг ўсиши ҳамда инвестицион даромад ва туловлар билан бокланган. Капитал экспорт қиладиган мамлакатларда тулов баланси сальдоси мусбат бўлади, яъни инвестицион даромад

инвестицион туловлардан ортиқча бўлади. Капитал импорт қиладиган мамлакатларда бунинг акси бўлади. Бевосита инвестициялар назариясида капитал чиқариш йирик корпорациялар томонидан амалга оширилиши кайд этилган. Бунда мазкур корхоналарнинг иқтисодий назарияларида (махсус бозор бўлимлари, керакли технология, малакали мутахассислар) бўйича рақобатбардошлиги хисобга олинган. Америкалик э.чемберлиннинг монополистик рақобат назариясида рақобатбардошлик ишлаб чиқариш ва капитал концентрацияси эмас, балки фирманинг бозорга, истеъмолчиларнинг шахсий талабларига мувафаккиятли мослашиш натижаси деб қаралган.

Халқаро монополиялар (трасмиллий ва транскорпоратив концернлар) фаолиятини акс эттирувчи билимларда, мазкур монополияларга илмий техника тараккиётини тарғиб қилувчи, ҳар бир мамлакат манфаатларини химоя қилмайдиган, ривожланаётган мамлакатлар тараккиётига ижобий таъсир этувчи халқаро ташкилот деб қаралади. Бирок айрим назарияларда (Р.Баркет-АҚШ, Э.Пенроуз, Англия) халқаро концернларининг ўзлари фаолият курсатаётган мамлакатлардаги миллий иқтисодиёт ва сиёсатга тазйик утқазиш имконияти миллий давлат (солиқ, кредит, инвестиция, валюта) сиёсатини самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин деб баён этилган.

3.Халқаро валюта муносабатлари тахлили.

Халқаро савдо муносабатлари миллий валюта бирликларининг ўзаро нисбий баҳоси асосида рўй беради. Айни пайтда, чет эл валютаси бирлигини миллий пулдаги ифодаси валюта (алмашув) курси тушунчасини англатади.

Валюта курсига бўлган эҳтиёж, талаб ва таклиф кучларининг ўзгарувчанлигини турли хил мамлакатлар валюталар алмашинувининг ташқил этувчи бозорини- валюта бозорини такозо этади.

Чет эл валютасига талаб хорижий махсулотни харид қилиш пайтида пайдо бўлади.

Талаб ва таклиф мувозанати алмашув курсини белгилайди.

Мамлакат валюта курси бошқа мамлакат курсига нисбатан тушса, миллий валюта кадрсизланган бўлади. Акси бўлса, миллий валютанинг кадри ошган бўлади. Агар расмий миллий валюта курси пасайса, девольвация акси бўлса, револьвация дейилади.

Айрим холларда, киска муддатли даврларда, бозор - валюта курси тез ўзгариб туради. Узоқ муддатли даврлар учун, иқтисодчиларнинг кўзатувига кўра, валюта курси турли мамлакатлардаги товарларнинг нисбий нархи билан аникланади.

Ягона нарх қонунига кўра, турли мамлакатлар учун эркин бозор муносабатлари шароитида ҳар бир товар мамлакат ҳудудида ҳам хорижда ҳам бир хил нархда сотилади ва сотиб олинади.

Бундай хол, харид имконияти тенглигига асосланган валюта курси назарияси (П.Самуэльсон) билан изоҳланади. Мисол: маълум товарлар мажмуаси АҚШда 1000 доллар, Мексикада 10.000 песо бўлса, валюта курси 100 песога 1 доллар бўлса, мексикада мазкур товарлар 100 доллар бўлади.

Бундай холда, Америкаликлар арзон товарлар хариди учун алмашув курси бўйича песо харидини кўпайтириб юборган бўларди.

Бундай жараён алмашув курсининг 1% песога 1 долларга келтирилганича давом этади.

Мазкур назария, миллий пулнинг кадрсизланиши юкори бўлган мамлакатларда, нисбий нархлар ўзгариш тенденциясини аниклашга ёрдам беради.

Валюта курси тизимларининг 3 тури мавжуд.

1. Соф сўзиб юрувчи валюта курси тизими.
2. Фиксирланган валюта курси тизими.
3. "Бошқариладиган" валюта курслари гибрид тизими.

Бирор мамлакатнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий шартнома ва битимларни жамлаштиришда тулов баланси қулланилади. Унинг таркибида жорий операциялар ва капитал ҳаракати баланси молиявий активлар ҳамда маҳсулотлар

(хизматлар) экспорти ва импортини ўз ичига олади. Экспорт – кредит, импорт эса - дебет ҳисобланади. Биринчисидан чет эл валютасининг мамлакатга киришини, иккинчиси - эса, бунинг аксини фойдалайди.

Тарихан, мамлакатларда тулов балансининг қуйидаги даражалари қўзатишган:

- 1."Ўш қарздор";
- 2."Вояга етган" қарздор;
- 3."Ўш қарздор";
- 4."Вояга етган" қарздор:

4.Жаҳоншумул иқтисодий муаммолар.

Жаҳон ҳамжамиятида камбағаллар ва бойлар ўртасидаги тафовутнинг кучайиши энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Бу курсаткич 1960 йилдаги 13:1 дан 1990 йили 60:1 га , ҳозир эса 75:1 га етди. Тенгсизлик муаммосининг моҳияти шундаки, аҳоли тез ўсаятган жойларда, иқтисодиёт ўсиши суст бўлмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг айримлари таракқиёт йўлига киришга қарамай қўпчилиги қолоқлигича қолмоқда.

"Ноилан ривожланиш", ташки туртки назариясига (Р.Нурксе, Э.Хоген) қўра, оғир аҳволдан чиқиш йўли инвестициялар ҳисобига ривожланишга эришиш бўлиб ҳисобланади, яъни четдан қарз қилиш йўлидир. "Индустриаллаштириш" назариясида шахсий истеъмолни қисқартириш, давлат солиқ тизими орқали иқтисодиётни молиялаштиришга кучайтириш, айрим ҳолларда меъёридаги инфляциядан фойдаланиш таклиф этилган.

Инсоний ривожланиш концепцияси БМТ томонидан 1990 йили илгари сурилган. Даромадларнинг қўпайиши ва инсоний фаровонликнинг яхшиланиши орасидаги боғланишга қаратилган.

Инсоний ривожланиш индекси курсаткичи қилинган. Умрбоқийлик, таълим ва яшаш даражалари асосида интеграл

курсаткич ишлаб чиқилган. Бунда иқтисодий курсаткич асосий ўринни эгаллайди (соглик, таълим етакчи).

Хулоса.

Жахон хўжалиги, жахон бозори ва интеграцион жараёнларнинг узоқ тарихи бор. Айниқса Буюк Ипак Йўли (э.а. II аср) даврида аник намаён бўлган бу жараён ХУ1 асрда буюк географик кашфиётлар туфайли кучайди. 11 жахон урушидан кейинги даврда эса бу халқаро иқтисодий муносабатлар махсус ташқилотлар орқали амалга оширилиб, хозирги даврни уларсиз тасаввур этиш қийин. "бенилюкс" (1944), умумий бозор (1957), Европа ҳамжамияти(иттифоки), ОПЕК (1960), НАФТА, ЭКО, халқаро валюта фонди, жахон банки ва бошқа халқаро иқтисодий ташқилотлар бу алоқаларни маълум тартибга солиб келмоқдалар.

Халқаро иқтисодий алоқалар бўйича неоклассик (соф таълимот) ва неокейнсчилик назариялари кенг тарқалган. "Соф" таълимот тарафдорлари фикрича, иқтисодий алоқалар халқаро майдонда ҳам эркин бозор тамойиллари асосида ривожланишини қўллайдилар (эркин рақобат, ҳамма учун бир хил имконият, тақлиф доимо талабни вужудга келтиради, савдо баланси ўз-ўзини тартибга солади ва бошқалар).

Таянч ибора ва тушунчалар.

"Халқаро меҳнат таксимоти"; жахон бозори тўғрисидаги "соф" таълимот; ишлаб чиқариш омилларининг халқаро таксимоти; капитал чиқаришнинг неокейнсчилик таълимоти (Ф.Махлуп, Б. Домар, Р.Харрод); "ноилож" ривожланиш ва ташки "туртки" назариялари; "солиштирма чикимлар" назарияси; инсоний ривожланиш концепцияси; инсоний ривожланиш индекси; умрбокийлик, таълим ва яшаш даражалари.

Назорат ва мулохаза саволлари.

1. Жахон хўжалиги деганда нимани тушунамиз ва у қачон вужудга кела бошлаган?
2. Халқаро иқтисодий интеграция нима, унинг объектив зарурияти нимага асосланади?

3. Солиштирма афзаллик концепцясн, солиштирма харажатлар принципи нимани англатади?

4. "Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро таксимоти" назариясининг асослари нима?

5. Халқаро монополиялар (трансмиллий коорпорация) нима? Улар тўғрисида қандай билимлар мавжуд?

6. Валюта муносабатларининг мохияти нима? Валютанинг эластик курси қайси омилларга боғлиқ?

Адабиёт.

Асосий адабиёт.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.

2. Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.

3. Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

Қўшимча адабиёт.

1. Ломакин п.к. Мировая экономика . М., ф. Юнит, 1998.

10.-Мавзу. Ўзбекистон республикасида эркин бозор иқтисодиётини яратишнинг концепциялари ва унинг шаклланиш хусусиятлари (4соат)

Режа

1. Туркистоннинг мустамлака давридаги иқтисодий ахволи. «Харбий коммунизм» сиёсатининг моҳияти.

2. Янги иқтисодий сиёсат, унинг мазмуни ва аҳамияти. Бухоро ва хоразм республикаларининг (1920-1924) иқтисодий ривожланиши тажрибаси.

3. Нокапиталистик (капитализмни четлаб ўтиб) социалистик жамият қўриш «назария»си ва унинг тарихий тақдири.

4. Иқтисодиётда маъмурий буйруқбозлик тизимининг галабаси (режали иқтисодиёт). Бозор иқтисодиётида муқобил тизим ва унинг инкирози.

5. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг тарихий зарурияти. Бошқариладиган ижтимоий бозор иқтисодиёти йўлини танлаб олиниши ва унинг хусусиятлари.

1. Туркистоннинг мустамлака давридаги иқтисодий ахволи. «Харбий коммунизм» сиёсатининг моҳияти.

Туркистон ўлкаси 1865-1917 йиллар давомида Россия империясининг мустамлакаси сифатида ривожланади. Ўлка Россиянинг саноат ҳудудлари учун қишлоқ маҳсулотларини, биринчи навбатда пахта толасини етказиб берувчи хомашё

базасига айлантирилди, шу вақтнинг ўзида россия саноати маҳсулотлари учун реализация қилинадиган ташки бозорга айланди. Биринчи ўринда пахтачиликнинг ривожига алоҳида эътибор берилди. Маълумотларга кўра, дастлаб пахта майдонлари барча экинзорларининг 20-30% идан ортиқ бўлмаган, донли экинлар эса 50% атрофида эди. Бу тизимни бўзиш учун пахтанинг нархи кескин оширилди ва дехқонлар пахта майдонларини кенгайтирдилар. Янги ерлар очиш ва сугориш борасида ҳам анчагина иш олиб борилди. Шу даврда Мирзачўлни ўзлаштириш ва у ерларни асосан пахтачиликка ихтисослаштириш (90% гача пахта) кучайди. Инқилобий уйнаган яна бир ходиса-бу янги Америка-Мексика пахта навининг келтирилиши бўлди. Ишлаб чиқариш муносабатларида ҳам анчагина ўзгаришлар бўй берди, қишлоқ хўжалигида янги синфлар-қулоқлар, помещиклар пайдо бўлди. Оқибатда 1908 йилда пахта майдонлари 244,7 минг десятина (десятина-1,1 га)дан 1917 йил 425,8 минг) десятинага етди (1980 йилларда 2млн. гектарга етказилди). Биринчи жаҳон уруши арафасида 597 минг десятина ерда пахта экилган. Бу барча сугориладиган майдонларнинг 20%ни ташқил этган.

Россия туқимачилик саноати 1900 йил 16 млн. Пуд (1 пуд-16 кг) тола ишлатган бўлса, бу курсаткич 1913-14 йилларда 27,7 млн. Пудга етди. XIX аср охири-XX аср бошларида россияда нисбатан ривожланган бозор тизими вужудга кела бошлади. Ишлаб чиқариш омиллари: капитал, иш кучи, ер товарга айлана бошлади, бу жараёнлар Туркистонда нисбатан секинлик билан бўй берди. Чунки бу ерда саноатнинг фақат уй хунармандчилиги шакли мавжуд бўлиб, ҳатто мануфактура ҳам йўқ эди. Бу ерда янги типдаги саноат корхоналари (мануфактурадан «сакраб» ўтилиб) завод-фабрикалар, янги ишлаб чиқариш муносабатлари (ёлланма ишчилар) вужудга кела бошлади. Молия, банк кредит тизимлари вужудга келди. Биринчи жаҳон урушига қадар бу ерда товар-пул муносабатлари, масалан, товарчилик даражаси анча юқори эди.

Россия империясининг Туркистонда олиб борган иқтисодий ва ижтимоий сиёсати маҳаллий аҳолини мустамлакачилик

асоратида саклаш, иқтисодиётни бир томонлама аграр, хомашё асоси сифатида рижожлантириш мақсад қилиб қуйилди ва бунга тўла эришилди. Пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл берилмади. Шунга қарамай, табиий объектив ривожланиш туфайли капиталистик, феодализмга нисбатан илгор ишлаб чиқариш усуллари намоён бўла бошлади; оз бўлса ҳам, хусусий, машиналашган фабрика- завод тизими, ёлланма ишчи кучи, товар, пул муносабатлар, савдо, молия, кредит ва банк муассасалари, аграр соҳада эса янги синф вақиллари вужудга келди.

XIX аср охири-XX аср бошларидаги темир йўл қурилиши саноат-савдо капиталига кенг имконият яратди.

Шурулар ҳоқимияти (1917) дастлабки пайтлардан бошлаб етакчи тармоқлар: банк, оғир саноат, транспорт (темир йўл), ташки савдони миллийлаштирди, хусусий мулкка, табиркорликка қарши ҳаракат кучайди, бозор муносабатларини имкони борича бугиш энг асосий вазифа қилиб белгиланди. социалистик деб аталган иқтисодиётни яратиш ҳаракати бошланди.

Оғир иқтисодий вазият шароитида «ҳарбий коммунизм» сиёсати амалга оширилди. Бунда ишлаб чиқариш ва тақсимот ўстидан тўла давлат назорати урнатилди (карточка тизими жорий қилинди), қишлоқларда «озик - овқат разверткаси» жорий этилди. Ишлаб чиқаришдан манфаатдорлик тугатилди, ҳамманинг ишлаши мажбур қилинди, савдо амалда бекор қилинди. Ҳарбий режим урнатилди ва амалда бозор муносабатларига болта урилди. Ишлаб чиқариш кескин қискарди. Хўжаликнинг натураллашуви кучайди, суперинфляция юз берди. Шуниси характерлики, Туркистондаги дастлабки ўзгаришлар, марказдан фарқли ўзига хос равишда амалга ошди. Масалан, «ер ҳақидаги декрет» фақат 20-йилларда реализация қилинди. Озик-овқат разверткаси марказдагидан енгилроқ амалга оширилди. Хусусий савдони ҳам тугатишга эришилмади, яъни товар-пул муносабатлари сақланди. «Ҳарбий коммунистик» тажриба инкирозга учради. 1918 йил РСФСР таркибида Туркистон автоном республикаси тузилди. 1920 йилда мустақил хоразм ва бухоро

халқ республикалари ташқил этилди. 1924-25 йилларда миллий давлат чегараланиши туфайли СССР (1922 йил) таркибида Ўзбекистон ССР (Тожикистон АССР 1929 йилгача ЎзССР таркибида бўлди, Хоразм ва Бухоро республикалари тугатилди, 1932 йилда Коракалпоғистон АССР Ўзбекистон таркибига кирди).

Ана шундай муаммолар ичида иқтисодиёт хал қилувчи ўринни эгаллар эди, чунки мамлакат оғир ахволда қолди. Айниқса ер масаласини хал этиш муҳим бўлди, у икки боскичда утди.

1921-22 йилларда биринчи боскичда маҳаллий аҳоли билан кучиб келган европаликлар ўртасидаги фарқ тугатилди.

1925-29 йилларда иккинчи боскичда барча ерлар дехқонларга бўлиб берилди дехқонлар ер эгасига айланди. Аммо кейин ер тортиб олинди ва мажбурий қоллективизация утказилди.

Оғир ахволдан чиқиш учун капиталистик бозор муносабатларидан фойдаланишга тўғри келди ва бу принцип амалда ўзини оқлади.

2. Янги иқтисодий сиёсат, унинг мазмуни ва аҳамияти. Бухоро ва Хоразм республикаларининг (1920-1924) иқтисодий ривожланиш тажрибаси.

Харбий коммунизм» сиёсати барбод бўлгач, янги иқтисодий сиёсатга (1921 йил) ўтилди, бу аслида капиталистик муносабатларга кенг имконият бериш концепциясидан иборат бўлиб, иқтисодиётга янгича қараш, жиддий ва узоққа мўлжалланган концепция эди. Унинг асл моҳияти шуки, иқтисодиётда эркин тадбиркорлик ва танлаш имкони берилди, миллийлаштирилган корхоналар (айниқса енгил ва озиқ -овқат, хизмат тармоқлари) денационализация (давлат тасарруфидан чиқариш –приватизация) қилинди, яъни хусусий қулларга берилди, хусусий савдога йўл очилди, энг муҳими меҳнаткашлар мотивациясини (рағбатлантирилишини) бугувчи озиқ-овқат разверткаси урнига ягона озиқ-овқат солиғи жорий этилди.

Давлат энг муҳим тармоқларнигина ўз қулида сақлаб қолди, хўжаликнинг асосий қисми ишлаб чиқарувчилар қулига утди. Қишлоқда тадбиркор дехқонлар-қулоқлар фаолияти кучайди,

уларда товарлик анча катта эди. Экин майдонлари кенгайди, айниқса пахта экиш кучайди. Саноат ишлаб чиқариши йўлга қуйилди, майда ишлаб чиқариш, кустар хунармандчилик ҳам авж олди.

Хоразм ва Бухоро халқ республикалари (1920-24 йиллар)нинг ташқил топиши ва иқтисодий ривожланишида бир қанча ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу ҳудудларнинг аввало иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан пастрок эди. Бўлиб ўтган инқилоб туфайли халқ республикалари урнатилди, утказилган ислохотлар асосан халқ демократик ўзгаришларни амалга оширди. Олиб борилган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсат охир оқибатда совет бошқарув тизимининг жорий қилинишига олиб келган бўлса ҳам, бу ўзгаришлар аста-секинлик билан, объектив шароитларни ҳисобга олган ҳолда, шошилмай олиб борилди. Инқилобий усуллар урнига ислохотлар утқазиш усули устун эди.

Россияда Шўролар хоқимияти урнатилиши билан янги социалистик жамиятни кўриш режалари белгиланди, унинг иқтисодий пойдеворини яратиш ишлари бошланиб кетди.

Бунинг учун ўз даврида учта асосий вазифани бажариш зарур деб топилди: 1.Саноатни индустриализациялаш.2.Қишлоқ хўжалигини қоллективизациялаш.3. Маданий инқилоб. Бунинг учун мавжуд иқтисодий укладларни тугатиш ва янги социалистик хўжалик укладини яратиш керак эди. Эркин бозор иқтисодиёти урнига буйруқбозлик иқтисодиётининг яратилиши зарур бўлди, бунда умумхалқ мулки етакчи ўринни эгаллайди, барча ишлар марказдан бошқариладиган катъий режалар асосида олиб борилади. Бозорга зид равишда хусусий мулк (савдо), рақобат тугатилди, катъий баҳо ва императив режалар жорий этилди, якка партиявийлик урнатилди.

3. Нокапиталистик (капитализмни четлаб ўтиб) социалистик жамияти кўриш назарияси ва унинг тарихий тақдири.

Ўз тараккиётида орқада қолган собиқ мустамлака халқларининг капитализмга қадар тузумдан уни четлаган холда янги тузум томон боришлари учун моддий - техник, социал-иқтисодий ва сиёсий шароит яратишга қаратилган инқилобий ўзгаришлар йўли, нокапиталистик ривожланиш концепцияси сифатида илгари сурилди.

Қолоқ халқларнинг капитализмни четлаб социализмга ўтишлари икки асосий хусусиятга эга:

1.Социализмни кўриб бўлган ёки уни кўраётган халқларга социализм учун интилаётган халқларга ҳар тарафлама ёрдам беришлари керак.

2.Қашшоқ халқларнинг социализм томон бориши кўп погонали бўлади, яъни бу халқлар турли боскичлардан утади.

Бу ерда гап марказий осийёдаги давлатларда социализм кўриш масаласидир.бу ғоя Шўро ва жумладан, Ўрта Осий ва Козогистон олимлари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда аста секин аввало қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни тиклаш бўйича талай ишлар амалга оширилди, экин майдонлари кўпайтирилди. Янги саноат, фабрика- заводлар ҳам барпо қилина бошлади.

Амалда нокапиталистик (капитализмни четлаб) ривожланиш йўли ўзини оқламади. 1985-1990 йиллард рўй берган ўзгаришлар туфайли деярли барча социалистик деб аталган давлатлар бозор иқтисодиёти принципларига, янги капитализмга қайтишга мажбур бўлдилар.

Асосан капиталистик, яъни бозор муносабатларининг ёрдамида тикланган халқ хўжалигини ривожлантириш нотабиий йўл билан давом эттирилди. Иқтисодиётни катъий режалар асосида ривожлантириш маъқул деб топилди. Асосий мақсад нисбатан қолоқ, асосан, аграр мамлакатда илгор индустрлашган иқтисодиётни яратиш эди. Бунинг учун 1928 йилда йиллик режалар асосида иш юритилди. Илгор мамлакатлардан 50, ҳатто 100 йил орқада бўлган халқ хўжалигини қисқа (10 йил) вақт давомида илгорлар қаторига етқизиш йўли тўтилди. Бунда асосий

эътибор оғир саноатга қаратилди. Унга энг кўп инвестициялар ажратилди, оқибатда кўмир казиш, метал эритиш, электроэнергия хосил қилиш машинасозлик ва бошқа тармоқларга устувор йўналиши берилди, халқ истеъмол даражаси паст қилиб сақланди. Ишчи кучларини қишлоқ хўжалигидан саноатга жалб этиш зарур эди. Ишчиларнинг истеъмолини ва саноатини хомашё билан таъминлаш учун аграр соҳани ўстириш талаб этилади.

Режалаштирилган иқтисодиётга ўтилиши билан (1928-29 - 1932-33 йиллар учун) биринчи беш йиллик режа қабул қилинди. Бу икки асосий ўзгаришга сабаб бўлди.

Биринчидан инвестициялар ва харбий харажатларнинг кўпайиши туфайли иқтисодиётда шахсий истеъмол хиссаси ўзгарди (камайди). 1928 йил шахсий истеъмол ялпи миллий махсулотнинг 65% ини ташқил этган. Кейинги 50 йил давомида бу курсаткича 50% атрофида бўлган, холос.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги қоллективлаштирилди. Ер тўғрисидаги декрет, ер-сув ислохоти бўйича дехқонларга бўлиб берилган ерлар мажбуран қолхоз ва совхозларга бирлаштирилди, аслини олганда дехқонлар ердан, мол-мулкидан ва асосий ишлаб чиқариш воситаларидан махрум қилинди.

4.Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ғалабаси. Бозор иқтисодиётига муқобил тизим ва унинг инқироzi.

Шу йилларда мамлакатда маъмурий буйруқбозлик тизими юзага келди, бозор иқтисодиётига муқобил (альтернатив) иқтисодиётга ўтилди. Социалистик мусобака байроги остида эркин рақобат тугатилди, халқ оммасининг ташаббуси, меҳнатга бўлган иштиёк (мотивация) бугилди, боқимандалик кайфияти ошиб борди. Бу ҳолат айниқса II жаҳон уруши йилларида авж олди.

Урушдан кейинги йилларда режалаштириш тизими давом этди, бу даврда инвестицияга 25% ялпи миллий махсулот сарфланди. Халқ хўжалиги, пахтачиликни тиклаш ишлари авж олди. Бу ишда экстенсив йўл асосий ўринни эгаллади, янги ерлар

очиш, сугориш тармоқлари кўришга катта эътибор берилди. Орол денгизи худди шу даврдан бошлаб саёзлаша бошлади.

60-йиллардан иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари камайди. Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари пасайиши сабаблари аввало режали иқтисодиётнинг имкониятлари чекланганлиги билан изоҳланади. Демак, бу усул маълум давргача самара берган бўлса, энди унинг акс таъсири намоён бўла бошлади, янги шароитга мослашув рўй бермади. «Инкирозга учради» дейилган бозор иқтисодиёти эса ўзгарган шароитга мослашди, яъни бозор иқтисодиётининг янги шароитга адаптацияси юз берди ва унинг янги резервлари борлиги аникланади.

Ундан ташқари иқтисодиёт суръатларининг пасайишига олиб келган сабаблар куйидагилар бўлди. 1. Ишчи кучлари сонининг ўсиш суръатлари йилига 0,5% пасайди. 2. Аҳолининг қишлоқ жойлардан саноатга ўтиши якунланди, бу жарён ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошишига сабабдир, чунки саноатда қишлоқ хўжалигига нисбатан унумдорлик баланд. 3. Қишлоқ хўжалиги унумдорлиги усмай куйди, четдан озиқ -овқатни импорт қилишга эҳтиёж сезилди.

Нокапиталистик, социалистик ривожланиш йўли тарихан ўзини оқламади. Жахоннинг учдан бир қисмини эгаллаган системани қўлади, бозор иқтисодиёти йўлидан ривожланиш тарихий зарурат бўлиб қолди.

5.Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг тарихий зарурияти. Бошқариладиган ижтимоий бозор иқтисодиёти йўлини танлаб олиниши ва унинг хусусиятлари.

1991 йилнинг 31 августда Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Шу кундан бошлаб республиканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларида янги ўзгаришлар даври бошланди.

Ўзбекистоннинг тарихий, миллий, анъанавий, демографик ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, республикамизда ижтимоий жихатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш мустақил

жумхуриятимиз ички сиёсатининг негизи деб қабул қилинди. Бу йўналиш ўз даврида немис иқтисодчилари Вилгельм Ребке (1899-1966), Вольтер Ойкен (1891-1950), Людвиг Эрхард (1897-1977) лар томонидан илгари сурилган эди.

Тулик эркин бозор муносабатларига ўтиш маълум тараккиёт даврини талаб этади, бу тарихан аник фактдир. Бозор муносабатлари нисбатан тўла амалга ошган давлатлар тарихига назар ташланса, бу давр бир неча асрлардан тортиб бир неча ун йилларни ташқил этади. Масалан, классик бозор муносабатлари таркиб топган Буюк Британияни оладиган бўлсак, унга деярли 200 йил, Францияга 150 йил, Германия ва АҚШга 50-100 йил вақт талаб этилди.

Инсониятнинг тарихий ривожланиши давомида иқтисодиётда бозор муносабатларининг куйидаги шакллари фарқланади:

1. Ёввойи бозор (дастлабки пайтда);

2. Маъмурий - буйруқбозлик бозори (бир вақтлар собик СССРда ва "социалистик" деб аталган мамлакатларда);

3. Бошқариладиган бозор (хозирги деярли барча ривожланган етакчи мамлакатларда).

Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш учун куйидаги зарур шарт-шароитлар талаб этилади:

А) танлаш ва тадбиркорлик эркинлиги;

Б) баҳоларнинг эркинлиги (баҳони талаб ва таклиф асосида бозор белгилайди);

В) эркин рақобат (монопологияга қарама - қарши);

Г) мулкларнинг турли туманлиги ва уларнинг ҳуқуқий жихатдан қонун олдида тенглиги (давлат, хусусий, жамоа мулклари...);

Д) давлатнинг иқтисодиётга имкони борица камроқ аралашуви ва бошқалар.

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиш концепцияси Ўзбекистон республикаси президенти, академик и.а. каримовнинг асарлари, рисола ва нуткларида изохлаб берилган. Ўзбекистоннинг тарихий, миллий, анъанавий, экологик

ва бошқа соҳалардаги тажрибаларига асосланиб, Республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли макбул деб топилди. Бу ўтиш йўли тадрижий (эволюцион), кетма-кет, боскичма-боскич амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига тез ва бухронсиз ўтиши учун қулай шароитлар анчагина. Бу аввало сиёсий мустақилликнинг мавжудлигидир; халқимизнинг бой тажрибаси ва меҳнаткашлиги, интеллектуал бойлиги туфайли ҳатто маъмурий-буйруқбозлик даврида ҳам бозорлар мавжуд бўлган ва асосий талаб-эҳтиёжни қондира олган. Агар ишлаб чиқаришга илгор технология, Фан - техника ютуқлари жорий этилса, бой моддий техника ресурсларимиз ишга солинса, халқимиз ва давлатимиз тезда ривожланиб, нисбатан киска давр ичида илгор мамлакатлар қаторига кушилади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг "Ўзбек модели" концепцияси Ўзбекистон республикаси президенти академик И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган.

Унинг беш тамойили мавжуд:

1.Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши.

2.Давлат бош ислохотчи.

3.Қонуннинг ҳамма нарсадан устун туриши.

4.Кучли ижтимоий сиёсат, ижтимоий йўналтирилган бозор.

5.Бозорга боскичма-боскич, тадрижий (эволюцион) йўл билан бориш.

Хулоса

Жамият ривожини тарихи шуни аниқ курсатадики, бир ижтимоий тизимдан бошқа тизимга кўчиш учун маълум ўтиш даври объектив заруратдир.бу зарурат эскирган ҳаёт уклади урнига яратиладиган янги укладни вужудга келтиришдаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон шароитида бу ўтиш даври бир неча боскичдан иборат бўлади, ҳозирги вақтда биринчи боскичдан (1991-94йиллар) иккинчи боскич(1995-1999) амалга оширилди ва 2000йилдан янги боскич-эркинлаштириш даври бошланди.

Ўтиш даврининг давом этиш вақти ва боскичлари сони ўтиш даврида қулланиладиган қатор аниқ объектив ва субъектив омиллар ва услубларга боғлиқдир. Уни нисбатан тезроқ ва туфонларсиз амалга ошириш бош вазифа ҳисобланади. Ўзбекистонда мдх давлатлари орасида биринчилардан бўлиб мустақилликнинг 10 йили давомида муҳим ютуқларни қўлга киритди.

Таянч ибора ва тушунчалар.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш зарурлиги; ўтиш даври хусусиятлари ва боскичлари; ислохотларнинг беш тамойили; и.каримов асарлардаги иқтисодий ғоялар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1.Ўзбекистонда "социалистик" деб аталган тузум даврида рўй берган иқтисодий ўзгаришларнинг оқибати қандай бўлди? Маъмурий-буйруқбозлик ва режали иқтисодиётнинг ютуқ ва камчиликлари нималарга олиб келади?

2.Ривожланиш суръатларнинг пасайиши,режали иқтисодиёт инкרוзи, сиёсий- ижтимоий ва экологик муаммоларнинг сабаблари нима?

3.Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатларига ўтишнинг тарихий зарурати нималардан келиб чиқади?

4.Бошқариладиган ижтимоий бозор концепциясининг моҳияти қандай?

5.Бозорга ўтишнинг "шок терапияси" ва тадрижий усуллари бир-биридан нима билан фарқ қилади?

АДАБИЁТ.

АСОСИЙ АДАБИЁТ.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.,Ўзбекистон,1998.

2.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., ТДИУ, 2000.

3.Иқтисодий билимлар тарихи. Т., Фан, 2001.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТ.

1. Тухлиев Н. Ўзбекистон республикаси иқтисодиёти.т.,1998.

2.Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Ўзбекистана. Т., Укитувчи, 2000.

УМУМИЙ АДАБИЁТ. АСОСИЙ АДАБИЁТ.

- 1.Каримов И.А. Тарихий утмишсиз келажак йўқ. Т., 1998.
- 2.Иқтисодий билимлар тарихи. Маърузалар матни.т.,ТДИУ,2000.
- 3.Иқтисодий билимлар тарихи. Ўқув қулланма.т.,Фан,2001.
- 4.Майбурд Е.М.Введение в историю экономической мысли. М.,1996.
- 5.Ядгаров Я.С. История экономических учений.м.,2000.
- 6.Раззоков А.А. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреатлари.т.,ТДИУ,1998.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТ.

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998.
- 2.Куръони Карим .т.,Чулпон, 1992.
- 3.Мор Т.Утопия.М.,1953.
- 4.Кампанелла Т.Город Солнца.М.,1954.
- 5.Социально-утопические идеи в средней Азии.т.фан, 1983.
- 6.Хайруллаев И.Фараби. Т.фан,1975.
- 7.Форобий. Фозил одамлар шаҳри.т.,1993.
- 8.Ибн Холдун. Лавхалар. Ижтимоий фикр.1998,№1, 158-165-бетлар.
- 9.Юсуф Хос Хожиб.Кутадғу билиг. Т.,1991.
- 10.Кайкавус У.Кобуснома. Т.,укитувчи, 1986.
- 10.Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари.Т.,1998.
- 11.Фуломов С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Т., мехнат, 2002.

Бу фанни ўрганиш давомида чиқаётган янги хужжат, китоб, вақтли матбуот материалларига ҳам алохида эътибор бериш тавсия этилади.

